

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“ПОДПОЛКОВНИК” МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАЛАКА  
ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2023**

**УДК 355.54:351.74(07)(575.1)**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “подполковник” маҳсус унвони бериш учун маҳсус малака ошириш ўқув курси”нинг ўқув дастури асосида тайёрланган.

**Муаллифлар:**

Ш.А. Таджиметов Жанговар тайёргарлик цикли бошлиғи;

Б.Б. Умурзаков Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси.

**Тақризчилар:**

О.Б. Насимов ИИВ Касбий тайёргарлик бошқармаси бошлигининг ўринбосари;

И.Х.Махмудов ИИВ Академияси Ҳарбий фанлар кафедраси бошлигининг ўринбосари.

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “подполковник” маҳсус унвони бериш учун маҳсус малака ошириш ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун қуролсиз саф усулларини бажариш тартиби, маҳсус воситаларнинг турлари, тактик-техник хусусиятлари, қўллаш тартиби ва қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари, маҳсус операция тушунчаси, турлари, ўқ отиш тайёргарлиги, унинг ички ишлар органларидағи роли ва ўрни ҳамда замонавий қуролларнинг турлари ва жанговар хусусиятлари ёритиб берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” даги “\_\_\_”-сонли йиғилиш мухокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

**©Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023.**

## **Мундарижа**

Кириш.....	6
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	8
2.1-мавзу: Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари (амалий) .....	10
2.2-мавзу: Махсус воситаларни қўллаш тартиби, турлари, қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари (маъруза).....	21
2.3-мавзу: Ички ишлар органларда қўлланилаётган электрошок қурилмаларининг тактик-техник таснифи, қўллаш тартиби (амалий).....	36
2.4-мавзу: Махсус операция тушунчаси, турлари. Махсус операцияларни бошқариш ва ҳамкорликни ташкил қилиш (семинар).....	52
2.5-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларининг ўқотар қуроллардан отиш курсининг мазмун-моҳияти.....	74
2.6-мавзу: Калашников автомати ва Макаров пистолетининг тузилиши, жанговар хусусиятлари ва қўлланилиши. Уларни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби (маъруза, амалий) .....	105
Мавзулар бўйича тахминий тест саволлари .....	118
Глоссарий.....	121
Адабиётлар.....	127

## **КИРИШ**

Хурматли тингловчилар! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали ахолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидағи бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб- ахлоқ нормалариға сўзсиз амал қилиш туйгусини шакллантириш, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, қадр-қиммати, хукуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Шу сабабли, навбатдаги “подполковник” маҳсус унвонини бериш учун маҳсус малака ошириш ўқув курсларига келган ходимлар саф тайёргарлиги асосларини билиши, саф бўлинмалари шахсий таркиби билан саф тайёргарлиги машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш, тизимда мавжуд маҳсус воситаларнинг турлари, тактик-техник хусусиятлари ва улардан фойдаланиш тартиби, электрошок қўрилмаларидан фойдаланиш ва уларни тўғри қўллаш, мавжуд ўқ отар қуролларни билиши ва улардан моҳирона фойдаланиш, оператив режаларни ва ИИО ходимларини ушбу режалардаги ҳаракатларини билиши, турли ҳил фавқулотда ҳолатларда шахсий таркибни бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши керак.

Ўқув-услубий мажмууда ички ишлар органлари офицерларининг фавқулодда вазиятлар вужудга келганда моҳирона ҳаракат қилиш кўникмаларини ошириш, шунингдек юзага келадиган турли ҳил вазиятларда хизмат вазифаларини бажаришда малакаларини оширишдан иборат. Тайёргарликнинг асосини ички ишлар органлари шахсий таркибининг мураккаб ва кескин вазиятлардаги тактик ҳаракат усуллари ташкил этиб, маҳсус ва жанговар техникалар ҳамда маҳсус воситалардан тўғри фойдаланишга ўргатилади.

Навбатдаги “подполковник” маҳсус унвонини бериш учун маҳсус малака ошириш ўқув курсларида ўқитиши инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг жанговар тайёргарлик бўйича билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

**Жанговар тайёргарлик модулининг мақсади** – ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш орқали саф амалларини бажариш, ўқ отар қуролларни моҳирона қўллаш, мавжуд оператив режаларни билиш ва уларда куч ва воситаларни самарали бошқариш, махсус воситалар, уларнинг турлари ва жанг олиб тактикасини ўргатиш, уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун малакаларини оширишдан иборат.

**Жанговар тайёргарлик модулининг вазифалари:**

- тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;
- тингловчиларни юксак даражадаги Ватанпарварлик, довюраклик, мардлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;
- тингловчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳар томонлама такомиллаштириб бориш;
- хизмат фаолияти давомида рўй берадиган ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш;
- Ички ишлар органларида мавжуд ўқ отар қуролларни билиш ва уларни моҳирона қўллаш;
- махсус воситалар турлари, тактик-техник тавсифларини билиш ва фавқулотда ҳолатларда қўллаш қўнимларига эга бўлиш;
- хизмат вазифаларини бажаришда учрайдиган ҳолатларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;
- жанговар тайёргарлик модулида назарий олинган билимларни амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

**Тингловчи:**

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, хизмат вазифаларини вижданан бажарадиган, жанговар тайёргарлиги юқори даражада бўлишини англаши;

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексида белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши;

ўқ отар қуролларни қўлланилиш мақсади, тактик-техник хусусиятлари ва тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибини;

куролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатларини;

махсус опереацияларда хужжатларини тузиш, расмийлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиши;

махсус воситаларнинг турлари, тактик-техник тавсифлари ва қўллаш тартибини ўрганиши;

оператив режалар, уларда гуруҳларнинг ва шахсий таркибнинг вазифаларини билиши;

махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик чораларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

ўз фаолиятини режалаштириш;

турли вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш;

қўл остидаги шахсий таркибни бошқариш;

махсус воситалар билан жанг қилиш;

куроллардан моҳирона отиш;

оммавий тартиббузарликларни бартараф қилишда махсус воситалар билан ҳаракатаниш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

махсус операцияларни амалга оширишда махсус воситалардан фойдаланиш;

турли ҳил ўқ отар қуроллардан отиш;

саф билан юриш ва сафни бошқариш;

ўқ отар қуроллар ва махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик чораларига риоя қилиш;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Модул бўйича дарслар тақсимоти:**

		<b>Модул мавзулари</b>	<b>Ўқув юкламаси (соатларда)</b>					<b>Мустакил таблицим</b>	
			<b>Жумладан</b>						
				<b>Жами</b>	<b>Жамриза</b>	<b>Семинар</b>	<b>Амалий машгулот</b>	<b>Назорат</b>	
<b>2</b>		<b>Жанговар тайёргарлик</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>4</b>		
2.1		Куролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари.	4	-	-	2	2	-	
2.2		Махсус воситаларни қўллаш тартиби, турлари, қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.	4	2	-	-	-	-	
2.3		Ички ишлар органларда қўлланилаётган электрошок қурилмаларининг турлари ва қўллаш тартиби.	4	-	-	2	-	2	
2.4		Махсус операция тушунчаси ва турлари. Махсус операцияларни бошқариш ва ҳамкорликни ташкил қилиш.	2	-	2	-	-	-	
2.5		Ички ишлар органлари ходимларининг ўқотар қуроллардан отиш курсининг мазмун - моҳияти.	2	2	-	-	-	-	
2.6		Калашников автомати ва Макаров пистолетининг тузилиши, жанговар хусусиятлари ва қўлланилиши. Уларни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йигиш тартиби.	4	2	-	4	-	-	

## **2.1-МАВЗУ: ҚУРОЛСИЗ БАЖАРИЛАДИГАН САФ АМАЛЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ.**

(2 соат амалий)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув саволи: Жойида бажариладиган саф ҳаракатлари.

2-ўқув саволи: Ҳаракатда бажариладиган саф амаллари.

### **1-ўқув саволи: Жойида бажариладиган саф ҳаракатлари**

**Қад ростлаб туриш.** Қад «САФЛАН» ёки «РОСТЛАН» командасига биноан ростланади. Ушбу командаға биноан ҳарбий хизматчи зўриқмасдан тўғри туриб, пошналарини бирга, оёқ учларини фронт бўйлаб бир чизиққа, оёқ кафти кенглигида қўяди, тиззасига зўр бермай, тўғри тутади, қўкрак қафасини бир оз кўтариб, танасини олд томон сал оғдиради, қорин соҳасини ичкарига тортади, елкасини тўғри тутиб, кафти танага қаратилган қўлинни тушириб, бироз букилган бармоқларини сонининг ён томонига, ўртасига тақайди, бошини баланд кўтариб, иягини олдинга чиқармай, тўғри тутади, тўғрига қараб, тегишли ҳаракатни зудлик билан бажаришга шай туради.



*Қад ростлаб туриши*

Жойида турганда, буйруқ бераётган ёки олаётганда, билдирув бераётганда, ҳарбийча салом бераётганда, команда берилаётганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси ижро этилаётганида командасиз қад ростлаб тутилади.

Бош кийимсиз сафдан ташқарида турган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси ижро этилаётганида ўнг қўлинни қўкрак соҳасининг чап томонига қўяди. Бунда кафт қўкракка қаратилиб, узатилган бармоқлар бирга тутилади.

«ЭРКИН» командаси берилганда, ҳарбий хизматчи ўзини эркин тутиб, чап ёки ўнг тиззасини бўш қўяди, лекин жойидан жилмайди, гаплашмай, дикқат-эътиборини чалғитмай туради.

«ТҮГРИЛАН» ёки «ТҮГРИЛАНСИН» командастың биноан, ҳарбий хизматчи сафдаги жойини тарқ этмаган ҳолда, үз қуроли, кийими, анжомаслахаларини түгрилаб олади. Бунинг учун сафдан чиқиш керак бўлса, бевосита бошлиғига рухсат сўраб, мурожаат қиласди.

«ТҮГРИЛАН» ёки «ТҮГРИЛАНСИН» командасидан олдин «ЭРКИН» командаси берилади.

Бош кийимни ечиш учун «Бош кийим ЕЧИЛСИН» командаси, кийиш учун эса «Бош кийим КИЙИЛСИН» командаси берилади. Зарурат бўлса, якка турган ҳарбий хизматчи бош кийимини командализ ечиб, кияди.

Ечилган бош кийим эркин туширилган чап қўлга, нишони олд томонга қаратилган ҳолатда олинади.



*Бош кийимни ечиши*

Бош кийимсиз ёки қурол «орқага» олинган ҳолатда бош кийим ўнг қўл билан, қурол «тасмага», «кўкракка» ва «оёққа» олинган ҳолатда чап қўл билан ечилиб, кийилади. Карабин «елкага» олинган ҳолатда бош кийим ечиладиган бўлса, карабин дастлаб «оёққа» ҳолатига келтирилади.

**Жойда туриб бурилиш.** Жойда туриб бурилиш амаллари «Ўнг-ГА», «Чап-ГА», «Орт-ГА» командаларига биноан бажарилади.



### *Жойида бурилиши амаллари*

Ортга ва чапга бурилиш амаллари чап пошна ва ўнг оёқ учида турган ҳолда чап қўл томон, ўнгга бурилиш амали эса ўнг пошна ва чап оёқ учида турган ҳолда, ўнг қўл томон бурилиб, бажарилади.



### *Жойида ўнга ва чапга бурилиши амаллари*

Бурилиш учун иккита амал бажарилади.

Биринчи амал. Тананинг тик ҳолати сақланиб, тиззани букмай бурилганча, тана вазни олдинда турган оёққа ўтказилади.

Иккинчи амал. Ортда қолган оёқ тўғри тортилиб, олдинги оёққа тақалади.



*Ортга бурилии амаллари*

## **2-ўқув саволи: Ҳаракатда бажариладиган саф амаллари.**

**Ҳаракат.** Ҳарбий хизматчи қадамлаб юриб ёки югуриб ҳаракатланади. Қадамлаб юриш ҳаракати дақиқада 110 – 120 қадам тезликдә бажарилади. Бунда ҳар бир қадам узунлиги 70 – 80 см. бўлиши лозим.

Югуриш ҳаракати дақиқада 165–180 қадам тезликдә бажарилади.

Бунда ҳар бир қадам узунлиги 85 – 90 см. бўлиши лозим.

Қадамлаб юриш ҳаракати шахдам қадам ва оддий қадам ташлаб юришга фарқ қиласди.

Шахдам қадам ташлаш ҳаракати бўлинма тантанали юриб ўтаётганида, юриш давомида ҳарбийча салом берилаётганида, ҳарбий хизматчи бошлиқ олдига яқинлашаётган ёки ундан нари кетаётганида, саф тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнида сафдан чиқаётган ёки сафга қайтаётганда, шунингдек, тантанали ва мотамли ҳарбий таомиллар давомида бажарилади.

Полигон (жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтказилаётган жой), жанговар машиналар парки ва бино ичида бошлиқ олдига яқинлашиш ёки ундан нари қетиш, сафдан чиқиш ёхуд сафга қайтиш амали оддий қадам ташлаб бажарилади.

Шахдам қадам ташлаш ҳаракати «**Шахдам қадам БОС**» командасига, оддий қадам ташлаб юрилаётганда «**Шахдам БОС**» командасига, оддий қадам ташлаб юриш ҳаракати эса «**Қадам БОС**» командасига биноан бошланади.

Дастлабки команда берилганда тана бироз олдинга оғдирилиб, унинг асосий вазни, мувозанат сақланган ҳолда, ўнг оёққа олиб ўтилади. Ижро командаси берилганда ҳаракат чап оёқдан, тўлиқ қадам ташлаб бошланади.

Шахдам қадам ташлаб юрганда, учи олдинга узатилган оёқ 15–20 см.га кўтарилиб, ерга бутун кафти билан босилади.



### *Шахдам қадам ташлаб юрии*

Кўлнинг елкадан бошланадиган ҳаракати тана яқинида бажарилади.

Бунда:

олдинга чиқарилган қўл букилиб, панжаси камар тўқасидан бир кафт энида, танадан бир кафт узунлигига, тирсак панжа билан баробар тутилган ҳолда кўтарилади;

орқага охиригача тортилган қўл тўғри узатилади.

Бармоқлар ярим букилган бўлиб, бош тўғри тутилганча олдинга қараб борилади. Оддий қадам ташлаб борилаётганда оёқнинг учи узатилмайди, олдинга эркин чиқарилиб, ерга, оддий юриб борилгандай, босилади. Кўл тана яқинида эркин ҳаракатланади.

Оддий қадам ташлаб юриш давомида берилган «РОСТЛАН» командасиiga биноан шахдам қадам ташлаш ҳаракатига, шахдам қадам ташлаш ҳаракати давомида берилган «ЭРКИН» командасиiga биноан эса оддий қадам ташлаб юриш ҳаракатига ўтилади.

Югуриш ҳаракати «**Югуриб қадам БОС**», мисол учун, «Гурух, югуриб қадам БОС» командасиiga биноан бошланади.

Югуриш ҳаракати жойда турган ҳолатда бошланадиган бўлса, дастлабки команда берилганида тана олдинга оғдирилиб, бироз букилган қўл тирсаги ортга тортилади. Югуриш ҳаракати ижро командасиiga биноан, чап оёқдан бошланиб, кўл ҳаракати югуриш вазнида эркин бажарилади.

Қадамлаб юриш ҳаракатидан югуриш ҳаракатига ўтиш учун тирсаги ортга тортилган қўл бироз букилади. Чап оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган ижро командасиiga биноан, ўнг оёқ ерга босилиб, чап оёқдан югуриш ҳаракати бошланади.

Югуриш ҳаракатидан қадамлаб юриш ҳаракатига ўтиш учун «**Қадам БОС**» командаси берилади. Ўнг оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган ижро командасиiga биноан, яна икки қадам югуриб, чап оёқдан қадамлаб юриш ҳаракати бошланади.

Жойда қадам босиши ҳаракати «Жойингда, қадам БОС», командастың, юриш давомида эса «ЖОЙИНГДА» командастың биноан бажарылади.

Ушбу командага биноан жойда турған ҳолатда қадам босилиб, оёқ ердан 15 – 20 см.га күтәриләди. Бунда, оёқ қафти ерга учидан бошлаб босилади, құл ҳаракати қадам вазнида бажарылади.



*Жойда қадам босиши*

Чап оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган «ТҮФРИГА» командастың биноан, үнг оёқ билан жойда турған ҳолда яна бир қадам босилиб, ҳаракат чап оёқ билан түлиқ қадам ташланғанча бошланади. Бунда, дастлабки учта қадам шаҳдам босилади.

Ҳаракатни тұхтатиши учун, масалан: «**Оддий аскар Иброҳимов, ТҰХТА**» командасы берилади. Ерга үнг ёки чап оёқ босилиши баробарида бериладиган ижро командастың биноан, яна бир қадам босилиб, оёқтар ёнма-ён тақалға, қад рост тутилади.

Ҳаракат тезлигини ўзgartириши учун «**ЙИРИК ҚАДАМ БОС**», «**ҚИСҚА ҚАДАМ БОС**», «**ЯРИМ ҚАДАМ БОС**», «**ТҮЛИҚ ҚАДАМ БОС**» командалари берилади.

Якка турған ҳарбий хизматчи бир неча қадам четта суримиши учун, масалан: «**Оддий аскар Иброҳимов. Ўнгга (чапга) икки қадам БОС**» командасы берилади.

Ушбу командага биноан, ҳарбий хизматчи ҳар қадам ташлаганда бир оғини иккінчисига тақаб борған тарзда үнгга (чапга) икки қадам ташлайди.

Бир неча қадам олдинга ёки орқага суримиши учун, масалан: «**Олдинга (орқага) икки қадам БОС**» командасы берилади. Ушбу командага биноан, икки қадам олдинга (орқага) ташланиб, оёқтар ёнма-ён тақалади.

Үнгга, чапга ва орқага сурилаётганда құл ҳаракати бажарылмайды.

### ***Юриш давомида бурилиши***

Юриш давомида бурилиш амаллари «**Үнг-ГА**», «**Чап-ГА**», «**Орт-ГА**» командаларының биноан бажарылади.

Үнгга (чапга) бурилиш учун ижро командасы үнг (чап) оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап (үнг) оёқ билан яна бир қадам босилиб, унинг учида үнгга (чапга) бурилади ва ҳаракат, үнг (чап) оёқ олдинга узатылғанча, янги йұналишда давом эттирилади.

Ортга бурилиш учун ижро командаси ўнг оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командаға биноан, чап оёқ билан яна бир қадам (бир саноги бўйича) босилиб, ўнг оёқ ярим қадам олдинга, бироз чапга босилади ва иккала оёқ учида турганча, чап қўл томон кескин ортга (икки саноги бўйича) бурилгач, чап оёқ билан (уч саноги бўйича) ҳаракат давом эттирилади. Бурилиш амаллари давомида қўл ҳаракати қадам вазнида бажарилади.



Қўл ҳаракати амаллари

### **ҲАРБИЙЧА САЛОМ БЕРИШ**

**Қуролсиз жойда туриб ва юриш давомида ҳарбийча салом бериш.**  
Ҳарбийча салом қад ростлаб туриш ва юриш қоидаларига аниқ амал қилган ҳолда берилади.



*Юриш давомида ва жойда туриб ҳарбийча салом берииш*

Сафдан ташқарида, бош кийимсиз, жойда туриб ҳарбийча салом бериш учун уч-тўрт қадамга яқин келган бошлиқ (катта) томон юзланиб, қад ростланади ва унинг юзига, бошни буриб борганча, қараб турилади.

Агар ҳарбий хизматчи бош кийим кийган бўлса, бундан ташқари, кафти ва бирлаштирилган бармоқлари тўғри узатилган ўнг қўлинни, ўрта бармоқни чаккага текизиб, елка чизиги ва баландлигига кўтаради. Бошни бошлиқ(катта) томон буриш мобайнида чакка яқинидаги қўл ҳолати ўзгармас қолади.



*Бир шеренгали сафда туриб ҳарбийча салом берииш*

Бошлиқ(катта) ҳарбийча салом бераётган ҳарбий хизматчининг ёнидан ўтиб кетгач, бош тўғри тутилиши баробарида, ўнг қўл туширилади.

Сафдан ташқарида, бош кийимсиз юриш давомида ҳарбийча салом бериш учун қўл ҳаракати бошлиққа (кattaga) уч-тўрт қадам қолганда навбатдаги қадам ташлаш баробарида тўхтатилади, бошни бошлиқ (катта) томон буриб, юзига қараганча, юриб борилади. Бошлиқнинг (кattанинг) ёнидан ўтгач, тўғрига қараб, қўл ҳаракати давом эттирилади.



*Бош кийимсиз юриши давомида ҳарбийча салом берииш*

Агар ҳарбий хизматчи бош кийим кийган бўлса, навбатдаги қадам ташлаш баробарида, ўнг қўлини чаккага келтиради, чап қўлини эса сони яқинида тутиб, ҳаракатдан тўхтатади. Бошлиқнинг (кагтанинг) ёнидан ўтгач, чап оёқни ерга босиш баробарида тўғрига қараб, қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқни (кагтани) қувиб ўтиш фурсатида ҳарбийча салом қувиб ўтишнинг биринчи қадами баробарида берилади. Иккинчи қадам ташлангач, тўғрига қараб, қўл туширилади.

Агар ҳарбий хизматчининг қўли банд бўлса, ҳарбийча салом, бошни бошлиқ (кагта) томон буриш тарзида берилади.

### **Сафдан чиқиши ва сафга қайтиши**

**Бошлиқ олдига келиши ва унинг олдидан кетиши.** Ҳарбий хизматчи сафдан чиқиши учун, масалан: «**Оддий аскар Тўраев. Сафдан фалон қадам чиқинг**» ёки «**Оддий аскар Тўраев. Олдимга (олдимга югуринг)**» командаси берилади.

Ўз фамилиясини эшитган ҳарбий хизматчи «**Мен**» дея, сафдан чиқиши командасини эшитгач эса «**Хўп бўлади**», дея жавоб беради.

Биринчи командага биноан, ҳарбий хизматчи биринчи шеренгадан бошлаб санаганча, сафдан тайинланган қадамга шахдам юриб чиқади ва тўхтаб, саф томон юзланади.

Иккинчи командага биноан, ҳарбий хизматчи биринчи шеренгадан бошлаб бир-икки қадам ташлагач, юриш давомида бошлиқ томон бурилиб, унинг олдига қисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб ёки югуриб боради. Бошлиқ олдига етишга икки-уч қадам қолганда тўхтаб, оёқларини ёнма-ён тақаш билан бир вактда, ўнг қўлни чаккага келтирганча, етиб келгани ҳақида билдирув беради, мисол учун: «**Ўртоқ сержант, оддий аскар Тўраев буйруғингизга биноан келди**».



*Бошлиқ олдига келиши*

Агар сафдан чиқиши буйруғини олган ҳарбий хизматчи иккинчи шеренгада турган бўлса, сафдан чиқишдан олдин қўлини олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қўяди. Олдинги шеренгада турган ушбу ҳарбий хизматчи бир қадам олдинга ташлаб, ўнг оёғини чап оёғига тақамай, ўнг томон бир қадам ўтиб, сафдан чиқаётган ҳарбий хизматчини олдинга ўтказиб юборади ва ўз жойини эгаллади.

Агар сафдан чиқиши буйруғини олган ҳарбий хизматчи биринчи шеренгада турган бўлса, иккинчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи унинг бўшаган ўрнини эгаллади.

Агар сафдан чиқиши буйруғини олган ҳарбий хизматчи икки, уч (тўрт) колоннали сафда турган бўлса, сафнинг яқин қаноти томон ўнгга (чапга) бурилади. Унинг ёнида турган ҳарбий хизматчи эса ўнг (чап) оёғи билан бир қадам ёнга ташлаб, чап (ўнг) оёғини ўнг (чап) оёғига тақамай, бир қадам орқага ўтади ва сафдан чиқаётган ҳарбий хизматчини ўтказиб юборгач, ўз жойини эгаллади.

Агар сафдан чиқиши буйруғини олган ҳарбий хизматчи қуролланган бўлса, «елкага» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкага» ҳолатидаги карабин сафдан чиқишдан олдин «оёққа» ҳолатига туширилади.

Ҳарбий хизматчи сафга қайтиши учун, масалан: **«Оддий аскар Тўраев. Сафга туринг»** ёки фақат: **«Сафга туринг»** командаси берилади.

Сафга юзланиб турган ҳарбий хизматчи дастлабки **«Оддий аскар Тўраев»** командасига биноан, яъни ўз фамилиясини эшитгач, бошлиқ томон бурилиб: **«Мен»** дея, **«Сафга туринг»** ижро командаси биноан эса агар у қуролсиз ёки куроли «орқага» ҳолатида бўлса, ўнг қўлини чаккага келтириб: **«Хўп бўлади»**, дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида қўлини чаккадан туширади. Кисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб бориб, сафдаги жойини эгаллади.



*Бошлиқ олдидан кетиш*

Агар фақат «Сафга туринг» ижро командаси берилган бўлса, ҳарбий хизматчи бошлиқ томон бурилмай, сафдаги ўз ўрнига қайтади.

Сафдан чиқиши амали қурол билан бажарилган бўлса, қурол, сафдаги ҳарбий хизматчилар куроли қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатга келтирилади.

Сафдан ташқарида бошлиқ олдига яқинлашаётган ҳарбий хизматчи бошлиққа беш-олти қадам қолганида шахдам қадам ташлай бошлайди ва иккича қадам қолганида тўхтаб, оёқларини ёнма-ён тақаш баробарида, ўнг қўлини чаккага келтиради ва етиб келгани ҳақида билдирув беради. Билдирув бериб бўлгач, қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқ олдига қурол билан яқинлашганда, «елкага» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкага» ҳолатидаги карабин бошлиқ қаршисида тўхталгач, «оёққа» ҳолатига туширилади. Агар қурол «орқага» ҳолатига келтирилмаган бўлса, кўл чаккага кўтарилимайди.

Бошлиқ олдидан кетадиган ҳарбий хизматчи, кетишга ижозат олгач, ўнг қўлини чаккага келтириб: «Хўп бўлади», дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида ўнг қўлини чаккадан туширади. Уч-тўрт шахдам қадам ташлагач, эркин юриб кетади.

Бошлиқ олдидан кетадиган ҳарбий хизматчи қуролланган бўлса, «оёққа» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. Агар зарур бўлса, ҳарбий хизматчи «Хўп бўлади», дея жавоб берганидан сўнг, қуролини бошқа ҳолатга келтиради.

Бошлиқ ҳарбий хизматчига сафга қайтиш командасини ёки кетишга ижозат бераётганда, ўнг қўлини чаккага келтиради. Команда (ижозат) бериб бўлгач, қўлини туширади.

**Хулоса:** Хурматли тингловчилар, бугунги машғулотимизда “Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари” мавзусини кўриб чиқдик. Ушбу мавзу бўйича бугун жойида туриб бурилиш, ҳаракатда, юриш давомида бурилиш, қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, сафдан чиқиши ва сафга қайтиш усуллари, бошлиқнинг олдига бориш ва унинг олдидан кетиш усулларини ўргандик. Бугунги машғулотда олинган билимларни мустаҳкамлаб боришимиз ва ўз кўникмаларимизни ошириш устида ишлашимиз лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. Жойида ва ҳаракатда бажариладиган саф амаллари ҳамда ҳаракатларини мустақил равишда бажариш;
2. Сафдан чиқиши, раҳбар олдига бориш ва раҳбар олдидан кетиш ҳамда сафга туриш усулларини ўрганиш;
3. Жойида ва ҳаракатда ҳарбийча солом бериш машқларини ўрганиш.

## **Назорат саволлари.**

1. Бошлиқ билан ҳаракат давомида ҳарбийча саломлашишда неча қадам масофа сақланади?
2. Бошлиқ билан ҳаракат давомида ҳарбийча саломлашишда нечта қадамдан сўнг оддий қадам ташлаб юрса бўлади?
3. Бошлиққа қанча масофада яқинлашганда ҳарбийча салом берилади?
4. Қандай командаларни биласиз?
5. Бўлинмаларнинг юриш сафи қандай ҳолларда қўлланилади?
6. Сафни бошқариш қандай воситалар орқали амалга оширилади?
7. Интервал тушунчасига таъриф беринг?
8. Қатор тушунчасига таъриф беринг?
9. Қанотга тушунча беринг?
10. Саф ортига тушунча беринг?

### **2.2-МАВЗУ: МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ, ТУРЛАРИ, ҚУЛЛАШ ВАҚТИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ.**

(2 соат маъруза)

#### **Машғулот режаси:**

- 1-ўқув саволи: Махсус воситаларни қўллашнинг хуқуқий асослари.
- 2-ўқув саволи: Махсус воситаларнинг турлари, тактик-техник тавсифи ва қўллаш тартиби.
- 3-ўқув саволи: Махсус воситаларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.

#### **1-ўқув саволи. Махсус воситаларни қўллашнинг хуқуқий асослари.**

Махсус воситаларни қўллашнинг хуқуқий асослари деганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президентнинг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмаларини, жумладан, 2016 йил 16 сентябрдаги “ИИО тўғрисидаги қонуни” (5-боби) ва ИИВнинг 2017 йил 15 мартағи “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғини тушуниш лозим.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётганларни қўриқлаш бўйича жанговар вазифани ўтаётган Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ва ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида махсус воситаларни қўллашда қонунийликка риоя этиш мақсадида буйруқ ва кўрсатмалар талаблари ўрганилиб, унга қатъий амал қилиниши лозим.

ИИО ходимлари қўл кишанлари, резина таёклар, қўздан ёш оқизувчи моддалар, чалғитувчи товуш қурилмалари, хоналарни очувчи қурилмалар, автотранспортни мажбуран тўхтатиш, сув отиш ва бошқа маҳсус воситаларни, жанговар кураш усууларини, хизмат отлари ва итларини ҳамда зирхли машиналар ва бошқа транспорт машиналарини қўйидаги ҳолларда қўллаш ҳуқуқига эгадирлар:

- фуқаролар ва ИИО ходимларига ҳамда бошқа шахсларнинг ўз хизмат вазифасини бажариш ёки жамоат тартибини сақлаш (ЖТС) вақтида ижтимоий бурчини бажариш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда гаровга олингандарни озод қилишда қилинадиган ҳужумларни қайтариш учун;
- оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибини кўпчилик бўлиб бузувчиларнинг ҳаракатларини олдини олиш учун;
- фуқаролар, ИИО ходимларига, муассаса, ташкилот, корхона, давлат ва жамоат органларига қарашли бўлган транспорт воситаларига қилинган ҳужумларни қайтариш учун;
- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;
- ИИО ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйиш;
- жиноятни содир этган ва яширинишига уринаётган шахсни ушлашда;
- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;
- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларни озод қилишда;
- оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;
- ҳайдовчи ИИО ходимининг “Тўхташ” тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;
- жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;
- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

*ИИО ходимлари маҳсус воситаларни нотўғри қўлласалар қонун олдида жавобгар бўладилар.*

Ходимлар ИИО тўғрисидаги қонунда ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда маҳсус воситаларни ҳам қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларни қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирмаслик ва мол-мулкига зарап етказмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланган. Аммо, улар томондан қуролли қаршилик кўрсатилганда ёки фуқароларнинг ёхуд ИИО ходимининг ҳаёти ва соғлигига ҳақиқатда таҳдид бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлиарни бартараф этиш чоғида махсус воситалар, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади.

Махсус воситаларни қўллашда қуйидагилар тақиқланади:

- одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суюгига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;
- ҳаво ҳарорати цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганда сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, шаҳар ва туман ИИБЛарининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда улар худудий прокуратурага дарҳол ҳабар беради.

## **2-ўқув саволи. Махсус воситаларнинг турлари, тактик-техник тавсифи ва қўллаш тартиби**

Махсус воситалар қуйидаги уч турга бўлинади:

1. Шахсий ҳимоя воситалари.
2. Фаол мудофаа воситалари.
3. Махсус операцияларни таъминлаш воситалари.

Шахсий ҳимоя воситалари ҳарбий хизматчиларни, ички ишлар органлари ва ҳамкорликда ҳаракатланувчи ходимларни бош, кўкрак, бўйин, бел, оёқ ва қўлларини мина, гранаталарнинг кичик заррачалиридан, пистолет, револьвер, ов қуролларнинг ўқларидан, совуқ қуроллардан, шунингдек тош, металл симлар, таёқ зарбаларидан ҳимоялайди.

Шахсий ҳимоя воситалари қуйидагилардан иборат: пўлатдан ясалган ҳарбий дубулға, титандан ясалган "Сфера" дубулғаси, шаффоф юз ҳимояли пластмаслик дубулға "ПК – 80", зирҳли совут ва ўқдан ҳимояловчи курткалар (ЖЗЛ-74, ЖЗТ-71М, "Гарант"(Украина), БЗТ-М01 "Мираж" курткаси, "Кафолат-4", "Кафолат-6", яширинча кийиб юрадиган совут КОРА), зирҳли ва зарбага қарши қалқонлар ("Витраж", БЗТ-75, БЩ – 82" Девор").

Фаол мудофаа воситалари қонунбузарларни қайтариш ёки уларни бўйсунмасликларини, жисмоний қаршилик кўрсатишларини олдини олишда тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун ишлатилади.

Фаол мудофаа воситалари қуйидагилардан иборат: маҳсус резина таёқ ПР-73, қўл кишани (БР, БР-С), газли қўл гранаталари (“Черёмуха-1”, “Черёмуха-6”, “Сирень-12”), газ гранатали патронлар (“Черёмуха-4”, “Черёмуха-7”), Аэрозол пуркаш мосламаси (“Черёмуха-10”, “Резеда-10М”, “Сирень-10”), маҳсус карабин (КС-23), электр шокли мослама (ЭШУ), Қувурсиз ўлимга олиб келмайдиган пистолет ПБ-4СП, шпагин сигнал пистолети СПШ – 2, СП – 81.

Маҳсус операцияларни таъминлаш воситалари тартиббузарларни тарқатиб юборишда, қуролланган жиноятчиларни қўлга олишда, гаровга олинган фуқароларни озод этишда ва турли ҳил операцияларни амалга оширишда ёрдам берувчи воситалар хисобланади.

Маҳсус операцияларни таъминлаш воситалари қуйидагилардан иборат: рансли аппаратлар (“Облако”), ёритувчи, қаттиқ, шовқинли гранаталар ва мосламалар, “Заря”, “Пламя”, кичик ҳажмдаги портловчи мосламалар (“Ключ”, “Импульс”), ўт ўчириш автоцистернаси (АЦ-40/375Н), зирхли техника (БТР, БМД, БРДМ, БМП), автотранспортни мажбуран тўхтатиши мосламаси “ЁЖ-М”, ёшлантирувчи газли “Модель-5”, қўл газли граната МОДЕЛЬ-303, бир мартали қўл газли граната МОДЕЛЬ-708, тутун чиқарувчи шашка ДМ-11.

### **Шахсий ҳимоя воситаларининг турлари, тактик-техник тавсифи ва қўллаш тартиби**

**Титандан ясалган ”Сфера“ дубулғаси.** Пистолет ва револьверларнинг ўқларидан яраланишдан, мина ва гранаталарнинг кичик заррачаларидан, шунингдек таёқларнинг зарбаларидан, металл симлар зарбаларидан, тош зарраларидан ҳимоялайди. Оғирлиги - 2,6 кг. Ҳимоялаш юзаси - 10 кв.дм. Доимий кийиб юриш вақти - 4 соатгача.



**Пўлатдан ясалган ҳарбий дубулға.** Мина ва гранаталарнинг заррачаларидан, таёқлар зарбаларидан, тош, металл сим зарбаларидан ҳимоялайди. Оғирлиги - 1,4 кг. Ҳимоялаш юзаси - 8 кв.дм. Доимий кийиб юриш вақти - 8 соатгача.



**Ниқоб-2 дубулғаси.** Оғирлиги 1,3 кг., ҳимоя майдони 13 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти - 8 соат.



**БЗШ (Н-01) ўқдан ҳимояловчи зирхли дубулға.** Оғирлиги 1,6 кг, ҳимоя майдони 11,5 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат.



**“Кевларовали” ўқдан ҳимояловчи дубулға** ўқдан ҳимояловчи зирхли шлем бошни ўқдан, гранаталар парчаларидан яраланишдан, таёклар, тошлар ва металл симлардан шикастланишдан ҳимоялаш учун мүлжалланган. Оғирлиги – 1,3 кг, ҳимоя майдони – 10 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат.



**Қалқон” 2(4) даражали ҳимояловчи зирхли совут.** Оғирлиги 5 (8,7) кг (турига кўра), ҳимоя майдони 45,5 дм<sup>2</sup> (умумий), 15 дм<sup>2</sup> (асосий), узлуксиз кийиб юриш вақти – 8 соат.



**Ўқдан ҳимояловчи куртка «Мираж».** Оғирлиги – 12 кг, ҳимоялаш юзаси – 60 дм<sup>2</sup>, доимий кийиб юриш вақти – 4 соатгача.



**“Кора-1” енгил ҳимоя совут.** Оғирлиги 2,5 кг, ҳимоя майдони 46 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти - 8 соат.



**“Кора-1МК” зирхли совут.** (бронежилет) пистолет, револьвер, автомат ва совуқ қуролларнинг ўқларидан ҳимоялади, шунингдек санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимоялади. Оғирлиги – 9,9 кг, ҳимоя майдони – 53 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти – 6 соат.



**“Гарант” зирхли совути** (бронежелет) 9 мм.ли қуролларнинг ўқларидан мина, гранаталарнинг зарачаларидан, санчувчи-кесувчи жисмлардан ҳимоялади. Оғирлиги – 11,2 кг, ҳимоя майдони – 14 дм<sup>2</sup>, узлуксиз кийиб юриш вақти – 4 соат.



## **Фаол мудофаа воситаларининг турлари, тактик-техник тавсифи ва қўллаш тартиби**

**Махсус резина таёклар** ҳукуқбузарларни қайтариш, бўйсундириш ёки уларнинг қаршиликларини олдини олиш учун мўлжалланган.

**Махсус резина таёқ “ПР - 73”** оғирлиги – 730 гр, узунлиги - 65 см, диаметри – 32 мм.

**Кўл кишанлари** ҳукуқбузарларни жисмоний каршилик қўрсатишларининг олдини олиш мақсадида ишлатишга мўлжалланган.

**BRS” кўл кишанлари** умумий ўлчами – 245 x 86 x 13 мм, оғирлиги – 400 гр, ишлаш микдори – 4000 маротаба, билагни ўраб олиш диаметри – 75 мм, узилиш кучи – 150 кг, ишлатилаётган пайтда – 2 соат ичидагуллар ҳолати текширилади, комплектида калити – 1 та.



**Аэрозолли қопламалар** кўздан ёш оқизиш мақсадида ҳукуқбузарларга нисбатан тўғридан тўғри қўллаш учун мўлжалланган.

**Аэрозолли қоплама “Резеда-10М”** таркибни ташлаш узоқлиги 3-4 м, баландлиги – 101 мм, диаметри – 35 мм, оғирлиги – 75 гр, таркибини чиқиш вақти – 10 сония, таъсир қилиш вақти – 15 дақиқадан 30 дақиқагача, минимал қўллаш узоқлиги – 1 м.



**Аэрозолли қоплама “Черёмуха-10”** оғирлиги –100 гр, фаол таркибни ташлаш узоқлиги – 90 см.гача, фронт бўйича тарқалиши – 70 см, самарали таъсири этиш узоқлиги – 40-70 см, диапазон температураси: – 5°дан + 50° гача, қонунбузарга таъсир қилиш вақти – 2-3 сония.



**Аэрозолли қоплама “Зверобой-10М”** 65 миллилитр суюқ таркибининг оғирлиги – 54,5 гр, самарали таъсири этиш узоқлиги – 1 метргача, ишлаш вақти – 5-8 сония, диапазон температураси – 10° дан + 50° гача, баландлиги – 106 мм, диаметри – 35 мм.



**Аэрозолли қопламаларни** очиқ олов олдида, шамолга қарши қўллаш, ундаги носозликларни тўғирлаш, сумкалардан ташқарида олиб юриш тақиқланади.

**“Черемуха-1”** – очиқ жойларда кўздан ёш оқизувчи газ ва тутун булутларини ҳосил қилиш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган. Оғирлиги - 200 гр; узунлиги – 135мм; айланаси - 47мм; газ ажратиш вақти – 40 сек; булутнинг фронт бўйича ўлчами – 25м гача; чуқурлиги бўйича – 250м гача. Ёнгиндан хавфли.



**“Черемуха-6”** - очиқ жойларда 60 метр<sup>3</sup> гача ҳажмдаги кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булут ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Оғирлиги – 200 гр; узунлиги – 135 м; айланаси – 47 мм; газ ажратиш вақти – 40 сек; булутнинг фронт бўйича ўлчами – 25 м гача; чуқурлиги бўйича – 250 м гача. Ёнгиндан хавфли.



**“Черёмуха-4”** “Шпагин сигнал пистолети”дан отишга мўлжалланган, очиқ жойларда 50м<sup>3</sup> гача бўлган ҳажмда кўздан ёш оқизувчи газдан иборат булут ҳосил қиласи. Оғирлиги – 73 гр, узунлиги – 77 мм, диаметри – 26 мм, максимал учиш узоқлиги – 165 м гача.



**“Черёмуха-7”** “КС-23” махсус карабинидан отишга мўлжалланган, – Хонада 30м<sup>3</sup> ҳажмли кўзни ёшлантирувчи воситанинг тоқат қилиб бўлмайдиган концентрацияси билан тутунли газ булатини ҳосил қиласи. Калибри – 23 мм, оғирлиги – 38,5 гр, газ ажратиш вақти 5-7сек.



**“СПШ-2”** силиқ стволли сигнал пистолетидан 26 ммли рангли патронлар ва кўзни ёшлантирувчи “Черёмуха-4”ни отиш учун мўлжалланган. Сигнал пистолети одий ва содда, шунингдек ишончли ва муаммосиз ишлайди. Уни ўқлаш учун (ов милтиғидаги каби) стопирни босиб пистолетни икки бўлиб ичига патрон жойлаштирилади.



Пистолетда мўлжалга олиш мосламаси йўқ. Бир дақиқада 10-12 дона патрон отилади. Пистолетдан тунги ва кундузги ҳаракатлар учун сигнал патронлари билан амалга оширилади.

Кўролдан отилганда порох зарядининг ёниш вақти 6,5 с, қўтариш баландлиги 90 м, сигнални кўриниши 7 км гача. Калибри 26 мм, оғирлиги ўқланмаган холатда 900 гр, ўқланган холатда оғирлиги 960-975 гр, умумий узунлиги 220 мм, ствол узунлиги 150 мм.

**“Махсус карабин КС 23”** автоматик бўлмаган қўрол бўлиб, яъни қайта юклаш механик равишда, ўқлагични орқага ва кейин олдинга силжитиш орқали амалга оширилади. Махсус қўролдан оммавий тартибсизликларни бартараф қилиш учун ёки қўролланган жиноятчиларни зарасизлантириш учун мўлжалланган. Махсус карабиннинг калибри 23 мм, умумий узунлиги 1040 мм, қўвур узунлиги 510 мм, патронсиз оғирлиги 3,85 кг, жанговар отиш тезлиги 4-5 пат/дақ, ўқдон сифими 3 патрон, мўлжалаг олиб отиш узоқлиги 150 м, нарезлар сони 10 та.



Махсус карабиндан отиладиган патронлар:

“Волна” – пахтавон патрон (халастой) отишни ўрганиш учун мўлжалланган;

“Волна-Р” - травматик таъсири резина ўқли патрон. Самарали отиш масофаси 70 метрни ташкил қиласди, аммо чекловлар мавжуд: ўлимга олиб келиши мумкин бўлган жиддий жароҳатлар хавфи туфайли бундай патронларни 40 метрдан яқин масофадан отиш тақиқланади;

Юлдуз “Звезда” - ёруғлик ва кучли шовқинли патрон;

“Стрела-3” - пластик травматик ўқли патрон;

“Черёмуха-7” - кўздан ёш оқизувчи газли патрон, 150 метр масофага эга ва зарбада 30 куб метр ҳажмли газ булутини ҳосил қиласди чидаб бўлмас концентратсия эга;

“Черёмуха-7М” - олдинги патроннинг такомиллаштирилгани, ҳажми 50 ҳажмли газ булутини ҳосил қиласди чидаб бўлмас концентратсия эга;

“Сирен-7” - кўздан ёш оқизувчи газли С патрони, Ч билан солиширганда, алкогольли мастилик ҳолатида бўлган шахсларга нисбатан самаралироқ. Отиш масофаси 100 м, чиқарилган газ ҳажми 50 куб/м.

“Баррикада” - ўткир пўлат ўқли патрон. Дастрлаб у транспорт воситаларини двигателга зарар этказиш орқали тўхтатиш учун мўлжалланган. Бироқ, табиийки, у ҳалокатли ўқдорилар сифатида ҳам, зирҳни тешиш воситаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

## **Махсус операцияларни таъминлаш воситаларининг турлари, тактик-техник тавсифи ва қўллаш тартиби**

Суюқ препаратларни сепиб берувчи рансли аппаратлари оммавий хуқуқбузарларни тарқатишга, майдон жиҳатдан катта худудга йиғилган оммани кўзларини ёшлантириш ва фаоллигини сусайтириш учун мўлжалланган.

**"Облако"** рансли аппарати оммавий тартиббузарларни агрессив ҳаракатини сусайтириш мақсадида очик худудда кукунсимон кўзни ёшлантирувчи суюқ препаратларни сепиш учун мўлжалланган.

Тўхтамасдан ишлаш вақти – 45-60 дақиқа, резервуар сифими – 16 литр, оғирлиги – 8 кг, ишлов бериш майдони – 5000 м<sup>2</sup>. "Облако" рансли аппаратидан кукунсимон кўзни ёшлантирувчи суюқ препаратларни шамолга қарши сепиш тақиқланади. Кўлланилган худудда ҳарбий хизматчи ва ходимлар газ никобида бўлиши зарур. Уни ишлатиш икки кишига мўлжалланган.



**"МОДЕЛ-5" газ пуркагич мосламаси** очик ва ёпиқ жойларда оммавий хуқуқбузарларни тарқатишга, майдон жиҳатдан катта худудга йиғилган оммага кучли кўзни ёшлантирувчи газ тарқатиш, Жазони ижро этиш муассасаларида оммавий тартиббузарликлар содир этган, жазога маҳкум қилинганларни тарқатиш ҳамда махсус бўлинмалар томонидан террористик ҳаракатларда гаровга олинганларни озод қилишда қўлланиш учун мўлжалланган. Ташқи диаметри -11 см, узунлиги -70 см, тўлиқ вазни -7,5 кг, бўш ҳолдаги вазни -5,5 кг, газ моддасининг вазни – 2 кг. Ишлатилиш тартиби ҳар 15 сонияда 1 сония ишлатилади, таъсир этиш вақти - 20 дақиқа.



*Махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар қўйидаги ҳолларда қўлланилади:*

- автотранспорт ҳайдовчиси, ходимнинг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишида;
- жиноятлар ёки маъмурий хуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни белгилашда;
- оммавий хуқуқбузарларни тарқатишга, майдон жиҳатдан катта худудга йиғилган оммага кучли кўзни ёшлантирувчи газ тарқатиш;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишида.

**“МОДЕЛ Г 717 СТРБ” икки функцияли қўл гранатаси** ўзидан кучли шовқин ҳосил қилган ҳолда атрофга фаол модда рангли кукуни заррачаларни сачратиб, тартибузарларнинг фаолини белгилаш учун мўлжалланган. Картон қобиғи ўзининг зарарли парчаланиб кетишидан сақлайди. Очиқ майдонларда ва хона ичида ҳам қўлланилиши мумкин. Сувга тушганида ҳам портлаш хусусиятини йўқотмайди. Кўзни ёшлантирувчи хусусиятига эга эмас. Баландлиги – 163 мм, диаметри – 67 мм, материали - умумий вазни – 330 гр, фаол модданинг вазни - 100 гр, портлаш вақти - 3-4 сония, овоз босими – 120 дб тўлқини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас. Баландлиги – 135 мм, диаметри– 80 мм.



**“МОДЕЛ Г 303-ССС”** ўзидан кучли таъсирга эга бўлган кўзни ёшлантирувчи газ чиқарувчи “МОДЕЛ Г 303- ССС” қўл гранатаси. Очиқ майдонларда ва хона ичида қўлланилиши мумкин. Материали резинали бўлиб, сувга тушганида ҳам хусусиятини йўқотмайди. Кучли зарб ишга тушиш вақти – 3-4 сония, ишлаш давомийлиги – 7-12 сония, материали - умумий вазни – 330 гр, фаол кучга эга модда вазни – 125 гр.



**“МОДЕЛ Г 303-ВС”** ўзидан қуюқ оқ тутун ҳосил қилувчи резина қобиқли қўл гранатаси. Сигнал берувчи, пана қилувчи ёхуд кимёвий тутунли булутнинг симулятори сифатида ишлатилади. Машқ жараёнлари учун муҳим восита ҳисобланади. Кўзни ёшлантирувчи ва кучли зарб тўлқини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас. Баландлиги –135 мм, диаметри – 80 мм, умумий вазни – 315 гр, перотехник модданинг вазни - 120 гр, ишга тушиш вақти -3-4 сония, ишлаш давомийлиги – 7-12 сония.



**“МОДЕЛ – Г 303 СТ”** ушбу резина қобиқли улоқтирувчи қўл граната, шовқин ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Очиқ майдонда ва бино ичида қўлланилиши мумкин. Унинг резина қобиғи хатарли портлашдан сақлайди. Сувга тушганида яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин. Кўзни ёшлантириш хусусиятига эга эмас. Тез ёнувчи ва кимёвий моддалар



сақланаётган жойларда ишлатиш тақиқланади. Баландлиги – 135 мм, диаметри – 80 мм, умумий вазни – 195 гр, портлаш вақти – 2-3 сония, шовқин даражаси – 160 децибел, яроқлилик муддати - 5 йил.

**“МОДЕЛ – Г 303 СТРБ”** ўзидан кучли шовқин ҳосил қилиб, нобуд қилмайдиган резина шарчаларини сачратувчи хусусиятга эга “МОДЕЛ – Г 303 СТРБ” қўл гранатаси. Сочилган резина шарчаларини сочилиш радиуси 10 метргача бўлган худудни қамраб олади. Очиқ ва хона ичидақўлланилиши мумкин. Унинг резина қобиғи хатарли портлашдан сақлайди. Сувга тушганида ҳам портлаш хусусиятини йўқотмайди. Кўзни ёшлантирувчи хусусиятга эга эмас. Баландлиги – 135 мм, диаметри – 80 мм, умумий вазни – 300 гр, резина шарчалари вазни – 100 гр, портлаш вақти – 2-3 сония, шовқин даражаси – 160 децибел/10 метрда, тарқалиш масофаси – 10 м, яроқлилик муддати - 5 йил.



*Чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-тovуши мосламалари қўйидаги ҳолларда ишлатилади:*

-зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

-фуқароларнинг хаёти ва соғлигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- муҳофаза қилинадиган обьектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гурухларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

**“Заря” нур ва товушли гранатаси** ўзидан кучли ёруғлик ва шовқин чиқариб, ҳуқуқбузарларга физиологик таъсир қўрсатади. Граната ўзидан заррачалар (осколка) ҳосил қилмайди ва ёнғинга хавфсиз. Унинг диаметри – 64 мм, оғирлиги – 150 гр, ёруғлик кучи – 30x10 кД (кандела), овоз босимини кўрсаткичи – 172 децибел, портлаш вақти – 3-5 сония, таъсир радиуси – 10 м, қўллашда хавфсизлик масофаси – 2 м.



**“Пламя” товушли ва нурли қурилмаси** хуқуқбузарларга кучли товуш ва нур билан руҳий ва жисмоний таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган. Диаметри –75 мм, оғирлиги – 180 гр, ёруғлик кучи – 60x10 кД (кандела), овоз босимини кўрсаткичи – 170 децибел, таъсир радиуси – 15 м, қўллашда хавфсизлик масофаси – 2 м



### Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар

**“Ключ”** кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси – 60 мм гача қалинликдаги ёғочдан тайёрланган эшиклар ва бошқа тўсиқларда 180 мм гача бўлган туйнук ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Электр токи ёрдамида харакатга келтирилади. Жиноятчилар томонидан гаровга олинганлар ушлаб турилган хоналарда қўллаш тақиқланади.

**“Ключ” кичик ҳажмдаги портловчи мосламанинг** диамери – 20 мм, узунлиги – 56,5 см, оғирлиги –170 гр, 60 мм қалинликдаги дуб дарахтидан ясалган доскаларни тешиш хусусиятига эга.



**“Импулс”** кичик ҳажмли портлатиш қурилмаси – 8 мм гача қалинликдаги металлдан тайёрланган эшик ва тўсиқларда туйнук ҳосил қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Қурилманинг узунлиги - 25 см. Электр токи ёрдамида харакатга келтирилади. Жиноятчилар томонидан гаровга олинганлар ушлаб турилган хоналарда қўллаш тақиқланади.

**“Импулс” кичик ҳажмдаги портловчи мосламанинг** диамери – 16 мм, узунлиги – 60 см, оғирлиги – 160 гр, 8 мм қалинликдаги темир листларни тешиш хусусиятига эга. “Ключ” ва “Импулс” кичик ҳажмли портлатиш қурилмаларни гаровга олинганлар жойлашган биноларда ишлатиш тақиқланади



### “Арбалет” махсус бўлинмалар томонидан қўлланиладиган қўрол.

Узунлиги – 41 ва 53 см бўлган найза ўқлар, 15 см сочма ўқлар, Диаметри – 8 милиметр бўлган пўлат шарчалар. Найзаси пўлатли, ажраладиган елкаси билан. Пўлатдан ясалган симни тортилиш кучи – 43 кг. Елканинг кенглиги – 54,6 сантиметр. Ўқнинг учиш тезлиги – 79,2 м/с. Мўлжалга олиш узоқлиги – найза



билин – 30-50 м, пўлат шарчалар билан – 20-25 м. Узунлиги – 90 сантиметр. Оғирлиги – 4,4 кг. Оптика мўлжални ўрнатиш учун планкаси мавжуд. Қўндоғи ёғочли ёки пластмасали. Арбалетнинг ностандарт зарядлар билан отиш мўлжали 15 метргача .

**“6Г-30”** маҳсус қўл гранатамёти. Турли тезкор операйяларда қўлланиладиган гранатамёт. 1993 йил Россияда ишлаб чиқарилган. Оғирлиги 5 кг, ўқланган холатда 6 кг, узунлиги 520 мм сафар холатда, 680 мм жанговар холатда, калибр 40 мм, ВОГ 25 гранаталар отилади, жанговар отиш тезлиги 12-15 граната/дақида, гранатанинг бошланғич учиш тезлиги 76 м/дақ., мўлжалга олиб отиш узоқлиги 150 м, максимал ўчиш узоқлиги 400 м, барабан сифими 6 граната, ўт отиш ресурс - 2400 та граната.



#### *6Г-30 гранатамётидан қўлланиладиган гранаталари:*

- парчаланувчи гранаталар – ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ;
- безовта қилувчи граната – ГС-40;
- нур ва товушли граната – ГСЗ-40;
- тутун хосил қилувчи граната – ВГ-40МД;
- Зарба тўлқини берувчи граната – ВГ-40ТБ;

Парчаланувчи гранаталар – ВОГ-25, ВОГ-25П, ВОГ-25М, ВОГ-25ПМ 400 метргача бўлган масофаларда очик жойларда ва баланддиклар ортида жойлашган террорчи гурухларни ҳамда уларнинг техникаларини йўқ қилиш учун қўлланилади



**“ЁЖ-М”транспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш мосламаси.** Ҳаво билан шиширилган шинали ҳар хил турдаги кичик ва ўрта юк кўтарувчи автотранспортни тўхтатишга мўлжалланган. Унинг оғирлиги - 13 кг, узунлиги - 7 м, эни - 0,131 м. Маҳсус воситаларни қўллаш бошлиқнинг рухсати билан ишлатилади. ЙПХ ходимлари якка ҳолда ҳаракат қилганда, зарур ҳолларда шароитга қараб мустақил қарор қабул қиласди.



**“Сув пуркагич ЖРС-6500С”** маҳсус автотранспорт воситаси тактик-техник тавсифи. Экипаж – 3 киши, узунлиги – 8 метр, эни – 2,4 метр, баландлиги – 3,8 метр, сув сифими – 6,5 тонна, кўпик аралашмасининг сифими – 100 литр, ёш чиқарувчи газнинг сифими – 50 литр, ранг сифими – 50 литр, оқимнинг босими – 15 бар гача (14,8 атмосфера), оқимнинг узунлиги оператор бошқаради – 100 метргача.



Сув билан зарба берувчи автомобилларнинг сони фронт бўйича ҳаракатланаётган тартибузарларга қараб белгиланади ва ҳар бир машина 20-30 метр жойлаштирилади. Ҳаво ҳарорати совуқ бўлганда автотехникини кўллаш тақиқланади

**Махсус зирхланган «ТИГР»** автомобили барча турдаги йўлларда, чекловсиз, куннинг ҳар пайтида ва барча фаслларида шахсий таркибни, ҳар хил турдаги юкларни, шатакда олиб юриладиган тизимларни ташиш учун мўлжалланган, яъни:

- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

-зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган бино- ларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкалари- ни озод қилишда;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний ҳатти- ҳаракатларга чек қўйишда.

Ҳимоялаш даражаси – 5 (10 метр масофадан СВД милтиғидан отилган 7,62 мм. Б-32 турдаги ўқни ушлайди), автомобиль тури – икки ўқли, тўлиқ узаткичли, тўлиқ вазни– 8200 кг, ердан баландлиги – 400 мм, 100 км йўлга ёқил-фи сарфи – 14 литр, назоратли ёқилғи сарфи бўйича юриш захираси – 950 км, тик қиялиқдан ошиб ўтиш деворининг баландлиги – 0,4 м, тиши мумкин бўлган ариқнинг эни – 0,5 м, ўтиши мумкин бўлган сувнинг чукӯрлиги – 1,2 м, чиқиши (тушиш) бурчаги – 300 мм дан кам бўлмаган. Умумий ўриндиқлар сони – 9 та, умумий юк кўтариш қобилияти – 1300 кг, узунлиги – 5700 мм, эни – 2330 мм, баландлиги – 2400 мм дан иборат.

Зирхли техника алоҳида ҳолатларда, яъни оммавий тартибузарликларни амалга оширилаётган бир гуруҳ ҳуқуқбузарларни мавжуд ҳаракат йўлларини тўсиш, йўлларда тўсиқларни бартараф этиш, шахсий таркибни бориши қийин бўлган жойларга олиб бориш, ушлаш, гуруҳнинг ҳаракатини таъминлаш, қуролли жиноятчиларни қўлга тушириш бўйича операциялар ўтказилганда қўлланилади.

### **3-ўқув саволи. Махсус воситаларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.**

Карабин КС-23 сигнал пистолетини ишлатиш бўйича буйруқ олингандан аввал ўқлашни амалга ошириш керак.

Тутунли газ булути таъсир қилаётган ҳудудга тушиб қолган махсус операция иштирокчилари, заарли ҳудудни дарҳол тарк этишлари зарур.



Тутунли булутдан заарланганларга биринчи тиббий ёрдам күрсатиш учун нашатир спирти (нафас олиш учун) ва 2 фоизли истеъмол қилинадиган сода эритмаси ёки Бор кислота (кўзни ювиш учун)си ишлатилади.

Тутунли газ булути ҳудудида ишлар шахсий ҳимоя воситаларида олиб борилади.

“Черёмуха” махсус воситаси билан ишлаётганда қатъиян тақиқланади:

-“Черёмуха-1”ни қисмларга ажратиш ва ундаги носозликларни бартараф этиш, халтадан ташқарида олиб юриш (белбоғга осилган);

-ҳажми 60 куб.м. кам бўлган биноларга “Черёмуха-6” гранатасини икки маротаба ташлаш;

-сигнал пистолетидан отиш учун мўлжалланган ҳар хил турдаги 26 мм. қоғозли гильзага ўқланган ўқ-дориларни, сигнал берувчи ва ёритувчи ўқ-дориларни, шунингдек «Черёмуха-4” газ гранатасини карабин КС-23 дан отиш учун ишлатиш;

- “Черёмуха-7” гранатасини отиш учун карабин КС-23 ташқари бошқа ҳар хил қуролни ишлатиш;

- “Черёмуха-4 ва 7” гранаталар патронини қисмларга ажратиш.

Кичик ҳажмдаги портловчи мосламалар, ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталар ва мосламалардан фойдаланилганда, қўрқитиш воситалари портлаш мосламасидан ажратиб олиб юриш керак.

Қўрқитиш воситаларига электр занжирни улашдан аввал унда электр куввати йўқлигига амин бўлиш керак.

Ўчиб қолган олов ўтказгич тизимчани қайтадан ишлатиш учун ёкиш қатъиян тақиқланади.

Ишламай қолган «Пламя», “Ключ”, “Импульс” мосламаларига, “Заря” гранатасига 10 дақиқа ичida яқинлашиш тақиқланади.

Электр токи билан ишлайдиган мосламалар “Ключ”, “Импульс”, “Пламя”ларни ишлатаётганда электр занжирини ишлаётганига амин бўлиш керак ва қайтадан 10 дақиқа ўтгандан сўнг (ишламай қолса) ишлатиш керак, воситаларини ишламай қолган мосламалардан узиш керак ва ишламай қолиши сабабини аниқлаш мақсадида доимий сақлаш жойларига элтиш керак. Устки қисмида ёки асосида камчиликлари (ёриғлар, ишқаланишлар ва бошқалар) бўлган кичик ҳажмдаги портлатиш мосламаларини ва ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталарни қўллаш тақиқланади.

Қуйидагиларга нисбатан “ЁЖ-М” мосламасини қўллаш қатъиян тақиқланади:

-одамларни ташишни ташкиллаштирадиган аҳоли автотранспорти ва юк ташиш автомобиллари;

-чет эл фуқароларига тегишли ёки улар томонидан ижарага олинган автотранспортлар;

-мотоциклар, мотоколяскалар, мотороллерлар, мотопедлар;

-тоғли йўлларда ёки чекланган кўринишни йўл участкаларида;

-темир йўл билан кесишган йўлларда, туннелларда, кўприкларда, эстакадаларда.

ЭШУ мосламасини индикаторига ҳимоя қалпоқларини кийдириб сақлаш, ёқилган ҳолатида электродларига тегмаслик ва қўлларни ҳам унга яқинлаштираслик, болаларнинг қўлига тушиб қолишига йўл қўймаслик керак.

ИИО ходимларини резина таёқ ва қалқон ёрдамида ҳаракатларини бажаришга сифатли тайёрланишини таъминловчи аниқ ҳаракатларни билиши керак. Бунинг учун ИИО ходимлари ёки ҳарбий хизматчилари машқ ва операцияларни бажаришга киришишдан олдин маҳсус воситаларни жангта яроқлилигини текшириб, йўриқномаларга асосланган ҳолда фойдаланишлари лозим.

Маҳсус воситаларни вояга етмаганларга, ҳомиласи кўриниб турган ва болалик аёлларга, ногиронларга, қарияларга ишлатиш тақиқланади. Агар улар томонидан фуқароларга ва ИИО ходимларига хужум қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

Ички ишлар органларининг хатти –ҳаракати белгиланиши топшириқса тўла мос келиши ва фуқароларнинг соғлигига имкон борича шикаст етказмаслик керак.

Фаол мудофаа воситаларини қўллаш ва маҳсус операциялар ўтказиш маҳсус воситалар қўлланилиши лозим бўлган шахсларга, бу ҳақида давлат тилида олдиндан огоҳлантириш орқали амалга оширилади. Товуш орқали огоҳлантириш зарур бўлган ҳолларда, улар орасидаги масофа узоқ бўлса ёки маълум бир кишилар гуруҳига мурожаат қилинганда товуш қайтаргич орқали бир неча марта огоҳлантирилиши ва улардан жавоб олиш учун маълум бир вақт берилиши керак. Хукуқбузарлар қатъий қаршилик кўрсатганларида ушбу воситалар огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин.

**Хуносас:** Ҳурматли тингловчилар бугунги машғулотимиз давомида маҳсус воситаларни қўллашнинг хуқуқий асослари, турлари, тактик-техник тавсифи, қўллаш тартиби ва уларни ишлатиш вақтида хавфсизлик чоралари тўғрисида назарий билимларга ва тушунчаларга эга бўлдингиз. Маҳсус воситаларни қўллаш кўнимасига эга бўлиш учун машғулотимизга норматив хуқуқий хужжатларни ва маҳсус адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида келгуси машғулотларга тайёргарлик кўриш лозим.

## **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Ўзбекистон Республикаси “ИИО тўғрисида”ги қонуннинг 5-боби, 23-моддасини ўрганиб, конспектлаштириш.

2. ИИВнинг 2017 йил 15 март кунидаги “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 55-сонли буйруғининг ўрганиб, конспектлаштириш.

3. Шахсий, фаол мудофаа ва маҳсус операцияларни таъминлаш воситаларининг жанговар хусусиятлари ҳамда маҳсус воситаларни қўллашда ҳавфсизлик чораларини ўқиб конспектлаштириш.

## **Назорат саволлари.**

1. Куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлиар ва пикет қўйишлиарни бартараф этиш чоғида маҳсус воситаларни қўллаш кимнинг рухсати билан амалга оширилади?

2. Қайси ҳолатларда мажбурий тўхтатиш воситаларини қўллаш қатъиянман этилади?

3. Кимлар томонидан ходимларни маҳсус воситалар (резина таёқ ПР-73, электрошок қурилмалари ва қўл кишанлари) билан қуролланишига рухсат берилади?

4. Қўл кишани қўлланилган вақтда қанча вақт ичida қулфлар ҳолати текширилиши лозим?

5. Черёмуха-1 ва Черёмуха-6 қўл гранаталари нима учун мўлжалланган?

6. Жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситалар ёки ўқотар қуролни қўллаш талабларига риоя этилиши ким томонидан назорат қилинади?

7.“ЁЖ-М” автотранспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш мосламаси нима учун мўлжалланган?

8. Қўл кишанлари (БР, БРС)нинг оғирлиги ва узилиш кучи қанча?

9. Маҳсус воситаларни кимларга нисбатан қўллаш тақиқланади?

10. Резина таёқ (ПР 73)ни инсоннинг қайси аъзоларига қўллаш мумкин эмас?

## **2.3 - МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРДА ҚҰЛЛАНИЛАЁТГАН ЭЛЕКТРОШОК ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ТАКТИК – ТЕХНИК ТАСНИФИ, ТУРЛАРИ ВА ҚҰЛЛАШ ТАРТИБИ.**

(2 соат амалий)

### **Машғұлот режаси:**

1-ўқув саволи: АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тасифи ва ишлаш тартиби.

2-ўқув саволи: “Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тасифи ва ишлаш тартиби.

3-ўқув саволи: “Скала” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тасифи ва ишлаш тартиби.

4-ўқув саволи: “ОСА-928” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тасифи ва ишлаш тартиби.

**1-ўқув саволи: АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тасифи ва ишлаш тартиби.**

### **АИР “M-140” русумли электрошок қурилмаси**



Мазкур, “M-140” русумли электрошок қурилмаси қурол қўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу қўриниш тартиббузарга қўшимча психологик таъсир кўрсатади. Ушбу электрошок ўзи ва қўшимча картриджи билан ҳам ихчам ва кийимда яширин равища олиб юриш учун қулай.

Электрошок қурилмасини бириктирилган табель қуроли каби елкага осиб олинадиган қурол ғилофида ёки камардаги қурол ғилофида олиб юриш мумкин.



**АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасининг таркиби.** Қурол қўринишидаги электрошок қурилмасининг ташқи қўриниши ва корпусининг ствол қисми:



- ЭШҚнинг ташқи қўриниши ва корпусининг ствол қисми (1);
- электродлари бўлган юқори вольтли ғалтакнинг диэлектрик бошчаси жойлашган (2) ва (3);

– байонет қулфи диэлектрик бошчанинг ён томонида (4) жойлашган бўлиб, функционал алмаштирса бўладиган картридж (картридж “БТЭР”)ни қўйиш имконини бериб, у хуқуқбузарга масофадан туриб таъсир ўтказиш имконини беради;

– корпуснинг ствол қисми пастида бошқарув тугмаси (тепки) жойлашган (5).

Электрошок қурилмаси корпусининг ўрта қисми:

– корпуснинг чап томонида лазерли мўлжалга оловчи (ЛМО) (6);

– корпуснинг ўнг томонида ёритгичнинг ёруғлик диодли фонари жойлашган қабариқ қисми (7) (ЛЕД фонари).



Электрошок қурилмаси пистолет дастаги ва остки қисми:

– аккумулятор батареяси ечиладиган орқа қопқоғи (8);

– ечиладиган аккумуляторли батареяси (9) АКБ;

– маҳсулотнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи ОЛЕД дисплейи (10);



– қўшимча учлик (насадка)ларни маҳкамлаш учун қурилма (11);

– ЭШҚнинг бехосдан ўчиб қолишини олдини оловчи сақлагич (12);

– сервис тугмаси (13) (чуқурни ичида) ЭШҚнинг сервис функцияларини танлашга мўлжалланган.

*Аккумуляторли батареяни (АКБ) ўрнатиш (ўзгартириш) тартиби:*

АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) учун АКБ бўлимининг орқа қопқоғини очиш (8) ҳамда АКБ бўлимига АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) зарур.

АКБ бўлимга тепки контакт клеммалари ёрдамида АКБ заряд чуқурчаси ҳолатидан қатъий назар ўрнатилиши зарур. АКБ ўрнатилган (ўзгартирилган) дан сўнг АКБ бўлимининг орқа қопқоғини жойига қўйиш зарур.

*Аккумуляторли батареяни зарядлаш тартиби.*

Аккумуляторли батареяни зарядлаш учун (АКБ) бўлимининг орқа қопқоғини (8) ечиб олиш, АКБни бўлимдан чиқариб олиш зарур. Сўнгра АКБ заряд қурилмасига (14) (охиригача зич улаш керак эмас!) заряд қурилмасининг шнурини бириктириш (ЗУ) (15) керак, бунда заряд қурилмасида яшил ёруғлик диоди ёнади. Заряд симини майший электр тармоғига (220В, 50 Гц) улаш зарур, бунда ёруғлик диодининг ранги яшилдан қизилга ўзгаради, бу заряд олиш бошланганлигини билдиради.



*АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи:*

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати	7 ,0-10,0
Учқун разрядининг кучланиши	70,0-120,0
Ишлаш ҳароратининг диапазони, $^{\circ}\text{C}$	-15 $^{\circ}$ дан+50 $^{\circ}$ гача
Ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,98 бўлганда ўртача ишлаш миқдори, қувватланиш элементлари тугашини ҳисобга олмаган ҳолда ёқиб-ўчириш сони	3000
Қурилманинг узунлиги	154 $\pm$ 2
Қурилманинг баландлиги	114 $\pm$ 2
Қурилманинг кенглиги	42 $\pm$ 1
Қурилманинг оғирлиги	0,250 $\pm$ 0,03 гр.

Электрошок қурилмасини масофадан туриб ишлатиш учун иккита турдаги картридждан фойдаланиш мумкин.

Биринчи турдаги картридждан 4,5 метргача бўлган масофадан туриб фойдаланиш мумкин.

Иккинчи турдаги катридж 135 децибелга teng шовқин чиқарувчи нур-шовқинли картридж ҳисобланади.

Картриджларни ўрнатиш даврида сақлагич юкорига кўтарилиган ҳолда турган бўлиши лозим. Ушбу моделда картриджни тўғри ўрнатиш жуда муҳим, акс ҳолда у ишламайди. Масофадан туриб ишлатиладиган картриджларни электрошок қурилмасига ўрнатишда ЭШҚнинг картридж ўрнатиладиган қисмидаги маҳсус кулфга йўналиш бўйича горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотирилади. Нур-шовқинли картридж ҳам юқоридаги каби горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотири лади

Электрошок қурилмаси созламаларини тўғрилаш учун унинг дастасидаги лед (ЛЕД) дисплейдан фойдаланилади.

Электрошок қурилмаси ишга туширилганда, дисплейда куйидаги маълумотлар кўринади:

- аккумулятор қувватининг даражаси;
- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- электрошок қурилмасининг дастурий таъминот тури;
- электрошок қурилмасидан неча маротаба фойдаланилганлиги;
- ишлаб чиқарувчининг номи.




Электрошок қурилмаси менюсига кириш учун уни сақлагиң ҳолатига қўйиб, дастакдаги сервис тугмасини ингичка жисм ёрдамида 10 сония давомида босиб турилади.



Экран менюси фаол ҳолатга ўтади, бироқ бу вақтда меню ёниқ вақтда электрошок қурилмаси нофаол ҳолатда бўлади, яъни ундан фойдаланиб бўлмайди. Менюда акс этган бирон бир функцияга кириш учун уни танлаб яна дастакдаги сервис тугмасини босиш керак. Керакли созламаларни амалга оширгандан сўнг уни хотирада сақлаш ёки ўзгартиришсиз қолдириш учун электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади.


Маҳаллий вақт, соат ва дақиқаларни созлаш - биринчи менюдан соат созламаси танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб турари ва электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади, иккинчи соат ва сана созламалари кўринади. Дастреб соат ва дақиқалар аниқ вақт режимида, ундан кейин йил, ой ва кун календарь бўйича созланади.



Электрошокдан неча маротаба фойдаланганлигини кўриш менюси:



- биринчи менюдан “просмотр протокола” созламаси танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб турари ва электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади;



- иккинчи жараёнда электрошок қурилмасидан фойда ланганлик тартиби, фойдаланилган санаси ва вақти кўринади.



Электрошок қурилмаси чироғини ёкиш учун куйидаги амаллар кетма-кетликда бажарилади:



- электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва сақлагиң ёкиб, тепки қўйиб юборилади;



- электрошок қурилмаси фонари ҳамда лазер нурини бир вақтда ёкиб туриш учун эса электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва тепкини қўйиб юбормаган ҳолда ушлаб турилади, орадан 3 сония вақт ўтгач ўзингизга қулай бўлган режимни танлаб оласиз ва тепкини қўйиб юборасиз.



АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаси-ни қувватлаш учун қўшимча аккумулятордан фойдаланиш мумкин, қўшимча аккумулятор ҳам электрошокнинг дастагига ўрнатилади.



Аккумуляторни никел металл гибридли ҳамда литийполимерли турлари мавжуд. Аккумулятор ўрнатилгандан сўнг электрошок дастаги ушлаш учун янада қулай бўлади.

Бу турдаги электрошокга қўшимча “пикатини” қурилмасини ўрнатиш мумкин. Бу эса электрошокга яна бошқа мосламаларни ўрнатиш имконини беради.



## **2-ўқув саволи: “Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

“Скарпион” русумли электрошок қурилмаси бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган резина таёқ, яъни резина таёқ кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан нафақат электрошок сифатида, заруратга қараб ризина таёқ сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Мазкур электрошок, жиддий синовдан ўтган, кучли зарбга ва юқори чидамли корпусга эга. Бу турдаги электрошок қурилмаси мустаҳкам шиша толали материалдан тайёрланган. Унинг тутқичи сирғанмайдиган материалдан ишланган бўлиб, кафтда ушлаб туриш учун қулай ва қўлдан тушиб кетишини ёки тартиббузарлар томонидан тортиб олишига имкон бермайди. Унда билакка ўтказиб олинадиган маҳсус тасма (ип) мавжуд.



“Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг вазифаси ҳукуқбузарга бевосита яқиндан алоқа қилиш вақтида ёки масофадан туриб очиқ жойда ва хоналарда катриджидан фойдаланган ҳолда унга юқори кучланишли бир қатор электр импульслар орқали нолетал таъсир қилишга мўлжалланган. Қурилма ҳукуқбузарга руҳий-жисмоний таъсир қилиш ҳамда овоз ва ёруғлик сигналини беришга мўлжалланган.

“Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг сақлагачи бош бармоқ остида “Пуск” тутмачасининг ёнида жойлашган бўлиб, бу қисқа сонияларда электрошокни осонлик билан жанговар ҳолатига тушириш имконини беради.



Бу турдаги электрошок қурилмасини ҳам (шу жумладан, олдиндан үрнатилған құшимча картридж билан) камарга осиладиган махсус ғилофда олиб юриш мүмкін.

“Скарпион” русумли электоршок қурилмасини масофадан туриб қўллаш ва нур-шовқин чиқарувчи картриджлар үрнатилиши мүмкін. Ушбу моделда картриджни тўғри үрнатиш жуда мухим, акс ҳолда у ишламайди. Ушбу электрошокга картриджларни үрнатиш даврида сақла-гичини тутқичга қўйиш лозим. Картриджларни электрошокга үрнатишда электрошокнинг картридж үрнатиладиган қисмидаги махсус қулфга йўналиш бўйича бураб қотирилади.

Биринчи турдаги картридждан қўлланилганда 7,5 метр масофагача етиб боради, ушбу картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ ва 1 метрдан кам бўлмаслиги лозим, картриджнинг яхши самарали таъсир этиш масофаси 4,5 метр. Иккинчи турдаги элетрошок қурилмасига ўрна-тиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чақнаши ва 135 децибелга teng шовқин чиқариши натижасида тартиббузар-нинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмаслигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мүмкін. Нур-шовқинли картриджни қўллаётганда ходим қулоқ битиб қолишини олдини олиш мақсадида ён томонга бурилиб, оғзини катта очиб туриши тавсия этилади.

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мүмкін.

Бу турдаги электрошок қурилмасига қўшимча үрнатиладиган кучли ёритувчи фонар ҳамда 120 децибелга teng кучли овоз чиқарувчи «Сирена» қурилмаси сифатида ҳам фойдаланиш мүмкін.

Электрошок қурилмасига фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма осонлик билан үрнатилади ва ечиб олинади. Бунинг учун электрошок қурилмасини дастак қисмини ҳимоя тасмаси үрнатилған қопқоқ қисми бўшатилиб, унинг ўрнига қурилмани үрнатиш кифоя бўлади.



Электрошок қурилмасига қўшимча қурилма үрнатиладиган тақдирда ҳам унинг барча аввалги функциялари йўқолмайди. Шунинг учун бир

вақтнинг ўзида электрошок қурилмасидан инсон танасига теккизган ҳолда ҳамда масофадан туриб қўллаш мумкин.

Электрошок қурилмасини тўғри ва самарали қўллаш учун уни мунтазам равишда электр манбаи билан қувватлантириб туриш керак.

Қувватлантириш жараёни оддий, кўп вақт ва ҳаракат талаб қилмайди. Қувватлантириш қурилмасини улаш учун электрошокни дастак қисмидаги ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми очилади ва қувватлаш қурилмаси уланади, қурилмасини қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади.

Қувватлантириш жараёни амалга оширилаётганда аккумуляторнинг яшил чироғи ёрқинроқ ёнади, бу эса аккумуляторнинг қувватланаётганлигидан далолат беради.



Тавсия:

Электрошок қурилмасини қувватлантириш жараёнида ёқиши мумкин эмас, 8 соат давомида қувватлантирилганидан сўнг уни ишлашини текшириб қўриш мумкин. Бундан ташқари, зарурият туғилганда электрошок қурилмасини автомашинани қувватлантириш қурилмасига улаш орқали ҳам қувватлантириш мумкин.

“Скарпион” русумли электоршокернинг тактик-техник тавсифи:

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати 7 ,0-10,0;

Учқун разрядининг кучланиши 70,0-120,0;

Ишлаш ҳароратининг диапазони,  $^{\circ}\text{C}$   $-20^{\circ}\text{дан}+50^{\circ}$  гача

Габарит ўлчамлари	Скарпион 250-А/250--АЦ	Скарпион 350-А/350--АЦ	Скарпион 500-А
Узунлиги, мм.	286±2	339±1	550±5
Диаметри, мм.	52,5±1	52,5±1	52,5±1
Оғирлиги, гр.	480±20	580±20	780±20

Айрим ҳолларда электрошокнинг аккумуляторини зудлик билан алмаштириш зарурияти юзага келиши мумкин.

“Скарпион” русумли электрошокларнинг барча моделлари учун қўшимча аккумуляторлар манбалари ишлаб чиқарилади.

Бундай вазиятларда ходим мустақил равишда оддий қўл фонарини батарейкасини ўзгаририш каби электрошокни қувват манбани алмаштириб олиши мумкин.

Аккумулятор, зарур ҳолатлар юзага келишини, тунги вақтни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, уни манфий ёки мусбат томонини ажратиш талаб этилмайди, аккумулятор ҳар қандай усулда электрошокга жойлаштирилиши мумкин.



### **З-ўқув саволи. “Скала” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

“Скала” русумли электрошок қурилмаси қалқон (шит) кўринишида бўлиб, ушбу электрошок қалқони тўғридан-тўғри механик таъсир яъни, таёқ, темир жисм, тош ёки оёқ билан зарба берилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳимояланиш учун мўлжалланган.

“Скала” русумли электрошок қалқонининг корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли бўлиб, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир.



Қалқон эргономик тутқичга эга бўлиб, тутқичнинг ёнида сақлагичдан олиш тугмаси ва «ишга тушириш» тугмаси мавжуд.

ИИО ходимлари оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда бу турдаги қалқонлардан жамоат тартибини сақлаш, тартиббузарларга самарали таъсир чораларини кўрсатиш учун фойдаланадилар.

Тартиббузарлар томонидан улоқтириладиган тошлар ёки таёқлардан сақланиш учун қалқонларни ёпиб, ички ишлар органлари ходимлари тартибсизликни ташкил этган ташкилотчи ёки уларнинг етакчисини оломон орасидан ажратиб (тортиб, чиқариб) олади.

Бу вақтда ходим қалқондаги электрошок функциясидан фойдаланади. Бунинг учун қалқонга ўрнатилган ишга тушириш яъни, “Пуск” тугмаси босилади.



Бу жараёнда электрошок қалқонининг токи маҳсус электродларнинг оқими орқали қалқоннинг ташқи томонига ўтади ва унга теккан тартиббузарларга таъсир кўрсатади.

Электрошок қалқони эса ходимларни ташқи механик таъсиrlардан ишончли ҳимоя қиласди.

Мазкур электрошок қалқонини аввалги қалқонлардан асосий фарқи шундаки, бу қалқонни оддий ёнда олиб юриш ва "Скарпион" русумли электрошок қурилмасини ўрнатиш зарурияти бўлмаган ҳолда ечиб олишимиз мумкин.

Қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзаси электр токини тез ва осон ўтказиш хусусиятига эга фальга билан қопланган:

- электрошок қурилмасини ўрнатиш жойи;
- қалқонни ишончли ушлаб туриш учун тутқич;
- юқори ҳамда пастки тутқичлар;

-пастки тутқичнинг ёнида электрошокни сақлагиши ва ишга тушириш тугмаси жойлашади. Қалқондан электрошок сифатида фойдаланиш учун электрошок қурилмасини пастки тутқичининг ёнига ўрнатилади



Қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагишини ечиш ва ходим тартиббузар ўзига нисбатан энг яқин масофага келганда ишга тушириш яъни, “Пуск” тугмасини босиши лозим.

Бундай вазиятда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологияк таъсир кўрсатиб, унга электр зарба беради.

Зарурият юзага келганда қалқонга ўрнатилган электоршокни осонлик билан ечиб олиб ундан электрошок ёки ризина таёқ сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

*“Скала” русумли электрошок қалқонини тактик-техник тавсифи:*

Габарит ўлчамлари:

баландлиги -	1020±50мм
эни -	573 ±50 мм
қалинлиги -	116±20 мм
- электрошок қурилмаси билан оғирлиги-	4,1±0,5 кг
- электрошок қурилмасиз оғирлиги-	3,8±0,5 кг
- 1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир куввати учкун разрядининг қучланиши-	7 ,0-10,0
- учқун зарядининг қучланиши-	70,0-90,0 кВ
- ишлаш ҳароратининг диапаъзони-	20 <sup>0</sup> +50 <sup>0</sup> гача
- кийим устидан максимал таъсир кучининг пасайиши-	25%

**Электрошок қалқонини қуйидаги ҳолатларда қўллаш тақиқланади:**

Электрошок қалқони ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан қўллаш тақиқланади. Бунда улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд

ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этилган ҳолатлар ҳамда гурух бўлиб ҳужум қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Шу билан бирга, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини бузмасдан, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишларни бартараф этиш вақтида электрошок қалқонини қўллаш тақиқланади.

#### **4-ўқув саволи. “ОСА-928” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

“ОСА-928” русумли электрошок қурилмаси фаол мудофаа воситаси бўлиб, қонунбузарлар томонидан қилинган ҳужумни қайтариш ва тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун қўлланилади. Элекшокер қурилмасининг комплектида камарга тақиладиган чехол ва қувватлаш мосламаси олиб юрилади.



Электрошок қурилмасининг юқори қисмида ўтказгич тугмаси билан ишлаб чиқарилган. Ушбу ўтказгич тугмаси қўйидаги уч функцияни бажаради:

- электрошокнинг ўчирилиши ўтказгич тугмасининг пастки ҳолати;
- электрошокнинг фонари ёқилиши ўтказгич тугмасининг ўрта ҳолати;
- электрошок жанговар ҳолатига келтирилиши ўтказгич тугмасининг юқори ҳолати.

Ўтказгич тугмаси жанговар ҳолатга келтирилганда юқори қисмида қизил чироқ ёнади, бу элекшокер жанговар ҳолатга келтирилгани ҳақида маълум қиласди.



Электрошок қурилмасининг пастки қисмида қизил ранѓда 0 ва 1 рақам билан белгиланган қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси, бармоқлар учун ўйимлар мавжуд.



Қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси 0 рақамида турганда элекшокер ўчирилган бўлади, 1 рақамида босиб турилганда индукторлари орасида электр учқуни ҳосил бўлади.





Электрошокерни олди қисмida фонар ва ток кучланишини ҳосил қилувчи индукатор ва унга уланган икки ёнга туширилган темир пластиналари жойлаштирилган. Темир пластиналарининг вазифаси қонунбузар қурилмани ушлаб олиб тортиб олмоқчи бўлганда унга юқори самарали таъсир қилишда темир пластиналарини қурилмадан ечиб олиш осон, индукатори бураб ечиб олинади, темир пластина чиқарib олинади ва индукатор жойига бураб қўйилади.

“OCA-928” электрошокер қурилмасини қулайлиги шундаки уни бир қўлда жанговар ҳолатга келтириш ва қўллаш мумкин.

Қурилмани ҳаракатга келтириш тутгаси ва бармоқлар учун ўйимлар пастга қараган ҳолда ўнг қўлга олинади, қўрсаткич бармоғи ҳаракатга келтириш тутгасини устига, қолган учта бармоқлар бармоқлар учун ўйимларга қўйилади, бошмолдоқ бармоғи қурилмани юқорига қараб турган томонидаги ўтказгич тутгасига қўйилади.

“OCA-928” электрошокер қурилмаси чехолга олд томони яъни ток кучланишини ҳосил қилувчи индукатори томони билан солинади ва бел камарида тақилган ҳолда олиб юрилади. Ушбу электрошокер қурилмасини қувватлантиришда қурилманинг остиғи қисмига қувватлаш мосламаси ўрнатилади ва 220 волтда қувватлантирилади. Қурилмани қувватланиш давоми 2-3 соат.

*Электрошокер қурилмасининг тактик-техник таснифи:* қурилма пластик материалдан тайёрланган; оғирлиги 140 гр.; узунлиги 160 мм.; эни 45 мм.; қалинлиги 30 мм.; учқун разрядининг кучланиши 15 000 В.; 25 мм. қалин кийимдан ўтади.

### **Электрошок қурилмаларини бошқа шахсий ҳимоя ва фаол мудофаа воситаларидан афзалиги:**

1. Электрошок қурилмасини ёпиқ жойларда, газдан ҳимоя қилиш воситаларидан фарқли равишда қўллаш мумкин. Электрошок қўлланилган шахсда нафас етишмовчилиги ёки аллергия ҳолатлари қузатилмайди.

2. Электрошок қурилмаси қўлланилган шахснинг ўлимга олиб келмайди. Бошқа турдаги ўқотар қуролларидан фарқли равишда электрошок қўлланилган шахсга ва ундан фойдаланган ходимга салбий таъсир қўрсатмайди ҳамда ток уриши тартиббузарнинг соғлиғига зарар етказмайди. Аксинча, тартиббузарга етказилган зарба натижасида уни шок ҳолатига келтириб, мувозанатини йўқотишига олиб келади. Электрошок қурилмаси қўплаб тиббий синовлардан ўтган. Уни қўллаш хавфсизлиги тегишли тиббиёт муассасалари томонидан тасдиқланган.

3. Электрошокни ҳайвонларга, айникса итларга қарши ишлатиш самара беради.

**Электрошок қурилмаларидан фойдаланиша айрим фойдаланувчиларда қуйидаги нотұғри фикрлар юритилади:**

- электрошок қурилмасини ёмғирда ишлатиб бўлмайди;
- электрошок қурилмаси қўлланилаётганда тартиббузарга тегиши мумкин эмас, чунки электр оқими ундан фойдаланаётган ходимга ҳам таъсир қиласи;
- электрошок қурилмаси ўлимга олиб келади;
- электрошок қурилмасини фақат инсон танасига теккизган ҳолда қўллаш мумкин;
- электрошок қурилмаси қалин, қишки кийимлар устидан таъсир килмайди.

**Юқорида келтирилган фикрларга жавоб:**

1. Электрошок қурилмасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида қўллаш мумкин бўлиб, шунчаки тартиббузарнинг баданига қурилмани қаттикроқ босиши талаб этилади.

2. Бундай вазиятда электрошок қурилмасидан юборилаётган электр оқими электродлар орқали энг қисқа йўлдан тартиббузарнинг танасига ўтади ва фақат тартиббузарнинг зарба берилган жойига таъсир кўрсатади.

3. Инсон ҳаётига, хатто юрак қон томири билан оғриган шахсларга ҳам зарар етказмайди. Электрошок қурилмасининг таъсир кучи тартиббузарнинг шок ҳолатига тушиши ва мувозанатини йўқотиши учун етарли бўлади. Олиб борилган қўплаб тиббий синовлар натижаларига кўра электрошок қурилмаси тўғри қўлланилганда инсон саломатлигига зарар етказмайди.

4. Электрошок қурилмасида қўшимча картридж мавжуд бўлса, ундан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Картридж электродлари 4,5 метрдан 7,5 метргача бўлган масофага етиб боради.

5. Электрошок қурилмалари совук иқлим шароитларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жемфер, пальто ва бошқа қалин кийимларни устидан ҳам таъсир этади. Йилнинг совук даврида, қалин кийим кийган тартиббузарларга қарши қўллашда таъсир худудини қўпайтириш учун электрошок қурилмасини иложи борича инсон танасига босиброқ қўллаш лозим бўлади холос.

**Электрошок қурилмаларини қўллашда хавфсизлик қоидалари.**

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашдан аввал улар қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга у ички ишлар органи ходими эканлигинни айтиши, уларга нисбатан электрошок қурилмасини

қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вақт бериши шарт.

Агар электрошок қурилмасини бўлинма (гурух) таркибида қўлланилса, бундай огоҳлантириш ушбу бўлинма (гурух) таркибига кирувчи ходимлардан бири томонидан берилади.

Агар электрошок қурилмасини қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик хуқуқига эга.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашда юзага келган вазиятни, электрошок қурилмасини қўлланилиши назарда тутилаётган шахслар хатти-харакатларининг хусусияти ва хавфлилик даражасини, шу жумладан, кўрсатилаётган қаршиликнинг хусусияти ва кучини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қиласди. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқарога биринчи ёрдам кўрсатишга, шунингдек унга имкон қадар қисқа вақт ичida тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга мажбурдир.

Электрошок қурилмаси қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва электрошок қурилмасини қўлланилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичida тегишли билдирги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимиға фаол қаршилик кўрсатган хуқуқбузарга нисбатан электрошок қурилмасини қўлланилган ҳолатларда билдирги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

Ички ишлар органи электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида:


фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса бу ҳақида имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмайдиган вақт ичida ушбу фуқаронинг қариндошларига ёки яқин шахсларига;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходими томонидан электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

## **Куйидаги ҳолларда электрошок қурилмасини қўллаш тақиқланади:**

- ҳар бир электрошок қурилмасининг ҳар бир турини ишлатиш бўйича йўриқномада белгиланган инсонга электр разряд таъсирини ўтказишнинг йўл қўйиладиган вақтини оширган ҳолда қўллаш;
- бир шахснинг ўзига нисбатан такорран 5 дақиқа ичида қўллаш;
- портлаш хавфи бўлган муҳитда, шу жумладан тез аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган моддалар мавжуд бўлган хоналарда қўллаш;
- инсон организмининг рефлексоген (сезгир) жойлари (бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисми)га қўллаш.



Шунингдек, ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёки аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли қаршилик қўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимиининг хаёти ва соғлиғига ҳакиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишларни бартараф этиш чоғида электрошок қурилмасининг қўлланилиши тақиқланади.



Электрошок қурилмаси билан муомалада бўлишда ички ишлар органи ходими қуйидаги хавфсизлик чораларини кўриши зарур:

хизмат ўташ чоғида электрошок қурилмасини ғилофда олиб юриш ва

тегишли асосларсиз ундан чиқармаслик;

ишига туширилган электрошок қурилмасининг электродлариға тегмаслик ва уларга қўлларни яқинлаштирмаслик;

ёнғин ва портлаш хавфи бўлган муҳитда ҳамда нам, шу жумладан ёмғирли шароитларда электрошок қурилмасидан имкон қадар фойдаланмаслик;

носоз бўлган электрошок қурилмасидан фойдаланмаслик ва уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш;

электрошок қурилмасини ўзга шахсга бермаслик.

### **Ходим эътибор қилиши лозим!**

Электрошок қурилмасини уч сониядан ортиқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли хисобланади. Аммо, электрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт давомида қўллаш электрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартибузарни газаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган.

Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Барча электрошоклар тўғри ва узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун бир нечта умумий қоидалар мавжуд:

- электрошокни мунтазам равища қувватлаб туриш зарур. Агар электрошок узоқ вақт ишламай турган тақдирда ҳам камида бир йилда бир марта қувватлантириш талаб этилади.

- электрошокдан фойдаланилган бўлса уни қувватлантириш тавсия этилади;

- электрошокга сув ёки бошқа намлик тушганда, уни юмшоқ мато билан артиб қуритиш лозим;

- электрошокни ишлатиш жараёнида носозликлар ёки бошқа муаммолар юзага келса, камчиликни бартараф этиш учун электрошокни хизмат кўрсатиш марказлариға топшириш талаб этилади ва уни мустақил равища демонтаж қилиш қатъяян ман этилади!

**Хулоса:** Ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган электрошок қурилмалари шахсий хавфсизликни ҳимоя қилган ҳолда улардан фойдаланиш ва уларни қўллашни тақозо этади.

Электрошок қурилмалари ёрдамида ички ишлар органларида тартиб-бузарларни бўйсундириш, содир этилган жиноятларни очища ҳамда тезкор қидирув тадбирларида жиноятчиларни ушлашда фойдаланилади. Шу сабабли,

барча тингловчилар электрошок қурилмаларини қўллашнинг хуқуқий асосларини ва қўллаш тартибини билиши лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. ИИВнинг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органларида электрошок қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 29-сонли буйругини ўрганиб, конспектлаштириш;
2. АИР “M-140”, “Скарпион”, “Скала” ва “ОСА-928” электрошок қурилмаларини жанговар хусусиятларини ёдлаб келиш;
3. Электрошок қурилмаларини қўллаш бўйича хавфсизлик чораларини ўрганиб конспектлаштириш.

### **Назорат саволлари**

1. Электрошок қурилмасини қандай ҳолатларда қўллаш тақиқланади?
2. Картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартибузар ўртасидаги оралиқ масофа неча метрдан кам бўлмаслиги лозим?
3. АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасини лазери ва фонарини ёқиши тартибини тушунтириб беринг?
4. Электрошок қурилмасини ҳайвонларга неча сониядан ортиқ қўллаш тақиқланади?
5. Электрошок қурилмаси қўллангандан сўнг кимга билдириги асосида ахборот берилиши шарт?
6. Электрошок қурилмаси билан муомалада бўлишда ички ишлар органи ходими қандай хавфсизлик чораларига риоя этиши керак?
7. “Скарпион” русумли электрошок қурилмасига ўрнатилган қўшимча қурилма нечи децибелга teng кучли «Сирена» овозини чиқаради?
8. Электрошок қурилмасини инсоннинг қаерига қўллаш тақиқланади?
9. Электрошок қурилмасини кимларга нисбатан қўллаш тақиқланади?
10. АИР “M-140” русумли электрошок қурилмасининг “Меню”сига кириш тартибини тушунтириб беринг?

## **2.4-МАВЗУ: МАХСУС ОПЕРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ. МАХСУС ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

(2 соат маъруза)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув саволи: Махсус операция тушунчаси ва турлари.

2-ўқув саволи: Махсус операцияларни бошқариш ва ҳамкорликни ташкил қилиш.

#### **1-ўқув саволи. Махсус операция тушунчаси ва турлари.**

Махсус операциянинг асосий маъноси ички ишлар органлари ходимларининг жамиятга қарши қаратилган салбий ҳаракатларни тұхтатиша, оммавий тартибсизликтарни бартараф этиш, ўта хавфли ва қуролланган жиноятчиларни ушлаш, террорчилік-қўпорувчилик ва фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ бўлган жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш, ёнғин, табиий офат, эпидемия, эпизоотиялар ҳамда техноген авариялар содир бўлганда режимли ва бошқа тадбирларни ўтказишдаги жанговар ҳаракатлар ҳисобланади.

**Махсус операция** – бу ички ишлар органлари шахсий таркибининг ҳамкорликдаги кучлар билан биргаликда, ягона режа асосида фавқулодда вазиятлардаги вазифаларни бажариш мақсадида амалга ошириладиган сиёсий, тезкор-қидирав, режим, тергов ва бошқа жанговар ҳаракатлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг мураккаб фаолиятдан бири – махсус операцияни ўтказиш. Махсус операцияда ўтказиладиган тадбирлар ва жанговар ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти бевосита унинг мақсадларидан, юзага келган вазиятларнинг муайян шароитларидан келиб чиқади.

Фавқулодда вазиятларда ҳал қилинадиган вазифаларга боғлиқ равища Узбекистон Республикаси ИИВ органлари ва Қоровул қўшинлари ўтказадиган махсус операциялар қўйидаги турларга бўлинади:

- турли хил шароитларда қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш;
- террорчиларнинг қўпорувчи – разведка гуруҳини аниқлаш ва бартараф қилиш.

Махсус операциялар турли хил шароитларда вужудга келган тезкор вазиятта қараб ташкиллаштирилади ва ўтказилади. Бундай шароитларга қўйидагилар киради:

- тезкор вазият маълумотлари;
- белгиланган ҳудуд (шаҳар, қишлоқ, очик жой, тоғ, ўрмон ва ҳ.к.);
- йил фасли, кун;

- об-ҳаво шароити;
- куч ва воситалар мавжудлиги.

Махсус операцияларни ўтказишда тезкор вазият икки хил ҳолатдан иборат бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда тўлиқ маълумотлардан иборат бўлиши, бунда ўта хавфли ва қуролланган жиноятчиларни, террорчилик-қўпорувчилик гурухларининг сони, қуролланиши, яширинган жойлари, ҳаракат йўналишлари ва мақсадлари маълум бўлганда. Иккинчи ҳолатда қуролланган жиноятчилар ва террорчилик-қўпорувчилик гурухларини факат ҳаракатланаётган, яшириниши мумкин бўлган ҳудуд ҳақида тўлиқсиз маълумотлар бўлганда.

Ҳар бир махсус операция ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларда тезкор кучлар ва воситаларнинг жанговар элементларининг турли хил тактик ҳаракат усуллари қўлланилади. Бу ўзига хос хусусиятлар ҳар бир операция учун олдиндан ишлаб чиқиладиган тезкор режаларда ўз аксини топади.

#### **Махсус операциялар қўйидаги ҳолларда ўтказилади:**

- ички ишлар органлари ва бўлинмаларининг маъмурий бинолари ва уларга туташ ҳудудларга бўлган хужумларни қайтаришда;
- ҳаво кемаларини олиб қочиши, уни эгаллаш учун уринган ёки эгаллаб олиб қочган жиноятчиларни қўлга олишда;
- қуролланган ва ўта хавфли жиноятчиларни қидириш ва уларнинг аниқ турган жойларини аниқлашда;
- яширинган жойи маълум бўлганда қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш, уларни заарсизлантириш ва гаровга олинган фуқароларни озод қилишда;
- оммавий тартибсизликлар содир этилиб, тинч аҳоли устидан хукм ўтказишга (эзишга) қарши ва унинг олдини олиш мақсадида ҳаракат қилишда;

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси МХХ, ИИВ, МВ, ФВВ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда турли хил шароитларда тезкор режалар асосида амалга оширилади.

Ҳар бир махсус операция ўтказилишида қандай тезкор вазият бўлишидан қатъий назар **операция уч босқичдан иборат бўлади**:

Махсус операцияни ташкил қилиш ва тайёрлаш.

Махсус операцияни олиб бориш.

Махсус операцияни якунлаш.

*1. Махсус операцияни ташкил қилиши ва тайёрлаши.*

Тезкор штаб бошлиғи томонидан қўйилган вазифаларни аниқ тушуниб этиш. Кўйилган вазифани аниқлаб, шахсий таркиб ўзининг экипировкасига, қурол-яроғи, транспорт воситалари, алоқа воситалари, шахсий ҳимоя

воситалари тайёргарлигига тұлық ишонч ҳосил қилиши, руҳий-психологик жиҳатдан тайёр бўлиши лозим.

Дастлабки қўрсатмалар берилишида ИИО тезкор навбатчиси – тезкор режани ҳаракатга келтириши, шахсий таркиб операция турига қараб тезкор режалар асосида ҳаракатланиши, шахсий таркибни (тезкор-хизмат гуруҳини, махсус йифма отрядни ва х.к.) қуроллантириши, жанговар техника ва транспорт воситаларини тайёрлаши, жанговар ҳаракатларни ҳар томонлама таъминланишини ташкиллаштириши лозим.

## *2. Махсус операцияни олиб бориши.*

Операцияни олиб бориш жанговар таркибдаги гуруҳларнинг команда бўйича бошланғич мэрраларни эгаллашидан бошланади. Биноларга беркинган қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш учун махсус операция жараёнида асосий эътиборни жиноятчиларга нисбатан тўсатдан ва кутилмагандан ҳаракатларни амалга оширишга қаратиш лозим.

Агар жиноятчилар ўзларининг қўлга олинишига оид фаол ҳаракатларни кутмаётган ва дархол қуролли қаршилик қўрсатишга тайёр бўлмасалар, тўсатдан ҳаракат қилиш усули қўлланилади. Бундай ҳолларда операция ўтказиш жойи ўта яширинча “халқага олинади”. Жиноятчилар фаол қаршилик қўрсатаётган вақтда уларга психологик таъсир қўрсатиш амалга оширилади.

Бундай ҳолларда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- жиноятчиларга таслим бўлиш талаби билан мурожаат қилинади;
- жиноятчиларга қарши қурол ва махсус воситалар қўлланиши ҳақида улар огоҳлантирилади, агар бу огоҳлантириш талаблари бажарилмаса, уларни қўлга олиш ва йўқ қилиш чоралари кўрилади.

## *3. Махсус операцияни якунлаши.*

Операциянинг якунланиши операция ўтказилган худудни кўздан кечириш, бўлинмаларни тўплаш, шахсий таркибни, қурол ва техникани текшириш, жанговар ҳаракатлар чизмасини тузишни якунлаш, операция ҳақида маълумотнома тайёрлаш ва операция натижаларини кўриб чиқишдан иборат.

## **Махсус операцияни ўтказишга жалб қилинадиган қуч ва воситалар.**

Қуролланган жиноятчилар, террорчилик-қўпорувчилик гуруҳларни қўлга олиш ёки йўқ қилиш учун ИИВга қарашли барча органларнинг махсус мўлжалланган бўлимлари, жиноят-қидирав бўлимлари, ЖИЭМ, ЁХХ, ЙПХ, ППХ, ИИО (турли бўлимлари)нинг шахсий таркиби, ҳамкорлик ташкилотлари МХХ, МВ, ФВВлари билан ҳамжиҳатликда кучларнинг таркиби ташкил этилади, ИИВ ўқув юртлари – тезкор заҳирадагилар бўлиб ҳисобланади.

Махсус операцияда махсус бўлимлар шахсий таркибининг ўрни бекиёсдир. Улар мавжуд жанговар техника, транспорт, алоқа воситалари ёрдамида чаққон ҳаракатлар билан манёврларни амалга оширадилар.

Жиноят-кидирув аппарати, тергов бўлимлари ва жазони ўташ муассасалари шахсий таркиби жиноятчиларнинг жиноий ҳаракатлари ҳақида маълумот берувчи хужжатлар ва ашёвий далилларни топиш, яширинча кузатув олиб бориш, жиноятчиларнинг яширинган жойини аниқлаш вазифалари юклатилади.

Ёнғинга қарши курашиш бўлинмалари гурӯх бўлиб жамоат тартибини бузувчиларни бартараф қилиш операцияси ўтказилаётган худудда ёнғинлар содир этилишининг олдини олиш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш вазифаларини бажаради.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш бўлинмалари операция ўтказилаётган худудда ва унинг атрофида транспорт ҳамда пиёда йўловчиларнинг ҳаракатлари хавфсизлигини таъминлаш, операцияда қатнашаётган кучларни зарур ҳолларда бошқа худудга кўчиришда транспортлар ва ҳайдовчиларни жалб этишга ёрдам кўрсатади.

Ички ишлар органлари турли бўлинмаларининг ходимларидан вақтинча тузилган йиғма бўлинмалар шахсий таркиби бошқа кучлар билан ҳамкорликда операция ўтказилаётган худудни ўраб олиш ва бу худудда ўрнатилган режимни таъминлашда қатнашади. Операция ўтказиладиган худудни ўраб олиш учун худуд шароити тўғри келмаганда тўсиқ ва пистирмалар ўрнатилади.

Махсус операцияда тезкор кучлар шахсий таркиби ўзида мавжуд бўлган қуроллар ва жанговар техникани, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларни қўллайди. Оммавий тартибсизликлар ёки жамоат тартибини қўпчилик бўлиб бузувчиларнинг ҳаракатларини олдини олиш учун ички ишлар органлари ходимлари шахсий ҳимоя, фаол мудофаа ва махсус операцияни таъминлаш воситаларини, яъни қўл кишанларини, резина таёклар, кўздан ёш оқизувчи моддаларни, чалғитувчи товуш ва хоналарни очувчи қурилмаларни, автотранспортни мажбуран тўхтатиш, сув отиш ва бошқа махсус воситаларни жанговар кураш усувларини, хизмат отларини, итларни ҳамда зирҳли ва бошқа транспорт воситаларини қўллаш хукуқига эгадирлар.

### **Махсус операцияга жалб этиладиган куч ва воситалар.**

Махсус операцияда тезкор жанговар ҳаракатларнинг асосий усувлари қуйидагилар: ўраб олиш, қуршовга олиш, таъқиб қилиш, халқага олиш, қўлга олиш (тарқатиш).

**Излаш** – бу тезкор кучларнинг жанговар ҳаракат усулларидан бири бўлиб, қўпорувчи–разведка гурухлари жиноятчиларни топиш, қўлга олиш ёки йўқ қилиш ҳамда уларга тегишли қурол-яроғ, портловчи моддаларни, жиноят содир этишда қўлланилган ва ашёвий далил сифатида хизмат қилувчи буюмларни олиш мақсадида амалга оширилади. Излаш турлари қўйидагилардан иборат:

*Ёппасига ялпи излаш* – тахмин қилинган ҳудудда жиноятчилар борлиги номаълум, излашга жалб этилган куч ва воситалар миқдори етарли бўлганида қўлланилади. Бундай ҳолда бутун ҳудуд ва ундаги объектлар кўздан кечирилади.

*Танлаб излаш* – қўлланилганда бутун ҳудуд эмас, балки унинг алоҳида жойларида, йўналишларида, аҳоли яшайдиган жойларнинг маълум бир қисмларида излаш олиб борилади, яъни жиноятчилар яшириниши мумкин бўлган жойлардагина ҳаракат қилинади.

Излашни олиб бориш қўйидаги усулларга бўлинади: бир томонлама, икки томонлама (бир-бирига қарама-қарши), йўналишлар бўйича, объектлар бўйича, участкалар бўйича, аралаш усул, ўраб олинган ёки ўраб олинмаган ҳудудда излаш.

*Бир томонлама излаш* гурухнинг бир вақтнинг ўзида белгиланган йўналиш бўйича бир томонлама ҳаракат қилишидан иборат.

*Икки томонлама излаш* куч ва воситалар керакли миқдорда бўлиб, операция ўtkазиш ҳудуди катта майдонни эгаллаганида ҳамда ҳудуддаги мавжуд табиий тўсиқлар туфайли бир томонлама излашни олиб боришнинг имконияти бўлмагандан амалга оширилади.

*Йўналишлар бўйича излашни олиб бориш* куч ва воситалар керакли миқдорда бўлмаганида, жиноятчиларнинг ва излаш гурухининг ҳудудда ҳаракат қилиши қийин бўлганида, танланган йўналиш бўйича амалга оширилади.

*Ҳудудлар бўйича излаш* аҳоли яшайдиган ҳудуднинг барча жойини текшириш зарурияти йўқлигига амалга оширилади.

*Объектлар бўйича излаш* аҳоли яшайдиган жойлардаги алоҳида уйларни, биноларни ва бошқа объектларни кўздан кечиришдан иборат.

*Аралаш излаш* усули куч ва воситалар миқдорига, ҳудуднинг хусусиятига, вақтга ва бошқа шароитларга қараб, юқорида қўрсатилган излаш турларининг барчасини ёки бир нечтасини қўллашдан иборат.

Излаш вақтида разведка олиб бориш ва жиноятчилар тўсатдан пистирмадан ҳужум қилишининг олдини олиш учун излаш гурухининг олдида ва ён қисмларида хизмат қидирав итлари билан дозор жўнатилади. Дозор асосий кучлардан қўзга қўринадиган ва ўқ отиб мадад бериш имкониятини

берадиган масофада ҳаракат қиласи. Излаш гурухининг заҳираси энг хавфли йўналишларда ҳаракатланади. Ҳудуднинг хусусияти, жиноятчиларнинг сони, ўз куч ва воситаларининг миқдорига, шахсий таркибнинг тайёрлигига, йил ва куннинг вақтига боғлиқ ҳолда излашни олиб бориша жанговар таркибнинг кенглиги қўйидагича бўлади, яъни ёпиқ жойларда – бўлинма 100 метргача, гуруҳ – 300 метргача, отряд – 800 метргача масофани эгаллади.

*Излаш тезлиги:* очик майдонларда – соатига 2–4 км., тепа пастликлардан иборат бўлган ҳудудда – соатига 1–2 км., ўрмонларда, тоғли ҳудудларда – соатига 300-600 метрдан иборат бўлади. Уни олиб бораётган бўлинмаларга излаш турига қараб ҳаракатланиш учун қўйидагилар белгиланади: бошланғич ҳудуд; бошланғич марра; излаш минтақаси ёки участкаси; ажратиб турувчи чизиқлар; текисланиш мэрралари; учрашиш мэрраси (икки томонлама излашда); якуний марра.

*Бошланғич ҳудуд* – излашда қатнашувчи бўлинмаларнинг белгиланган вақтда тўпланиши учун ажратилади.

*Бошланғич марра* – излашда қатнашувчи бўлинмалар жанговар тартибда сафланади. Бу марра ўраб олиш мэррасидан олдин тайинланади.

*Излаш минтақаси* - бўлинмалар ёппасига занжир бўлиб излаш олиб бораётганида белгиланади. Минтақаларнинг ажратиб турувчи чизиқлари яққол кўзга ташланиб турувчи мўлжаллар ва маҳаллий предметлар бўйича кўрсатилади.

*Текисланиш мэрралари* жанговар таркиби текислаш, издан чиқкан ҳамкорликни тиклаш, излашда иштирок этаётган бўлинмаларнинг вазифаларини аниқлаш ҳамда шахсий таркиби дам олдириш учун тайинланади. Текисланиш мэрраларининг миқдори излаш ҳудудининг йироқлигига боғлиқ. Коида бўйича текисланиш мэрралари ҳар 1,5–2 соатлик ҳаракатдан сўнг, ўртacha тепаликлардан иборат ҳудудларда ҳар 3–4 км.да, ўрмонларда, ботқоқлик жойларда – ҳар 2 км.да, тоғлик ҳудудларда ҳар 1,5 км.да тайинланади.

Учрашув мэрраси икки томонлама излаш олиб борилаётганда бир-бирига қараб излаш олиб бораётган бўлинмаларнинг учрашиш жойини белгилаш мақсадида тайинланади.

*Якуний марра* – излаш олиб бораётган бўлинмалар ҳудуднинг барча қисмларини кўздан кечиргандан кейин тўпланиш учун тайинланади.

**Ўраб олиш** – жиноятчиларнинг маълум бир ҳудуддан ёки маълум бир йўналишдан чиқиб кетишининг олдини олиш, уларни қўлга олиш ва йўқ қилиш мақсадида тезкор кучларнинг шу ҳудудни ўраб олиши ёки шу йўналишларни тўсишидир. Бундан ташқари, ўраб олишдан мақсад ўраб олинган ҳудудга бегона шахсларнинг киришини чеклашдан иборат.

Жиноятчилар жойлашиши мумкин бўлган ҳудудни ўраб олиш ва излаш ўтказилаётган ҳудуддан унинг чиқиб кетишининг олдини олиш учун ўраб олиш гурухи тузилади. Унинг таркиби жиноятчиларнинг сони, қуролланиши, ҳаракат усулларига, ўраб олиш ҳудудининг умумий майдонига, ўз куч ва воситаларининг микдорига, ҳудуд ва атроф-муҳитнинг қўриниши шароитларига боғлик.

Ўраб олиш операцияси уни ўтказилаётган ҳудудда жиноятчиларнинг ҳаракат қилиш эҳтимоли бўлган йўналишларни тўсиш орқали амалга оширилади.

Ўраб олиш мэрраларининг кенглиги қўйидагича:

- очиқ ҳудудда 2-3 кишидан иборат наряд-150 метргача, сонияция-500 метргача, гурух-1500 метргача, отряд-5000 метргача;
- ёпик ҳудудда 2-3 кишидан иборат наряд 25-75 метргача, сонияция-250 метргача, гурух-750 метргача, отряд-2000 метргача.

Бўлимларга ўраб олишни амалга оширишда қўйидагилар тайинланади:

- бошланғич марра;
- ўраб олиш (тўсиш) мэрраси;
- кузатиш сониятори;
- ўқотиш сониятори.

Ўрмонларга, аҳоли пунктларига, йўлларга ва тепаликли ҳудудларга олиб борувчи йўналишлар анча зич тўсилиши зарур. Куч ва воситалар етарли микдорда бўлмаганида ёки ҳудуд шароитларига кўра, ёппасига ўраб олиш имконияти бўлмаганида йўналишлар бўйича ўраб олиш амалга оширилади. Ўраб олиш гуруҳининг жанговар таркиби отрядларнинг таркиби гуруҳгача бўлган заҳираларнинг ва ўт очиш воситаларининг жанговар таркибидан иборат бўлади.

Отряд жанговар таркиби гуруҳлардан, бир ёки икки сонияция таркибидан иборат заҳирадаги кучлардан ва отряд командирининг қўл остидаги ўт очиш воситаларидан иборат бўлади.

**Қуршовга олиш** тезкор қучларнинг маҳсус операциядаги жанговар ҳаракатлирининг усулларидан бири бўлиб, жиноятчиларнинг жойлашган жойи маълум бўлганда, қўпорувчи-террорчи гуруҳларни йўқ қилишда амалга оширилади. Жиноятчиларни йўқ қилиш уларни қўлга олиш, уларга қарши хужумга ўтиш ёки ўт очиб зарба бериш орқали амалга оширилади. Жиноятчиларни қуршовга олишда бўлинмаларнинг жанговар таркиби қуршовга олиш, қўлга олиш гуруҳларидан, ҳизмат нарядларидан, ўт очиш гуруҳидан ва заҳирадан ташкил топади.

Қуршовга олиш гуруҳи жиноятчиларнинг куч ва воситаларини қуршаб олиш учун ташкил этилади.

**Қўлга олиш** гуруҳи жиноятчиларни қўлга олади ёки йўқ қиласди.

Ўт очиш гуруҳи асосан қуролланган жиноятчиларнинг йирик тўдасини йўқ қилиш учун тузилади. Унинг таркибига артилерия, танклар миномётлар киради.

**Захира** гуруҳи қуролланган жиноятчиларни йўқ қилишда тўсатдан юзага келган вазифаларни бажариш учун тузилади.

Қуролланган жиноятчиларнинг қўпорувчи-террорчи гуруҳларни бартараф қилишда кескинлик, тўсатдан ҳаракатчанлик, ҳаракатлардаги қатъийлик, бўлинмаларни мохирона бошқариш ва ўт очиш ҳамда манёврни тўғри амалга ошириш муваффакиятга олиб келади.

**Таъқиб қилиш** – бу ички ишлар органлари шахсий таркибининг ҳаракат усули бўлиб, яширинишга уринаётган жиноятчиларни қўлга олиш (бартараф қилиш) мақсадида амалга оширилади. Таъқиб қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин: бўлинма (наряд)лар билан жиноятчилар тўқнашганда ва қочишга уринганларида, қуршов вақтида ўраб олинган худуддан жиноятчилар ёриб чиққанида, излаш вақтида жиноятчилар излаш гуруҳидан қочишга уринганида. Кўпорувчи-разведка гуруҳлар қўпорувчиликни амалга оширгандан кейинги ҳаракатларини таъқиб қилишда. Қуролланган жиноятчилар маълум худудга ҳужум уюштирганида.

Вазиятга қараб таъқиб қилиш қуйидагича бўлиш мумкин, яъни кетма-кет; излар бўйича; эҳтимол тутилган йўналишлар бўйича.

Қуролланган жиноятчилар бевосита кўриниб турганда уларни кетма-кет таъқиб қилиш амалга оширилади. Агар кетма-кет таъқиб қилиш вақтида жиноятчилар бўлакларга бўлиниб, турли хил йўналишларда ҳаракат қила бошласа, таъқиб қилиш гуруҳи бошлиғи куч ва воситаларнинг миқдори ҳамда имкониятига қараб, шу йўналишларда таъқиб қилишини ташкил этади. Куч ва воситалар кам бўлган тақдирда, таъқиб бир йўналишда ташкил қилинади. Гуруҳ бошлиғи бу ҳақда ўша йўналишларда ҳаракат қилаётган қидирав нарядларига хабар қиласди ва операция бошлиғига ахборот беради.

Агар гуруҳ жиноятчиларни қўздан қочирса, унда уларнинг излари орқали таъқиб қилишни давом эттиради. Изларни йўқотмаслик учун уларни ажратиб турувчи белгиларига, шаклларига, оёқ кийимларининг изларига, қадам узунлигига, чангилар изларининг кўринишига ва бошқа белгиларига аҳамият берилиши керак.

Кўринадиган излар амалиётда уч турга бўлинади:

- инсон излари;
- транспорт воситалари излари;
- уй ҳайвонлари ва бошқа ҳайвонларнинг излари.

Изларнинг шакллари оёқ кийимиға, инсоннинг жисмоний ҳолатига, унинг бўйига, юкнинг оғирлигига боғлик бўлиб, жиноятчилар ва уларнинг излари номаълум бўлган тақдирда уларнинг ҳаракатланиши эҳтимоллари бўлган йўналишларда таъкиб қилиш амалга оширилади.

**Халқага олиш** – бу худуднинг алоҳида майдонлари ва қўчаларни асосан оммавий тартибсизликлар юз берганда уларнинг ҳаракатларини кенг тарқалиб кетишини олдини олиш учун амалга ошириладиган ҳаракат усули.

Халқага олишга ажратилган бўлинмаларнинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- операция ўтказилаётган ҳудудга бегона шахслар киришининг олдини олиш мақсадида ҳудудни ажратиб олиш (ўраб олиш);
- тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларини қўлга олиш мақсадида тўпланган оммани бўлаклаш ҳамда тарқатиш учун шароит яратиш;
- халқага олинган маррадан ёриб чиқишига ҳаракат қилаётган фаол иштирокчиларни қўлга олиш;
- халқага олинган ҳудудга киришига фаол ҳаракат қилаётган шахсларни қўлга олиб, фильтрлаш пунктларига жўнатиш;
- операция ўтказилаётган ҳудудга бегона транспортни киритмасликдан иборат.

Операция ўтказилаётган ҳудудни халқага олиш ёппасига ёки танланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Операция ўтказиш ҳудудини халқага олишда турли хил механик тўсиқлар қўлланилади.

Фуқароларнинг тартибли юришини таъминлаш, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларини аниқлаш ҳамда қўлга олиш, уларни воқеа содир бўлган жойдан қочишига йўл қўймаслик мақсадида халқага олиш чизигида жиноят-қидирав бўлими ва жамоат пунктлари жойлаштирилади. Назорат-ўтказиш пунктларининг миқдори операция миқёсига, куч ва воситаларнинг хажмига боғлик. Ҳудудни халқага олиш ички ва ташки марра бўйича амалга оширилади.

**Бўлакларга бўлиш** гуруҳи – патруль-пост хизматидан, жиноят-қидирав бўлими шахсий таркибидан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ўқув юртлари тингловчи, курсантларидан ташкил этилиб, улар босим остидаги сув ва ҳаво пурковчи маҳсус автомобиллар ҳамда бошқа техника воситалари билан кучайтирилади.

Гуруҳнинг жанговар тартиби тўрт, олти ва қўпроқ колонна бўлиб саф-ланган бўлинмалардан иборат бўлиб, зарур ҳолларда бу колонналарга маҳсус машиналар ва зирҳли техникалар билан мадад берилади. Шахсий таркиб ҳимоя воситалари, қалқонлар, маҳсус резина таёқлар билан жиҳозланади.

Бўлакларга бўлишда қуидагилар белгиланади:

- бошланғич худуд;
- бошланғич марра.

Бошланғич худуд оммани тарқатиш йўналишида (яқин жойдаги кўчаларда, хиёбонларда), ички халқадан маълум бир узоқликда белгиланади. Бошланғич марра ички ўраб олиш марраси олдида белгиланади.

Бўлакларга бўлиш гурӯҳи колонналарининг узунлиги омма тўпланган майдоннинг диаметрига teng бўлиши керак. Тарқатиш гурӯҳининг колонналари майдонга икки йўналишида бир-бирига қараб юрган ҳолда киритилиши мумкин. Омманинг тарқатиш усули худуд шароитларига ҳамда куч ва воситаларнинг миқдорига боғлиқ. Омма тарқатилиб, сиқиб чиқарилганидан кейин, ўраб олиш гурӯҳнинг шахсий таркиби эгаллаган марраларда, алоҳида кўрсатма олгунича хизматни давом эттиради.

Бўлакларга бўлиш гурӯҳлари жанговар таркиб сафида оммани сиқиб чиқаришни давом эттириб, кетма-кет кўчаларни, йўлакларни тозалашни ҳам давом эттиради.

Тартиббузарликлар бартараф этилганидан кейин бўлинмалар белгиланган тартибда шахсий таркиб қуроллари, анжомлари, техникаларининг бутлигини текшириш мақсадида вақтинчалик жойлашув ҳудудига йиғиладилар ва сўнгра ўз доимий жойига қайтиш учун сафга тизиладилар.

## **2-ўқув саволи. Махсус операцияларни бошқариш ва ҳамкорликни ташкил қилиш.**

### **Ҳамкорликнинг моҳияти ва тушунчаси.**

Ички ишлар органлари бошқа вазирлик ва идоралар бўлинмалари билан ҳамкорликда, ҳозирги шароитда ўтказилаётган махсус операцияда, тезкор штаб бошлиғи (махсус операция раҳбари) томонидан махсус операцияни ташкиллаштириш ва амалга оширишда, ҳал қилинадиган вазифалар кўлами сезиларли даражада ошди.

Махсус операция ўтказишида, иштирок этаётган барча таркибий қисмларни бошқариш жараёнига, вақт фактори ҳал қилувчи таъсир ўтказади, шу жумладан таркибий қисмлар ўртасида йўқотилган ҳамкорликни қайта тиклашга, ташкиллаштиришга, қўллаб-қувватлашга ва аниқлаштиришга.

Шу билан бирга, штатдаги, бириктирилган ҳамда ҳамкорликдаги куч ва воситалар алоҳида олинганда, ўзларининг тезкор, хизмат ва жанговар имкониятлари ягона бўлмаганлиги сабабли, махсус операция олдига қўйилган вазифани бажара олмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Вазифани муваффақиятли бажарилиши эса куч ва воситаларни аниқ келишувида, амалга оширилаётган ҳаракатларни координациясида ва ўзаро ҳамкорликни мунтазам

равища ушлаб турилишига боғлиқдир.

Шу билан бирга:

- эҳтимолий вазифаларни ўзаро билиш;
- маҳсус операция ўтказиш мобайнида биргаликдаги ҳаракатларни келишуви;
- ҳамкорлик масалаларини мунтазам равища аниқлаштириш;
- узуликсиз алоқани ташкил қилиш ва юзага келган вазият ҳақида ўзаро маълумот алмашинишни таъминлаш;
- бошқарув, хабардор қилиш, таниб олиш ва нишон қўрсатмаларини ягона тизимини яратиш;
- ҳамкорлик қилувчи органлар ўртасида яхши йўлга қўйилган ва доимий равища сақланадиган алоқалар;
- ўзаро келишилган ҳаракатлар тартиби ўстидан доимий назорат муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсус операцияда жуда қўп турли хил куч ва воситалар қўлланилади. Унда нафақат худудий ички ишлар органи ходимлари иштирок этади, балки ИИОни алоҳида ва маҳсус бўлинмалари, Қоровул қўшинларини қисм ҳамда бўлинмалари ва бошқа вазирлик, идоралар, зарурият тўғилганда авиация, ўқотиши воситалари, муқандислик ва бошқа маҳсус таркибий тузилмалар иштирок этади. Ҳар бир курашиш воситаси, ҳар бир жанговар техника, қуроллар ёки ҳар бир жанговар қисм (бўлинма), таркиби ва қуролланишига қараб, ўзига хос бир жиҳатга ва маълум бир имкониятларга эга бўлган ҳолда маълум бир вазифаларни бажаришга қодир. Аммо лекин, маҳсус операция ўтказиш жараёнида юқорида тилга олинган куч ва воситалар биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, бир вақтни ўзида ягона умумий вазифани бажариши керак. Бўлинмалар, қисм ва турли ҳил таркибий тузилмаларни қўшма ҳаракатлари мобайнида кучли жиҳатларини намоён этишлари учун улар орасида узуликсиз ҳамкорлик ташкиллаштирилиши ва таъминланиши зарур.

**Ҳамкорлик принципи** маҳсус операцияни ташкиллаштириш асосида ётиши керак.

Жанговар-хизмат вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиниши, унда иштирок этаётган ҳамма куч ва воситаларни имконияти тўлиқ қўлланиши ва улар орасида ҳамкорликни узлуксизлигига боғлиқдир.

**Ҳамкорликни моҳияти** бўлинма, жанговар қисм ва функционал гурухларни ўзаро келишилган ҳаракатларидан, қўйилган вазифа бўйича талофат етказиш воситалари, йўналишлар, марралар бўйича, вақт ва қўйилган вазифани ўз ичига олади. Муҳим йўналишда ҳаракат қилаётган ва бош вазифани бажараётган бўлинма ёки гурухлар учун биринчи навбатда

ҳамкорлик ташкиллаштирилади ва амалга оширилади. Шу билан бир вақтда бошқа иштирок этаётган кучлар ҳамда қўшнилар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик таъминланади. Қўшнилар ўртасидаги ўзаро ёрдамнинг аҳамияти замонавий кийин шароитларда кўпаймоқда.

Ҳамкорлик тартибини, тезкор штаб бошлиғи, қарор қабул жараёнида аниқлаштиради ва жанговар вазифа қўйишда, ҳамкорликни ташкиллаштиришга кўрсатма беради. Келгусида, ҳамкорлик тартибини ҳар бир саволлари, тафсилотлари билан аниқлаштирилади. Ҳамкорликни ташкиллаштиришда, тезкор штаб раҳбари билан унинг ўринbosарлари ва тезкор штаб аъзолари ҳам иштирок этадилар.

**Ҳамкорлик** – маҳсус операцияни муваффақиятли ўтказилишини мухим шартларидан биридир. Қайси жойда хилма-хил, тез ҳаракатланадиган куч ва воситаларни келишилган ҳолда қўллаш, қўйилган вазифани бажарилиш шартларидан биридир. Шунинг учун маҳсус операцияда ҳамкорликни ҳар томонлама ўйлаб ташкиллаштирилиши нафақат раҳбарнинг мажбуриятига, балки тезкор штабнинг ҳамма мансабдор шахсларини ҳам мажбуриятига киради. Айнан моҳирлик билан ташкиллаштирилган ва ҳар томонлама таъминланган ҳамкорлик, операция раҳбарининг ташкилотчилик, ўзоқни кўра билишилиги, куч ва воситаларни усталик билан бошқара олиш каби ижобий жиҳатларини намоён этади.

Ҳамкорлик маҳсус операциянинг бутун кўлами давомида узуликсиз бўлиши даркор. Хаттоки унинг кичик бир тўхталиши ҳам, жанговар гурухлар ва бўлинмалар ҳаракатига парокандалик олиб киради, натижада, ҳаракатларни унумдорлигига путур етиши мумкин, бу эса ўз навбатида асоссиз йўқотишиларга олиб келади.

Узуликсиз ҳамкорликни таъминлашда бўйсинувчи командирлар ва бошлиқларни ташаббускорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамкорликни издан чиқишини ҳамма ҳолатларида, уларнинг ўзи юқоридан алоҳида кўрсатмаларни кутиб ўтирасдан, ўзаро ҳаракатларни муюғлаштириш учун қўшнилар ҳамда тезкор штаб раҳбариюти билан алоқани тиклашлари керак.

Ҳамкорлик самарали бўлади қачонки, агар, маҳсус операцияда иштирок этаётган, ҳар бир бўлинма командири ўзининг мақсад сари қилаётган ҳаракатини, ўз бўлинмаси вазифасини, умумий вазифани, вазифани муваффақиятли бажариш усулини, ким билан, қачон, нима учун ҳамкорлик қилишини билса, ўз вақтида юқори турувчи командир (бошлиқ)ига вазият ҳақида маълумот бериб турса ва узуликсиз ҳамкорликни таъминлаш борасида ижодий ташаббускорлик кўрсатса.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларини жанговар-хизмат тайёргарлиги бўйича ўқитишида асосий эътиборни маҳсус операцияда

вазифани бажариш мобайнида ходимларда маълум бир худудда, агар шароит йўл қўймаса, худуд макетида ёки картада ҳамкорликни таъминлаш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратиш керак. Ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича ишлар, ҳамкорликдаги органларни функционал белгиланиши бўйича вазифани бажаришларида, босқичма-босқич кўрсатмалар бериш усули билан ёки бўйсинувчиларни вазифани бажаришлари бўйича кўрсатмалар бериш ва бўйсинувчиларни ахборотларини тинглаш услубида амалга оширилиши мумкин. Ҳамкорлик бўйича саволларни кўриб чиқишида, бўлинма (гурух)лар томонидан бажариладиган, вақт, вазифа ва бажариш усули бўйича келгуси ҳаракатларни энг қийин эпизодларини ўрганиб чиқиши керак.

Ҳамкорлик саволлари келишилгандан сўнг, маҳсус операцияни режалаштириш хужжатларида ўз аксини топади, хусусан, ҳамкорликни муҳим саволлари ҳамкорликни режавий жадвалида кўрсатилади. ИИО турли таркибий идоралар билан ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатларида, умумий вазифани бажариш мобайнида, ҳамкорлик масалалари, икки томонлама маъмурий-ташкилий хужжатларда регламентация қилинади. Ҳамкорлик бўйича хужжатлар юқори турувчи бошлиқни ёзма кўрсатмасига асосан, бўйсунувчи органларга ишлаб чиқилади. Режалар қоида бўйича биринчи ўринбосар томонидан имзоланади ва ҳамкорлик қилувчи бошқарув органини бошлиғи томонидан тасдиқланади. Ҳамкорлик режаси қоида бўйича матн шаклида, карта илова қилинган ҳолда ишлаб чиқилади.

### **Махсус операция жараёнида тизимларни ташкил қилиш ва ҳамкорлик бўйича вазифалар.**

Махсус операцияга жалб қилинган куч ва воситалар ҳаракатини мувофиқлаштиришни кучайтириш учун ҲТШ раҳбари томонидан **ҳамкорлик ташкиллаштирилади, қачонки:**

- махсус операция ўтказилаётган жойга ДХХ, ИИВ, МГ ва МВ ни тезкор-жанговар бўлинмалари чиққанида;
- эгаллаб олинган обьект дастлабки ўраб олинганда (оммавий тартибузарлик мобайнида тартибузарларни ҳаракатланиш йўналишини);
- ўраб олиш марралари ва назорат-ўтказиш пунктлари яратилганда;
- махсус тайёрланган мансабдор шахслар томонидан жиноятчилар ва тартибузарлар билан музокараларни олиб боришни ташкиллаштиришда.
- махсус операция ўтказилаётган хавфли зонадаги обьектдан ишчи ва хизматчиларни эвакуация қилинганида;
- махсус операцияда куч ишлатиш фазасини ўтказишга тайёргарлик кўришда;
- фильтрация тадбирларини ташкиллаштиришда;
- куч таркиблари ва органлари хуқуқдорлик ваколатига киравчи (тезкор-

қидирув, тергов, муқандис-сапёр ва ҳ.) бошқа маҳсус тадбирлар ўтказилганда.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ маҳсус операция ўтказилганда қуидаги ҲМҚОлар билан ҳамкорлик ташкиллаштирилади:**

**Мудофаа вазирлиги билан қуидаги масалалар бўйича:**

- ҳаво разведкасини олиб бориш бўйича;
- ўта мўхим обьектларни қўриқлаш бўйича;
- радиомаълумотларни ушлаш хизмати, ҳарбий контрразведка органлари, разведка бошқарувидан тезкор маълумотларни қабул қилишда;
- Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички қўшин ва органлари куч ва воситаларини бир худуддан бошқасига кўчириш учун авиациядан фойдаланишда;
- фавқулодда вазиятли ҳудудларни ўраб олишда;
- жамоат тартиби, ёнғин, йўл ҳавфсизлигини (давлат) таъминлашда;

**Ўзбекистон Республикаси ДҲХ билан қуидаги масалалар бўйича:**

- содир бўлаётган фавқулодда ҳодисалар бўйича тезкор маълумотлар билан алмашишда;
- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларни фавқулодда вазият юзага келган ҳудудда бўлишлик режими устидан назоратни амалга оширишда;
- қонунбузарлик ҳаракатлари ташаббускорлари, ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларини аниқлашда, улар томонидан қўйилган мақсадларни фош қилишда, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан ўтказиладиган тезкор тадбирларни амалга оширишда;
- содир бўлаётган воқеаларга чет эл маҳсус хизматларини, қўпорувчи диверсион-террористик марказларни ва уюшган жиноят гурухларини аралашуви ҳақида огоҳлантиришда ва уларни олдини олишда;

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия билан:**

- содир бўлаётган фавқулодда ҳодисалар бўйича тезкор маълумотлар билан алмашишда;
- фавқулодда вазиятли ҳудудларни ўраб олишда;
- қуролланган гурухларни қўлга олишда;
- оммавий тартиббузарликларни бартараф этишда;
- ЖТС пост ва патруллик хизматларини ташкиллаштиришда.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан қуидаги масалалар бўйича:**

- қонунбузарлик ҳаракатлари ташаббускорлари, ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан жиноят ишларини қўзғатиш, дастлабки тергов ва тергов ҳаракатларини олиб боришда;
- оммавий тартиббузарликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларни бартараф этишда маҳсус воситалар ва ўқ отар қуроларни қўллашда;

**Ўзбекистон Республикаси ФВВ билан қуидаги масалалар бўйича:**

- авария-кутқарув ишларини ўтказишида;
- тўпланиб қолган уюмларни тозалашида;
- ёнғинларни ўчиришида;
- ўраб олинган худудлардан аҳолини эвакуация қилишида;

**Ўзбекистон Республикаси ДБҚ, ДХХ давлат чегарасини қўриқлаш қўмитаси билан ўзаро қизиқишини тақдим қилувчи ҳуқуқдорлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича;**

**Махсус операция раҳбарининг ҳамкорликни ташкиллаштириш бўйича вазифалари.**

Ҳамкорликдаги ҳаракатни ташкил қилишида махсус операция раҳбари тартибга солиш зарур:

А) қўл остидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари куч ва воситаларининг ҳамкорликда ҳаракатланиш тартиби:

- ҳар кунги вазифаларни бажаришида фавқулодда вазиятлардаги (давлат хокимияти идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг қонунда белгиланган тарзда фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини қисман чеклаш, шунингдек уларнинг зиммасига қўшимча маълумотлар юклашга йўл қўювчи вақтинчалик жорий этиладиган махсус ҳуқуқий режимдаги);

- тезкор вазият ўзгарганда берилган ва мадат берувчи воситаларининг ҳаракатланишидаги (ҳарбий ҳолат жорий этилганида, яъни ИИО зиммасига сафарбарлик ишлари, ҳудудий мудофаа ва фуқаролар ҳимояси соҳасида, шунингдек фавқулодда ҳолат режими жорий этилганида, ички қуролли тўқнашув юз берганида ҳам алоҳида шароит юзага келгандаги);
- жиноий гуруҳлар (қуролланган жиноятчилар) тўсилган худудни ёриб чиққан ҳолдаги (таъқиб қилиш ва бартараф этишдаги).

Б) маҳаллий миллий хавфсизлик идоралари билан:

- махсус операцияни ташкил қилишдаги ва амалга оширишида (қайси махсус режа қўлланишига қараб);
- обьектларни, ўта муҳим иншоатларни, ИИБ, ИИВ, ДХХ ва бошқа биноларни қўриқлаш тизими ва усусларида; (қайси махсус режа ўтказилишига қараб);
- қўпорувчи террористик ва диний экстремистик гуруҳларни бартараф этишдаги жалб қилинувчи куч ва воситаларни тақсимлашида; (ўраб олиш, тўсиқ қўйиш, НЎЖ ташкил қилиш ва х.к.).

Ҳамкорликни ташкиллаштириб, махсус операциянинг раҳбари қуидагларни келишиб олиши лозим:

- куч ва воситаларни тўплаш тартиби ҳамда муддатини, бўлинмаларни

(тезкор махсус нарядларни) дастлабки ҳудудга (белгиланган мэррага) чиқиши, жанговар тартибни эгаллаш ва ҳаракатланиш тартибини;

- операцияга жалб қилинган бўлинмалар (тезкор-махсус нарядлар)нинг ва бошқа кучларнинг жиноятчиларни тўсиш маррасини ёриб ўтганидан кейин аниқлаб, таъқиб қилишдаги, қуролли қаршилик кўрсатгандаги ҳаракатини, шунингдек аҳоли яшаш жойларида, ўрмонда ва тундаги ҳаракатини;

- операция ҳудудидаги маҳаллий бошқарув идораларидан ва аҳолидан маълумот олиш тартибини;

- бўлинмаларнинг ва алоҳида ҳаракатланувчи нарядларнинг операция раҳбари, тезкор штаб билан алоқа ўрнатиш тартибини;

- ҳамкорликда ҳаракатланиш, бир-бирини таниш ва хабар қилишнинг ягона тизимини.

Махсус операциядаги кучларнинг муваффакияти кўп жихатдан келишилган тарзда ҳаракат қилишга боғликдир.

Кўл остидагиларга вазифа белгиланганидан кейин операция раҳбари ҳамкорликда ҳаракатни ташкил этади.

Ҳужумчи груп (кўлга олиш груп), паналаш (мадад) груп ва захирадаги грухларнинг ҳаракатларини келиширишга асосий эътиборни қаратиш зарур.

### **Шу мақсадда махсус операциянинг раҳбари кўрсатади:**

*Ҳужумчи (кўлга олиш) грухига* – кўпорувчи-террористик грухларни жойлашган жойига ҳаракатланиш учун дастлабки маррани эгаллаш муддати (вақти) ва тартиби; яширин жойларга яқинлашиш йўналиши, усули ва унга бостириб кириш, жиноятчиларни қўлга олиш (бартараф этиш) тартиби ва усуллари, шунингдек уларни яширинишга ҳаракат қилганларидаги вазифаларни.

*Паналаш грухига* – ўт очиш позицияларини эгаллаш вақти ва кетмакетлиги, никобланиш учун тадбирларни, чалғитувчи ҳаракатларни амалга ошириш усулларни; қўлга олиш груп жиноятчилар жойлашган жойга ҳаракатлантирилганда, жиноятчиларнинг яширин жойларига шахсий таркибни кириб бориш вақтидаги ўт очиш йўналиши ва тартибини; жиноятчиларни қўлга олиш (бартараф этиш) вақтида қўлга олиш грухига ёрдам бериш тартибини; жиноятчи грухлар бир томонга ёки бир неча томонга йўналиб чекинганларида беркитиш грухининг ҳаракатини.

*Захираға* – намойиш ҳаракатларини ўтказиш вақти ва жойи, жанговар тартиб грухларини кучайтириш ва уларга ёрдам бериш зарурати туғилганда шахсий таркибни тақсимлашни.

Жанговар-хизмат вазифаларини бажаришда ҳамкорликда ҳаракатларни ташкил қилиш махсус операция раҳбари ишининг энг мураккаб қисмларидан

бири ҳисобланади.

Ҳамкорликда ҳаракатни моҳирона ташкил қилиш ва ўтказишдан, махсус операциянинг муваффақияти келиб чиқади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳамкорликни таъминлаш бўйича ИИО хизмат-жанговар фаолиятини ташкиллаштириш.**

ИИИ хизмат-жанговар фаолиятини ташкил қилиниши қўйидагиларни ўз ичига олади:

- вазифани аниқлаштириш ва вазиятни баҳолаш;
- қарор қабул қилиш; бўлинмаларга вазифаларини тақсимлаш;
- ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил қилиш;
- шахсий таркибни ҳаракатларга тайёрлаш;
- моддий ва тиббий таъминотни ташкил этиш;
- операция ўтказиладиган худудга куч ва воситаларни тўплаш.

Вазифани аниқлаш ва вазиятни баҳолаш асосида махсус операцияда қатнашадиган қўшинлар ҳаракатлари учун қарор қабул қилинади.

*Вазифани аниқлаштиришида* операция бошлигининг АВСО (МВнинг ТҚҚК) бўйича ўринbosари операциянинг умумий мақсадини тушуниб етиши зарур: қачон, қайси худудда ва қайси мақсадда операцияда кучлар қўлланилиши, асосий кучларнинг тўпланиш жойи, тезкор; ва режим тадбирларининг мазмуни, операцияга қандай куч ва воситаларнинг жалб этилиши, ЖТГБни бартараф қилишда тезкор бўлинмаларнинг ўрни ва жойи.

Вазифаларни аниқлаганидан кейин операция бошлигининг ўринbosари бўлинмаларга тайинланган вазифаларни бажариш учун қандай тадбирларни тез равища амалга ошириш кераклигини аниқлайди. Шундан кейин у вақтнинг ҳисобини олади (куч ва воситаларнинг операцияга тайёрланиш, вазиятни баҳолаш ва қарор қабул қилиш, қўшин элементларига вазифалар белгилаш, операция ўтказиладиган худудда кучларни тўплаш ҳамда уларнинг бошланғич мэрраларини эгаллаш вақтларини) ва бўлинмаларни бўлажак ҳаракатларга ўз вақтида тайёр бўлишлари учун уларга кўрсатмалар беради.

*Вазиятни баҳолай туриб* операция бошлигининг ўринbosари вазифани бажаришда қандай омиллар енгиллик ёки қийинчилик туғдиришини аниқлайди.

Шу мақсадда у қўйидагиларни ўрганади ва баҳолайди:

- оммавий тартибсизлик қатнашчиларининг ҳаракатларидағи хусу-сиятлар;
- ўз бўлинмаларининг имкониятлари ва ҳолатини;
- ички ишлар идоралари хизматлари ҳаракатларининг хусусиятлари;
- маҳаллий аҳоли;
- атроф-муҳит;
- метеорологик шароит;

- йилнинг ва куннинг вақтини.

#### ***Қарор қабул қилишида қийидагилар аниқланади:***

- ҳаракатларнинг мақсади (ҳаракатлар ҳудуди, вазифалар қўйиш ва уларни бажаришнинг кетма-кетлиги, ҳаракатланиш усуллари, жалб этилувчи куч ва воситалар, жанговар тартибининг тузилиши, асосий кучларининг тўпланиш жойи);
- операцияга тайёр бўлиш вақти;
- махсус бўлинмаларининг вазифалари;
- қуроллар, жанговар техникалар, махсус воситалар ва транспортларни қўллаш тартиби;
- бўлинмаларнинг ўзаро қўшни бўлинмалар билан ҳамжиҳатлиқда ҳаракатланиш тартиби, ҳамжиҳат ҳаракатланишни ташкил қилиш сигналлари;
  - шахсий таркибни маънавий-руҳий тайёрлашга оид вазифалар, операцияни ҳар томонлама таъминлаш, бошқариш ва алоқани ташкил қилиш;
  - қўмондонлик кузатиш жойининг қаердалиги.

#### ***Жанговар буйруқда қийидагилар акс эттирилади:***

- 1) вазиятни баҳолашдан келиб чиқсан қисқа хуносалар (тартиб-бузарликлар қатнашчиларининг жойлашган жойи, ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар);
- 2) тезкор ҳарбий кучларнинг вазифаси;
- 3) қўшни бўлинмалар ва ҳамкорлик қилаётган кучларнинг вазифалари, катта тезкор бошлиқнинг режим тадбирлари бўйича олиб бораётган ишлари;
- 4) операцияда қатнашувчи тезкор ҳарбий кучлар ҳаракатларининг режаси;
- 5) «Буюраман» сўзидан кейин кучлар бирлашмасидаги ҳар бир элементларга қўйиладиган вазифалар (ўраб олиш, тарқатиш, қўлга олиш, қўриқлаш, махсус воситаларни қўллаш ва захира гурухларига);
- 6) қуроллар, махсус воситалар ва жанговар техникаларни қўллаш тартиби, хавфсизлик чоралари;
- 7) ҳаракатларга тайёр бўлиш вақти;
- 8) ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этиш сигналлари;
- 9) қўмондонлик кузатиш жойининг жойлашиш жойи ва вақти, маълумотларни, етказиш муҳлатлари.

Фильтрлаш ва назорат ўтказиш жойларига вазифаларни операция бошлиғи тайинлади. Жанговар буйруқ берилганидан сўнг, ҳамжиҳатлик ташкил қилинади (операцияда қатнашувчи барча бўлинмалар ўзаро вақт, мақсадлар ва жойлар бўйича келишадилар).

Ҳозирги шароитда қўшни давлатлардаги яъни Қирғизистондаги бўлиб ўтган оммавий тартиб бузарликлардан келиб чиқсан ҳолда бизнинг

Республикамизда бу холатни олдини олиш мақсадида «Вал» махсус режаси бўйича мисол келтириб ўтамиз.

Ички ишлар идоралари махсус (АВБСО) кучлари операция бошлигининг буйруғи асосида тайинланган вазифаларни бажаришга киришадилар. Операция бошлигининг тезкор махсус (ҳарбий) кучлар бўйича ўринbosари буйруқ олганидан кейин, биринчи навбатда, ўраб олиш гурухларига ҳаракатларни бошлаш учун қўрсатма беради. Бу қўрсатма бўйича ҳалқага олиш бўлинмалари олдиндан белгиланган йўналишларга қўра, бошланғич худуддан ўраб олиш мэррасига (ички ва ташқи мэррага) қараб ҳаракатлана бошлайдилар. Белгиланган мэрраларга чиққанларидан кейин шахсий таркиб занжир ҳосил қилиб, кўчаларни тўсади. Бунда зарурат бўлганида, автомобиллардан ва олиб юрилувчи тўсиқлардан фойдаланилади (ЁЖ).

Белгиланган ҳалқага олиш мэрраларини омма эгаллаб олганда, занжирлар оломондан 10-15 метр узоқликдаги масофада жанговар тартибини эгаллайдилар ва бўлинмалар командирлари ўраб олиш гурухи командирига бу ҳақида ахборот берадилар. Ҳалқага олиш мэрралари эгаллангандан кейин, бўлинма командирлари ўз шахсий таркиблари учун вазифаларни аниқлайдилар, бўлинма ичидаги ва қўшнилар билан ҳамжиҳатлик қилиш масалаларини ойдинлаштириб, бу ҳақида ўраб олиш гурухи бошлиғига ахборот берадилар. У эса ўз навбатида, операция бошлиғига вазифани бажаришга тайёр эканликлари ҳақида ахборот беради.

Ҳалқага олиш якунланганидан кейин, жамоат тартибини бузувчиларга тартибсизликларни тўхтатишга чақирилиб, қўйидагича мурожаат қилинади: *«Халойиқ, дикқат! Сизларга Ички ишлар бошқармаси бошлиги полковник Қобулов мурожсаат қилмоқда. Сизлар ўз ҳаракатларингиз билан жамоат тартибини бузяпсиз. Сизларни жиноятчилар ва ашаддий безорилар йўлдан урмоқдалар. Тартиббузарликларни тез тўхтатиб, тарқалишингизни таклиф қиласман. Бизнинг қонуний талабларимизга бўйсунмасангиз, мен майдонга тезкор махсус куч ва воситаларнинг киритилиши ҳақида буйруқ бераман. Бу ҳолатда эса барча жавобгарлик сизнинг ҳар бирингизнинг зимманизга тушиди».*

Ҳалқага олишнинг ташқи мэррасида турган занжир фуқароларнинг ўраб олинган худудга киришларига йўл қўймайди ва ҳалқага олинган худуд ичкарисида бўлинмаларнинг манёвр қилишини таъминлайди.

Операция бошлигининг буйруғига биноан, тарқатиш гурухи жанговар тартибга сафланган ҳолда, ўраб олиш мэррасидаги белгиланган йўналишларда ҳаракат қиласмида ва оломонни бўлакларга бўлиб ташлайди. Шахсий таркибнинг ҳаракатлари фаол ва қатъий бўлиши талаб қилинади, лекин жисмоний куч

қўпол равища қўлланмаслиги керак. Охирги маррага етилганда ёки қарама-қарши ҳаракатланаётган бўлинма билан учрашилганда тарқатиш гурухининг шахсий таркиби сиқиб чиқариш кўзда тутилаётган йўналишга бир ёки икки шеренға шаклида бурилади, гурух командирининг сигналидан сўнг, оломонни ўраб олиш мэррасидан сиқиб чиқариш учун ҳаракатни бошлайди. Сиқиб чиқариш натижасида ҳосил бўлган «йўлакларга» оммани янада майда гурухларга парчалаш учун қўшимча кучлар киритилиши мумкин.

Агар оммавий тартибузарликлар ўт қўйиш, талафот етказиш, биноларни бузиш қўринишида давом этаётган бўлса, тарқатиш гурухи оммани хужум қилаётган обьектлардан қайтаради ва алоҳида гурухларга бўлиб ташлайди. Тарқатиш гурухи қаторларидан ёриб ўтишга улгурган оммавий тартибузарликларнинг алоҳида қатнашчилари тарқатиш гурухининг «йўлак»да жойлашган захираси томонидан ушланади ва кузатиб бориш гурухи нарядларига топширилади. Суғуриб олиш гурухи вазиятга қараб тарқатиш гурухи билан бирга ёки улар томонидан «йўлаклар» ҳосил қилинганидан кейин киритилиши мумкин.

Тезкор хизмат ходимларининг бошқаруви остидаги бу нарядлар тартибузарликларнинг ташкилотчиларини ва фаол қатнашчиларини ушлайдилар, улар тарқатиш гурухи қаторлари орасидан ёки маҳсус ҳосил қилинган «йўлаклар»дан олиб ўтилади ва фильтрлаш жойларига олиб бориш учун кузатиш гурухига топширилади. Жисмоний қаршилик кўрсатаётган фаол қатнашчиларни қўлга олишда резина таёқларини қўллаш мақсадга мувофиқдир, қўлга олиш гурухини тўсиб турувчи (химоя қилувчи) ходимларни эса қалқонлар билан куроллантириш ўринлидир.

Тартибузарликлар иштирокчиларининг ҳаракатларини сусайтириш, фаол қатнашчиларини қўлга олиш гурухи томонидан ушланишига енгиллик яратиш мақсадида операция бошлигининг рухсатига биноан «Черёмуха» маҳсус кимёвий воситалари қўлланилиши мумкин. Маҳсус кимёвий воситалар кўлланилганда, қўлга олиш гурухи газдан химояланиш воситалари (противогазлар) кийиб, омма орасига суқилиб кирадилар ва тартибузарликларнинг қатнашчиларини қўлга оладилар.

«Черёмуха» маҳсус кимёвий воситаларини қўллаш гурухи алоҳида кичик гурухлар шаклида ҳаракат қиласидилар. Маҳсус воситаларни қўллаш тартиби тезкор вазиятга қараб белгиланади. Маҳсус воситалар қўлланган барча ҳолларда тезкор маҳсус кучлар ўз ҳаракатларини фаоллаштиришлари зарур. «Черёмуха» воситаларини қўллашдан олдин тартибузарлар овоз ёки овозни кучайтирувчи техника воситалари орқали огоҳлантирилади. Огоҳлантиришдан кейин маҳсус воситаларни қўллаш гурухи командирининг буйругига кўра, кичик гурухлар тарқатиш гурухи қаторлари орасидан ўтади ва белгиланган

жойларга (марраларга) ёйилиб, махсус воситаларни қўллайдилар ҳамда шундан кейин бошлангич маррага қайтадилар. «Черёмуха» махсус воситаларини қўллаш гурухи жиддий жароҳат олган шахсларга ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминланади. Бу воситаларга икки процентли ичимлик содаси суюқлиги, бўр кислотаси, нашатир спирти ва ичиладиган сув киради.

Операцияга жалб этилган *ёнғинни ўчириши* бўлинмалари ёнғинларни ўчириш, оммани ҳужум қилаётган обьектлардан қайтариш ва тарқатишда иштирок этади.

Ҳалқага олиш ички маррасида, назорат ўтказиш жойи олдида ёки омма парчалангандан кейин ҳосил бўлган «йўлак»да жойлашган *кузатиш гуруҳининг* нарядлари ушланганларни қўлга олиш гурӯҳидан қабул қилиб, махсус автомашиналарда фильтрлаш жойига олиб борадидар. Махсус автотранспортларнинг юриш йўналишлари одам камроқ кўчалардан ўтиши керак. Транспорт воситаларининг микдори кам бўлган ёки фильтрлаш жойи узоқда жойлашган ҳолларда, ушланганларни бир жойга тўплаб ва гурух-гуруҳ қилиб, сўнгра фильтрлаш жойларига олиб борилади. Операция ўтказилаётган худуд атрофида ва ҳалқага олинган жойда жамоат тартибини сақлаш *патруль гуруҳи* нарядлари томонидан амалга оширилади.

*Вазифалар бажарилгандан кейин* тезкор ҳарбий кучларнинг бўлинмалари қуролларининг, махсус техникаларининг микдорини, ҳолатини. текшириб кўриш учун белгилангандан худудга тўпланадилар. Доимий жойлашиш жойларига ҳаракатланиш учун тадбирлар ташкил этилади.

Махсус воситалар қўлланилган худудда бўлган ходимлар, тиббий назоратдан ўтказилиб, жароҳат олганларига эса тиббий ёрдам кўрсатилади, Операция бошлиғи ва унинг ўринбосари тезкор ҳарбий кучларга киравчи гурухлар қўмондонлари билан биргалиқда операциянинг қай даражада олиб борилганини, ҳаракатлардаги ижобий ва салбий кўрсаткичларни, ижрочиларнинг ҳаракатларини таҳлил қиласидар. Операция натижалари бўйича юқори турувчи бошлиққа ахборот берилади.

**Хуроса:** Хурматли тингловчилар! Бугунги маъruzamiz давомида махсус операция тушунчаси, турлари ва босқичлари, операцияларни ўтказиш давомида шахсий таркибининг тактик ҳаракатлари тўғрисида назарий билимларга эга бўлдик. Ушбу олинган назарий билимларни амалий кўникмалар билан шакллантириш мақсадида идоравий норматив ҳукуқий ҳужжатларни ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида келгуси машғулотларга тайёргарлик кўриш лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. Махсус операция тушунчаси, турлари ва босқичларини ўқиб конспектлаштириш;
2. Операцияларни ўтказиш давомида шахсий таркибнинг тактик ҳаракатларини ўқиб ўрганиш;
3. Тезкор штаб аъзоларини ҳамда операцияга жалб этиладиган гурухларнинг вазифаларини ўқиб конспектлаштириш.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг қайси режасига асосан гаровдагиларни озод қилиш ва террорчиларни қўлга олиш махсус операцияси амалга оширилади?
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг қайси режасига асосан табиий, техноген, биологик ва экологик хусусиятли табиий оғатлар, авариялар оқибатларини олдини олиш амалга оширилади?
3. Кимнинг буйруғига асосан ўраб олиш гурухи белгиланган мэрраларини эгаллаб, ҳудудни ўраб олади?
4. “Тўсиб ушлаш” оператив режаси ким томонидан эълон қилинади?
5. “Тўсиб ушлаш” режасини эълон қилиш вақтида жиноят содир этилганлиги тўғрисида олинган хабар, унинг содир этилган вақти неча соатдан ошиб кетмаслиги лозим?
6. ИИВнинг оммавий тартибузарликларни олдини олиш тезкор режаси бўйича таҳлил ва таклифлар тайёрлаш гурухнинг вазифаларини айтиб беринг?
7. ИИВнинг оммавий тартибузарликларни олдини олиш ва бартараф тезкор режаси бўйича “Фильтрлаш пункти”нинг вазифаларини айтиб беринг?
8. ИИВнинг оммавий тартибузарликларни олдини олиш тезкор режасига асосан “Оператив (тезкор)” гурухнинг вазифаларини айтиб беринг?
9. Қайси ҳаракатлардан сўнг махсус операцияни бошлиш мумкин?
10. Қайси турга тегишли бўлишидан қатъий назар ҳар бир махсус операция неча турдан иборат?

## **2.5-МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎҚ ОТАР ҚУРОЛЛАРДАН ОТИШ КУРСИНИНГ МАЗМУН - МОҲИЯТИ.**

(Маъруза – 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

- 1-ўқув саволи: Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалар.
- 2-ўқув саволи: Отиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш.
- 3-ўқув саволи: Отиш машғулотларини ўтказиш вақтида хавфсизлик қоидалари.

### **1-ўқув саволи: Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалар.**

Отиш курси ички ишлар органларида хизмат қилаётган сафдор, сержант ва офицерлар таркибидаги ходимлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига ўқотар қуролларни хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳамда маҳсус ҳаракатларда оҳирги зарурат сифатида қўллаш, ундан моҳирона фойдаланиш ҳамда амалий кўникмаларини баҳолаш учун мўлжалланган.

**Отиш курсининг асосий мақсади** – ички ишлар органларида юқори жанговар тайёргарликка эга ходимларни тайёрлашдан иборатdir.

### **Отиш курсини ўзлаштирилиш қуидагилар орқали амалга оширилади:**

- бўлинмалар билан комплекс машғулотларни сифатли ўтказиш ва барча турдаги ўқотар қуроллардан амалий отиш машқларини бажариш имконини берадиган замонавий ўқув моддий база (полигонлар, отиш майдонлари ва жанговар отиш тирлари)нинг мавжудлиги;
- машғулот раҳбарларининг юқори методик тайёргарлиги ва ўқ отиш машқларини режалаштиришда замонавий методлардан фойдалана олиши;
- ўқ отиш машғулоти раҳбарларининг юксак профессионал ва услубий тайёргарлиги;
- таълим жараёнида ўқув машқ воситаларидан самарали фойдаланиш;
- ходимлар томонидан отиш асослари ва қоидалари, қурол-аслаҳа, ўқдори, кузатиш асбобларини таркибий қисмлари ва жанговар хусусиятларини бўйича билимларни пухта ўзлаштириш;
- қуролларни отишга тўғри тайёрлаш ва ҳар қандай вазиятда нишонларни тезда аниқлаш ва унга талофат етказишни мукаммал билиш;
- отиш вазифаларини бажаришда бўлинма шахсий таркибининг ҳаракатларини ҳамжиҳатлиги;
- машғулотлар давомида шахсий таркибининг доимий ва муайян мақсадга йўналтирилган руҳий тайёргарлиги;

- отиш машқи шартлари, машқ бажариш тартиби ва хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиниши;

- ўқотар қуроллардан моҳирона фойдаланиш, техник ҳолатини текшириш, баҳолаш, қуролдан отиш машқларини ва тўғри отишни бажариш усулларини такомиллаштириш.

### **Отиш курсини ўзлаштиришга оид ташкилий-услубий кўрсатмалар ва отиш машғулотини ўтказишнинг умумий тартиби**

Ўқув (назорат) отиш машқлари давомида ўқув жойларида қўшимча машғулот (машқ)лар ташкил этилади. Ўқув жойлари ва ўтказиладиган машғулотлар мазмуни машғулот раҳбари (бўлинма раҳбари) томонидан белгиланади.

Отиш машғулотига раҳбарлик қилиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, отиш мобайнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, отиш машғулотларига қуидаги таркибда масъуллар тайинланади:

- ўқ отиш машғулоти катта раҳбари;
- ўқ отиш машғулотининг ўқув нуқталари ва жойлари бўйича раҳбарлари;
- кузатув гуруҳи бошлиғи ва шахсий таркиби (очик жанговар отиш тирлари ва дала ўқув майдонларида);
- навбатчи шифокор (фельдшер), шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тўплами
- ва тез ёрдам автомобили билан;
- жанговар таъминот пункти бошлиғи;
- ўқ-дорилар тарқатувчиси;
- қурол-аслаҳа техник устаси;
- навбатчи автотранспорт ҳайдовчиси;
- тунда ўқ отиш машғулотлари ўтказилса, нишонлар майдонини ёритиш пости.

Жанговар қуролдан амалий ўқ отиш машқларини бажаришдан камида бир кун олдин, шахсий таркиб билан мазкур курснинг 4-иловасидаги “Отиш машғулотларини ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари”, шунингдек, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларнинг жанговар хусусиятлари, таркибий тузилиши, амалий отиш машқларини ўқув қуроллари (ўқув пистолет, автомат ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда патронсиз (ўт очишга тайёрланиш, ўт очишни амалга ошириш ва ўт очишни якунлаш) бажариш тартиби юзасидан синовлар қабул қилинади.

Синов топширмаган ходимларга жанговар қуролдан амалий ўқ отишга ва ушбу машғулотларда қатнашишга рухсат берилмайди.

Жанговар қуроллардан амалий ўқ отиш машғулотлари шахсий таркибнинг сони 70 фоиздан кам бўлмаган тақдирда ўтказилади ва барча ходимлар ўзига бириктирилган шахсий табель қуролидан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Жанговар отиш (очиқ ёки ёпиқ) тири ва дала ўқув майдонларида жанговар отиш машқлари, шунингдек, маҳсус-тактик машғулотларга тайёрлаш тадбирлари полигон ҳамда ички ишлар органи ихтиёридаги куч ва воситалар билан амалга оширилади.

Ушбу обьектлар ўз вақтида сифатли тайёрланиши учун жавобгарлик полигон бошлигининг зиммасига, полигон таркибига кирмаган отиш обьектларининг тайёрланиши учун жавобгарлик эса тегишли ички ишлар органининг раҳбари зиммасига юкланди.

Отиш машғулотлари бошланиши (ўтказилиши)дан камида 3 кун олдин ички ишлар органи бошлиғи раҳбари полигон бошлиғига нишонлар майдонини тегишли машқ шартларига мувофиқ тайёрлаш бўйича талабнома тақдим этади.

Объектларни отиш машғулотларига тайёрлаш бўйича барча тадбирлар отишга камида бир соат қолганда, шунингдек, жанговар отишлар ва жанговар отиш билан ўтказиладиган тактик ўқувлар учун нишонлар майдонини тайёрлаш ишлари отувчи бўлинма раҳбарлари жойида ишлашни бошлаши билан тугатилади.

*Кўйидаги ҳолатларда нишон яксон этилган деб ҳисобланади:*

- доиралар юритилган нишон – агар ушбу нишон сиртида тўғридан-тўғри теккан ўқ изи кўринса. Бунда, доира чизигига теккан ўқ изи отувчи фойдасига ҳисобланади;

- отиш машқлари давомида фойдаланган нишонлар гуруҳи (бир неча нишонлардан ташкил топган нишон) таркибида камида битта нишонга шикаст етказилган бўлса.

Жанговар қуролдан амалий ўқ отиш машғулотлари учун масъул раҳбар Вазирлик таркибий тузилмалари ва худудий бўлинмаларининг Касбий тайёргарлик бўлинмалари масъул ходимлари, туман (*шаҳар, тармоқ*) ички ишлар органи бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари (катта инспектор методистлари билан бирга), таълим муассасаларида эса “Ўқ отиш тайёргарлиги” фани бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги ходимлар ҳисобланади.

Ўқув жойларини алмаштириш машғулот раҳбарининг алоҳида командасига асосан амалга оширилади.

Машғулот якунида машғулот раҳбари ўқув жойида якуний хулоса қилиши, кўриб чиқилган саволлар бўйича ходимларни амалий отиш натижаларига кўра, ҳар бирини баҳолаши лозим.

Машғулот раҳбари ўтказилган машғулотни таҳлил қилишдан олдин шахсий таркиб, қурол-яроғ сони, уларнинг ўқизлантирилгани, моддий анжомларни текшириб, сарфланмаган ўқ-дориларни топширишга буйруқ беради.

Шундан сўнг машғулот раҳбари машғулотда қўзланган мақсадга қай даражада эришилганлигини маълум қиласди ҳамда ходимларнинг баҳолари ва фаол қатнашганларни эълон қиласди, натижаларга кўра ўз устида ишлашлари бўйича вазифа ва топшириқлар беради.

Доимий жойлашув пунктига етиб келгач, касбий тайёргарлик машғулотларини ҳисобга олиш журналини (таълим муассасаларида гурух журналини) ҳамда тегишли ҳужжатлар (ўқ-дорилар сарфи бўйича қайдномалар ва бошқалар)ни расмийлаштириб, отиш машқи ўтказилганлиги хақида бевосита раҳбарига ахборот беради.

Ўт очиш машқи бир нечта ўқув жойларида ўтказилиши мумкин. Бунда, ҳар бир ўт очиш машқида отишни ўргатиш бўйича тайёрлов машқлари учун (доимий) жой кўзда тутилган бўлиши шарт. Колган ўқув жойлари доимий бўлмай, отиш машқидан қўзланган ўқув мақсадлар мазмуни, ходим ларнинг тайёргарлик даражаси ва савияси ҳамда отиш жойининг жиҳозланишига кўра ўзгартириб турилиши мумкин.

*Машғулотларни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун қуидаги жиҳозланган ўқув жойлари бўлиши лозим:*

- отиш машқларини бажариш, жанговар отиш машғулотини ўтказиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;
- қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, патронларни ўқдонга жойлаш бўйича меъёрларни машқ қилиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;
- қуролнинг нишонга олиш мосламаларини нормал ҳолатга келтириш, қуролнинг отиш қобилиятини текшириб, жанговар ҳолатга келтириш учун ростлаш нишонининг мавжудлиги;
- қўл гранатасини улоқтиришни ўргатиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;
- қуролнинг таркибий қисмларини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув жойлари.

Кичик калибрли (пневматик) қуролдан отиш учун мўлжалланган алоҳида ўқув жойини (одатда, тирда) тайёрлашга рухсат берилади.

Ўт очиш машқларининг умумий мазмуни, яъни ўқув жойини танлаш масаласи шахсий таркибни тайёргарлигидан келиб чиқиб, ўқув саволлари, отиш

майдонида мавжуд моддий таъминот ва унинг ҳолати машғулот раҳбари томонидан белгиланади.

Ўтказиладиган ўт очиш машқининг режасида ушбу машқ мавзуси, уни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўтказиладиган вақти, жойи, моддий таъминоти, машқ турлари ва мазмуни кўрсатиб ўтилади.

Ўт очиш машқини ўтказаётган машғулот раҳбари зиммасига мавзу мазмуни, отиш тайёргарлигига оид ўқув қўлланма ва йўриқномаларда баён этилган талабларни пухта ўзлаштириш, шунингдек, ўт очиш машқини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун раҳбарга тақдим этиш мажбуриятлари юклатилади.

Шахсий таркиб отиш машқлари ўтказиладиган жойга етиб келгач, машғулот раҳбари қурол-аслаҳаларни кўриқдан ўтказади, шундан сўнг машғулотнинг кириш қисмида мавзу ва уни мақсади, ўқув жойлари ва уларни алмаштириш тартибини эълон қилиб, хавфсизлик қоидаларини эслатиб ўтади.

Бажариладиган меъёрлар ва уларнинг ижроси учун белгиланадиган баҳолар эълон қилинади.

Ўт очиш машқининг асосий қисми ўқув жойларида ўтказилиши ва машқ учун ажратилган вақтнинг 90 фойзини эгаллаши шарт.

Амалий ўқ отиш машқининг ёки қуролларни қисмларга ажратиш ва иифиши бўйича меъёрларнинг бажариш тартиби машғулот раҳбари (машғулот раҳбарининг ёрдамчиси) томонидан шахсан кўрсатиб берилади. Ушбу ҳатти-ҳаракатлар дастлаб қисмларга бўлиб, сўнг яхлит, талаб этилган суръатда кўрсатилиши шарт.

Машқнинг якуний қисмида машғулот раҳбари ўтказилган ўт очиш машқини таҳлил қиласи. Бунда, ходимлар томонидан машқ ва меъёрларни бажариш давомида амалга оширилган ҳаракатларга баҳо бериб, хато ва камчиликлар, уларни келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш усувларини етказиб, вазифалар белгилайди.

Бажариладиган барча амал, ҳатти-ҳаракат ёки машқлар ходимлар томонидан дастлаб элементлар бўйича, сўнгра ўзлаштирилиб, ижроси таъминланади.

Шахсий таркибнинг тегишли ҳатти-ҳаракатларни мустақил бажара олиш ва психологик жиҳатдан бардошлилик сифатини тарбиялаш мақсадида ўт очиш машқи давомида турли ташқи таъсирлар юзага келтирилиши, нишонларнинг хусусиятлари, пайдо бўлиш жойи ва вақти тез-тез ўзгартириб борилиши, душман томонидан отилган ҳолат ва шу каби, никобланиш ҳолати ўзгартирилган вазият намоён (имитация) қилиниши мумкин.

Ўт очиш машқи сутканинг ҳар хил вақтида, нокулай об-ҳаво ва кўриниши чекланган (тумандан ташқари) шароитларда ўтказилиши, машқ

давомида шахсий таркибга бериладиган жисмоний юклама ошириб борилиши тавсия этилади.

## **2-ўқув саволи: Отиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиши.**

Дастлабки ҳолат, ўт очишни бошлаш ва тўхтатиш марралари норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгиланади ва жиҳозланади.

Ўқотар қуролдан отишда ўт очиш марраси (позицияси) дастлабки маррадан пистолетлар (ПМ, АПС, ГЛОСК ва бошқа) учун камида 3-4 метр, автоматлар (АК, АКМ, 9А-91 ва бошқ) учун камида 10 метр, пулемёт қурилмаларидан отишда камида 30 метр узоқликда белгиланади.

Бўлинмалар дала отиш майдонларига отиш машғулоти бошланишидан камида 30 дақиқа олдин етиб келиши лозим. Бу вақтда ўқув жойларида машғулот ўтказишнинг ташкилий ишлари ўтказилади, нишонлар кўздан кечирилади, отиш майдонининг жиҳозланиши, машғулот раҳбарининг ўқув нуқталари ва отиш машғулоти ўтказиладиган жойлар билан алоқаси, шунингдек, қурол-аслаҳалар ва қуролларнинг отиш машғулоти учун шайлиги текширилади ҳамда ходимларга тегишли вазифалар қўйилади.

Амалий ўқ отиш бўйича машғулотларни ўтказиш вақтида қўйидаги тартибга қатъий риоя қилинади:

Машғулот бошланиши билан машғулот раҳбари:

машғулот мавзусини, машғулот ўтказишдан кўзланган мақсадлар ва уни олиб бориш тартибини маълум қиласди;

ходимларнинг отиш курсини асосий қоидалари, ижро этилаётган машқ шартлари ва хавфсизлик талаблари юзасидан билимини текширади, уларга метеорологик маълумотларни етказиши мумкин;

вазифаларни қўйиб бўлгандан сўнг, бўлинма (гурух)ларга кўрсатилган ўқув жойларини эгаллаш командасини беради.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг машқни бажариш давомидаги ҳаракатларини кузатади. Унга отувчиларнинг ҳаракатларига, агар улар хавфсизлик талабларини бузмаётган бўлсалар, аралашиш тақиқланади.

Бўлинма (гурух)нинг отиш машғулоти тугаллангач, машғулот раҳбари гильзаларни тўплаш, қуролларнинг жанговар ҳолати, патрон кутилари, ўқдонлар ҳамда ўқдон ва гранаталар солинадиган сумкаларни текширишни буюради.

Қуролларнинг ўқсизлантирилганлиги текширилиб, зарур ҳолларда нишонларни кўздан кечиради, сўнгра ходимларга амалий отиш натижаларига кўра қўйилган баҳолари эълон қилинади.

Амалий ўқ отиш машғулотларини отиш майдонининг битта ўқув нуқтасида ўтказиши вақтида ҳам, машғулотни бир неча ўқув нуқталарида ўтказилгани каби тартиб-қоидаларга риоя қилинади.

Амалий ўқ отиш машғулотлар тунда ташкил этилганда ёки ўтказганда унга қуидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

- дастлабки ва ўт очиш маррасидаги байроқлар фонарларга (отиш вақтида – қизил, отиш тўхтатилганда ёки танаффус вақтида – оқ рангдаги) алмаштирилади;

- нишонлар жойлаштирилган майдонлар ичкарисидаги ҳар бир участкага отишнинг асосий йўналишини кўрсатувчи, яшил рангда нур берувчи ёритгич билан жиҳозланган тўғри тўртбурчак шаклидаги белги, ён томонларга отишнинг хатарли чегараларини кўрсатиб берувчи қизил рангда нур берувчи ёритгич билан жиҳозланган учбурчак шаклидаги белгилар ўрнатилади;

- ҳар бир ҳаракат йўналишида отувчининг ҳар бири учун дастлабки ҳолатга – оқ рангдаги, ҳар бир ўт очиш маррасидаги ўт очиш позициясига кириш жойининг ўнг томонига – қизил рангдаги, ўт очишни тўхтатиши маррасига эса – кўк рангдаги ёритгичлар қўйилади;

- тунда жойдан отиш машқлари ўт очиш маррасидан ёки машғулоти раҳбари тайинлаган маррадан (позициясидан) туриб, “Ўт оч!” сигналидан сўнг бошланади.

Агар отиш машғулоти вақтида туман тушганлиги, қор, ёмғир ёқсанлиги ёки кучли чанг-тўзон кўтарилиганлиги, шунингдек, сувда юриб (сузиб) бораётган ҳолатда отишда тўлқин баландлигидан нишонга уриш чизиги кўринмаса, машғулот (ўқув нуқтасидаги отиш машғулоти) раҳбари ёки катта раҳбар (бошлиқ)нинг қарорига биноан отиш машғулоти тўхтатилади.

Ўқ-дорилар сонини машқлар шартида кўрсатилганидан ортиқ кўпайтириш, шунингдек, бошқа енгиллаштириш ёки соддалаштиришлар тақиқланади. Агар машқларни енгиллаштириш ва соддалаштиришларга йўл қўйилса, отиш машғулоти дарҳол тўхтатилиб, бундай камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

*Кўйидаги ҳолларда яксон қилинган нишонлар сонидан қатъий назар, отиш машғулоти “Қониқарсиз” деб баҳоланади:*

- отувчи ўт очишни тўхтатиши маррасига чиққандан кейин ўқ узган бўлса;
- ҳаракатдаги отиш машқларини бажаришда ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўхташни амалга оширган бўлса;
- отувчи машқларни бажаришда хавфсизлик чораларини бузган бўлса;
- хавфли йўналишлар чегарасидан ташқарига ёки блиндажларга (байроқ, ёритгич осилган) ўт очган бўлса;
- ўт очиш маррасига чиқмай туриб ўт очган бўлса;

“Машқ тамом” сигнали (“Тұхта!”, “Үт очишиң тұхтат!”) командаси берилганиңа ҳамда блиндажларда оқ рангдаги байроқ (ёритгіч) күтарилиганиңа қарамай ёки қурол стволи құм тепалигига (түсиққа) туширилғандан кейин ҳам отишиң давом эттирган бўлса.

Күйидаги ҳолатларда отиш машқлари такроран бажарилади (тўлиқлигича ёки қолган ўқ-дорилар билан):

- машқларни бажариш вақтида отиш машғулоти олдидан аниқлаш ва машғулот вақтида бартараф этишнинг имкони бўлмаган, носозлик ва тўхталишларга йўл қўйилган бўлса;

- нишонлар жиҳозларининг ишдан чиқиши сабабли отиш машғулоти олиб борилмаган ёки тўхтатилган бўлса;

- отиш жараёнида нишон белгиланган вақтдан олдин бекилиб қолган (ийқилиб тушган) ёки қулаб тушган (вайрон бўлган) бўлса, лекин уни кўздан кечиришда яксон қилингандиги исботланмаса, ходим унга сарфланиши керак бўлган отиш машғулоти ўқ-дориларни тўлиқ сарфлаб бўлмаган бўлса.

Ходимнинг ўз билан боғлиқ равища ўқ-дориларини тўлиқ сарфламаган бўлса, машқ бажарилиши нишонларнинг яксон қилиш натижаларига кўра баҳоланади.

Такрорий отиш машғулотининг тартиби отиш машғулоти раҳбари (отиш машғулотининг катта раҳбари) ёки текширувчи томонидан белгиланади. Такрорий отиш машғулотида машқ тўлиқлигича ёки қолган ўқ-дорилар билан такрорланаётганидан қатъий назар машқ шартларида назарда тутилган барча нишонлар бошқа вариант бўйича кўрсатилиши мумкин. Сўнгги ҳолатда ходим биринчи отиш машғулотида ўт очиши олиб бормаган нишонларга отади, қолган нишонларга фақат отишни ифодаловчи ҳаракатларни бажаради.

Отиш машқларини бажара олмаган ходимларга, отиш машқини кўшимча ўргангандаридан сўнг навбатдаги отиш машғулотида айнан ушбу машқларни такроран бажарышларига рухсат берилади.

Отиш машғулоти мобайнида бартараф этилиши мумкин бўлган қуроллардаги носозлик ва тўхталишларни ходимларнинг ўзлари мустақил равища хавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда бартараф қиласидилар ҳамда машқларни бажарышда давом этадилар. Отиш машғулоти вақтида бартараф этиш мумкин бўлмаган носозликлар ҳақида ходимлар машғулот раҳбарини дарҳол хабардор қиласиди.

Шахсий таркиб газниқобни кийган ҳолда отишни амалга ошириши мумкин. Текширувлар вақтида текширучининг қарорига биноан отиш машқларини газниқобни кийган ҳолда бажарышга ходимларнинг учдан бир қисми жалб қиласиди.

Газниқобни кийиб бажариладиган отиш машғулоти машқларнинг шартларини ўзгартирган ҳолда олиб борилади.

“Диққат! Ҳамма эшитсин!” сигналини беришдан олдин ўқув нуқталаридаги машғулот раҳбари томонидан бериладиган “Газлар!” командасига асосан шахсий таркиб газниқбларни кияди ҳамда ўқотар қуролдан отувчилар сменасининг бошланғич ҳолатига қайтиб, машғулот раҳбарининг командасига кўра газниқоб ечади.

**Кўзойнак тақадиган ходимлар** ўқотар қуролдан отиш машқларини кўришни яхшиловчи ойнакли газниқблардан фойдаланган ҳолда бажаради. Кўришни яхшиловчи ойнаклар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, уларга машқларни газниқобни тақмасдан бажаришга рухсат берилади.

### **Ўқ отар қуролдан отиш машқларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.**

Ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари отувчиларнинг навбатдаги сменаси (ҳисоби)га жанговар таъминот пунктидан ўқ-дориларни олиш ҳақида буйруқ беради. Ўқ-дорилар ходимларга белгиланган тартибда доналаб ёки тайёрланган тасма (ўқдон)ларда тарқатилади, шунингдек, заруратга қараб фақатгина тайёрланган ўқдон (тасма)ларда тарқатилиши мумкин.

Ходимлар ўқ-дори (патрон)ларни олгандан сўнг, уларни кўздан кечириб, унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқ-дори (патрон)ларни олдим, камчиликлар йўқ (ёки камчиликлар мавжуд бўлса айтади)!**” деб ахборот беради. Ўқ-дориларни ўқдон (тасма)ларга, шунингдек, гранаталар билан бирга сумка (қути)ларга жойлаштирадилар ҳамда смена бошлиғининг раҳбарлигига бошланғич ҳолатга ўтадилар.

Смена (ҳисоб) бошланғич ҳолатга етиб келгач, ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари отувчилар гурӯҳи командири (раҳбари)га отувчиларнинг ҳар бирига жанговар вазифани тушунтириш тўғрисида буйруқ беради.

Отувчилар гурӯҳи командири (раҳбари) ёки ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари ҳар бир отувчига машқни бажариш тартибини (ўт очиши позицияси, ўрни ва отиш ҳолати, отиш сектори, ҳаракат йўналиши, ходимларнинг отиш навбати ва бошқалар) тушунтиради.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимлар сменаси ва ўқув жойининг отиш машғулотларини ўтказиш учун шайлигига ишонч ҳосил қилгач, ўқув жойининг бошқарув пунктида қизил байроқ кўтаришни (визуал сигнал мосламасининг қизил рангдаги ярим доирасини очишни, бундан буён матнда қўмондонлик, ўқув жойи бошқарув пунктларидағи байроқлар ҳақида айтилган ҳамма нарса визуал сигнал мосламасига ҳам тааллуқли ҳисобланади)

буюради ва отиш машғулотининг катта раҳбарига отишга шайлик ҳақида билдирув беради.

Барча майдонлар машғулотини ўтказиш учун шай ҳолатга келиши билан отиш машғулотининг катта раҳбари қўмондонлик пунктида қизил байроқ кўтаришни буюради ва “**Дикқат! Ҳамма эшитсин!**” сигналини беришга кўрсатма беради.

Жойдан отиш назарда тутилган машқларни бажаришда (ўт очиш позицияларини алмаштириш билан) ходимлар ўт очиш маррасидаги кўрсатилган

ўт очиш позицияларини эгаллайдилар, куролни ўқлайдилар ва унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқ отишга тайёр!**” деб билдирув беради.

Билдирувларни қабул қилгач, машғулот раҳбари ходимларга “**Ўт оч!**” командасини беради ҳамда ходимлар отиш секторини кузатиб, нишонлар аниқланган вақтда машқ шАартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равишда отадилар.

Ўт очиш маррасидан маълум узоқликдаги тайинланган ўт очиш позицияларига қараб силжиш назарда тутилган машқларни бажаришда участкадаги отиш машғулоти раҳбарининг командасига кўра ходимлар ўт очиш маррасида отишга тайёрланадилар, куролни ўқлайдилар ҳамда унвони ва фамилиясини айтган ҳолда “**Ўқ отишга тайёр!**” деб билдирув берадилар.

Отиш машғулоти раҳбарининг “**Ўт очиш маррасига – ОЛҒА!**” командасига биноан ходимлар қуролларни сақлагичга қўйган ҳолда шахдам қадамлар билан, қисқа масофаларга югуриб ўтган ёки юргурган ҳолда кўрсатилган ўт очиш позициялари томон юрадилар.

Кўйилган вазифага мувофиқ кўрсатилган отиш секторини кузатадилар, нишонлар аниқланган вақтда машқ шартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равишда отадилар.

Машқларни бажариш тугагандан сўнг ходимлар қуролни ўксизлантирадилар, ўкув жойидаги отиш машғулоти раҳбари қуролни кўздан кечириб, сменани бошланғич ҳолатга қайтаради, бошқарув пунктидаги қизил байроқни оқ рангдаги байроқ билан алмаштиришга кўрсатма беради ва ҳар бир ходимнинг машқ пайтидаги ҳаракатлари, отиш натижалари юзасидан кузатувлар, ўқ-дориларнинг сарфланиши, носозликлар ҳамда отишдаги тутилишлар тўғрисидаги билдирувини тинглайди.

Билдирув бериш мисол тариқасида қуидагича амалга оширилади: **“Ўртоқ катта лейтенант, сафдор Ўролов пистолетдан назорат отиш машқини бажарди, отиш вақтида:**

- 4-сонли, айланалар туширилган кўқрак шаклини 5 та ўқ билан зарб этди;

- ўқ-дориларнинг барчаси сарфланди (барчаси сарфланмади, шунча патрон ортиб қолди), отиш вақтида тўхталишлар бўлмади (ёки тўхталишлар сабабини айтиб ўтади)”.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимнинг билдирувларини тинглаб бўлгач, машқлар ижроси юзасидан қисқача муҳокама ўтказади ва унда ходимлар қуидагиларга эътибор қаратади:

- ходимларнинг отишга тайёрланиш вақтидаги ҳаракатлари, отиш йўллари ва усулларининг тўғри ижро этилиши, ҳаракат давомида қисқа тўхташлар давомийлигига;

- отиш учун маълумотларни тайёрлашдаги аниқлик, бошланғич кўрсатмаларга тузатишлар киритиш ва ўт очиш амалини олиб боришига тузатишлар киритишга;

- ҳаракатланиш, отишни олиб бориши, қўл гранаталарини улоқтириш вақтида жой ва маҳаллий предметларнинг ҳимоя хусусиятларидан фойдаланишга;

- машқ шартлари ва хавфсизлик талабларининг бажарилишига.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари муҳокамани ўтказиб бўлгандан сўнг баҳоларни эълон қилиб, сарфланмаган ўқ-дориларни жанговар таъминот пунктига ёки тарқатувчига топшириш ва навбатдаги ўқув жойига йўл олиш тўғрисида буйруқ беради. Сўнгра отиш машғулоти катта раҳбарига сменанинг отишни тугатганлиги тўғрисида билдирув беради.

Смена бошланғич ҳолатга қайтгандан сўнг (бошқарув пунктларининг барчасида оқ байроқ чиқариб қўйилгандан сўнг) отиш машғулотининг катта раҳбари қўмондонлик пунктида оқ байроқ чиқариб қўйиш, “**Машқ тамом!**” белгисини бериш ва зарурат бўлса “**Нишонларни кўздан кечириш!**” ҳақида кўрсатма беради.

## **ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги пистолетлардан отиш машқлари.**

ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги жанговар пистолетлардан отиш машқлари штат лавозими бўйича ушбу қуролларга эга бўлган барча соҳавий хизмат ходимлари томонидан бажарилади ҳамда бошланғич, ўқув ва назорат туридаги машқлардан иборат бўлади.

Ходимлар бошланғич, ўқув ва назорат отиш машқларини ўзлаштирилиши ва амалий бажарилишида белгиланган кетма-кетликка амал қиласида. Бунда, ҳар бир отиш машқини амалий бажаришда ижобий баҳоланган ходимларга кетма-кетлик бўйича кейинги машқни бажаришга рухсат берилади. Бошланғич отиш машқи ҳамда отишга ажратилган вақт чегараланмаган турдаги отиш машқларини бажаришда жанговар

пистолетлардан ташқари, спорт қуроллари (Марголин пистолети, ТОЗ-36, ТОЗ-49 револьверлари ва шу кабилар)дан фойдаланишга рухсат этилади.

### **Бошланғич отиш машқи.**

**Ҳаракатланмайдиган нишонларга турли масофалардан отиш**  
*(таълим муассасаларининг бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган 1-босқич курсант (тингловчи)лари ҳамда хизмат стажси бир йилдан кам бўлган ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги учун).*

**Нишон:** кўз баландлигига ўрнатилган спорт нишон (2-спорт нишони).

**Нишонгача масофа:** 5, 10, 15 метр (машғулот раҳбари кўрсатмаси бўйича).

**Ўқ-дорилар сони:** 3 дона патрон.

**Отишга ажратилган вакт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – 21 балл;

“яхши” – 18 балл;

“қониқарли” – 15 балл.

**Машқ бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари:** Машғулот раҳбари отувчиларнинг амалий кўнимаси ва тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, нишонгача бўлган масофани (5, 10, 15 метр) мустақил тарзда белгилайди.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига сафланади. “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатиб, қурол сақлагичини жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра қуролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки (бир) қўлдан отиш ҳолатини эгаллайди ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарига ахборот беради. Машғулот раҳбари отувчи сменага нишонгача ўзи белгилаган (5, 10, 15 метрли) мэррада “Ўт оч!” командасини беради. Отувчи смена қуролни сақлагичдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтириб, машғулот раҳбарининг кузатуви остида нишонга қарата уч маротаба ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг барчаси отишни тугатганларидан сўнг, “Тўхта！”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка！” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

## **1-отиш машқи (ўқув).**

### **Кундузи аниқ нишонга олиш ва ҳаракатланмайдиган нишонга отишни ўрганиш**

**Нишон:** кўз баландлигига ўрнатилган айланали кўкрак баробар шакл (4-нишон).

**Нишонгача масофа:** 20 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** назорат отишни бажариш учун – 3 дона;  
синов отишни бажариш учун – 3 дона.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – 25-30 балл;

“яхши” – 21-24 балл;

“қониқарли” – 18-20 балл.

**Машқ бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари:** йигилган баллар шаклга теккан ўқлар сонига қараб аниқланади ҳамда назорат ёки синов отиш машқининг энг яхши натижаси бўйича ҳисобланади.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига сафланади. “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатиб, курол сақлагичини жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра куролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки (бир) қўлдан отиш ҳолатини эгаллайди ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарига ахборот беради. Машғулот раҳбарининг “Ўт оч!” командасидан сўнг, отувчилар куролни сақлагичдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтирадилар ва машғулот раҳбарининг кузатуви остида нишонга қаратади 3 маротаба ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг барчаси отишни тугатганларидан сўнг, “Тўхта！”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка！” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

## **2-отиш машқи (назорат).**

### **Чекланган вақтда кундузи ва тунда ҳаракатсиз нишонларга жойдан туриб ўқ отишни ўрганиш.**

**Нишон:** кўз баландлигига ўрнатилган кўкрак баробар шакл (4-нишон).

**Нишонгача масофа:** 15 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 3 дона (курол мўлжалини текшириш учун 3 дона кўшимча патрон берилиши мумкин).

**Отишга ажратилган вақт:** кундузи 8 сония, тунда 12 сония.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – нишонга 3 та ўқ тегса;  
“яҳши” – нишонга 2 та ўқ тегса;  
“қониқарли” – нишонга 1 та ўқ тегса.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан ўт очиш маррасига чиқиб, ўқдонни пистолет дастасига ўрнатиб, пистолетни ғилофга солиб, ғилофни ёпгандаридан сўнг, машқ бажаришга тайёрлиги ҳақида ахборот берадилар. Отувчиларнинг тайёрлиги текширилгач, машғулот раҳбари “Ўт оч!” командасини бериб, секундомерни ишга туширади. Бу команда билан отувчилар ғилофдан пистолетни олиб, сақлагични жанговар ҳолатга келтирадилар ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритадилар ҳамда машғулот раҳбарининг назорати остида нишонга қаратадилар тезкорлик билан уч маротаба ўқ узадилар.

Вақт тугагач, машғулот раҳбари секундомерни тўхтатиб, “Тўхта!”, “Куроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

### **З-отиш машқи (ўкув).**

**Чекланган вақтда нишонни кўрмай туриб (180 градусга бурилиб)  
ўқ отиш усувларини ўрганиш.**

**Нишон:** бўй баробар шакл (8- нишон).

**Нишонгача масофа:** 15 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 3 дона.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – нишонга 3 та ўқ тегса;  
“яҳши” – нишонга 2 та ўқ тегса;  
“қониқарли” – нишонга 1 та ўқ тегса.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан ўт очиш маррасига чиқиб, нишонларга орқаси билан ўгирилиб турган ҳолатда машқни бажаришга тайёрлиги тўғрисида ахборот берадилар. Бунда 3 дона патрон жойлаштирилган ўқдон пистолет дастасига ўрнатилган ва ғилофга солиниб, ғилоф ёпилган ҳолатда бўлади. Машғулот раҳбари отувчиларнинг тайёрлигини текшириб, “Ўт оч!” командасини беради ва секундомерни ишга туширади. Ушбу команدادан сўнг отувчилар нишон тарафга бурилиб, пистолетни ғилофидан чиқарадилар, сақлагични жанговар ҳолатга қўйиб, затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритадилар, сўнгра машғулот раҳбари назорати остида тик турган ҳолатда икки қўллаб, тезкорлик

билин нишонга қарата уч маротаба ўқ узадилар.

Вақт тугагач, машғулот раҳбари секундомерни тўхтатиши билан бирга “Тўхта!”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

### **1-максус отиш машқи (ўкув).**

#### **Мўлжалли ўқ отиш**

**Нишон:** кўз баландлигида ўрнатилган спорт нишони (4-а спорт нишони).

**Нишонгача масофа:** 15 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 8 дона патрон.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ёки ҳуштак орқали.

**Баҳолаш:** “аъло” – нишоннинг қора доирасига барча ўқлар тегса;

“яхши” – нишоннинг қора доирасига 6-7 та ўқ тегса;

“қониқарли” – нишоннинг қора доирасига 5 та ўқ тегса.

#### **1 – максус отиш машқи чизмаси:**



#### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига сафланади. “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатиб, курол сақлагичини жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра куролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки (бир) қўлдан отиш ҳолатини эгаллайди ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарига ахборот беради. Машғулот раҳбарининг “Ўт оч!” командасидан сўнг, отувчилар куролни сақлагичдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтирадилар ва машғулот раҳбарининг кузатуви остида нишонга қарата 8 маротаба ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг барчasi отишни тутатганларидан сўнг, “Тўхта！”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка！” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

## **2-максус отиш машқи (назорат).**

### **Ҳаракатда ўқ отиш**

**Нишон:** кўз баландлигига ўрнатилган айланали кўкрак баробар шакл (4-нишон).

**Нишонгача масофа:** 10 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 8 дона патрон.

**Отишига ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиши ҳолати:** нишонга юзланиб икки ёнга ҳаракатланган ҳолда икки кўлдан.


**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва ҳуштак орқали.

**Баҳолаши:** “аъло” – нишонга барча ўқлар тегса;

“яхши” – нишонга 6-7 та ўқ тегса;

“қониқарли” – нишонга 5 та ўқ тегса.

### **2 – максус отиш машқи чизмаси:**



### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига келиб, “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатади, қурол сақлагиchinи жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра қуролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки кўлдан отиш ҳолатини эгаллайди (пистолетни икки қўлда, кўкрак олдида, бармоқни тепкига қўймаган ҳолда ушлаб туради) ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарида ахборот беради.

Машғулот раҳбарининг “Ўт оч!” командасидан сўнг, отувчи қуролни сақлагиҷдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтиради ва ўнга (чапга) яrim қадам босади ва қўлларини олдинга чўзган ҳолатда нишонга бир мартда ўқ узади. Сўнг қўлларини кўкрак олдига қайтариб, тепкидан бармоғини олади машқни патронлар тугагунга қадар шу тартибда бажаради. Патронлар тугаши билан, “Ўқ отишни тугатдим” деб ахборот беради.

Машғулот раҳбари отувчи отишни тугатганидан сўнг, “Тўхта！”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка！” командасини беради. Отувчи

пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатади.

### **8-максус отиш машқи (ўкув).**

#### **Отиш жойларини ўзгартириб, автомобиль ҳимоясида нишонларга қарата ўқ отиш**

**Нишон:** иккита нишон, кўқрак баробар ва бел баробар шакллар (6-7-нишонлар) фронт бўйлаб оралиқ масофаси 5-7 метрда ўрнатилган.

**Нишонгача бўлган масофа:** 10-12 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 6 дона патрон (иккита ўқдонга учтадан патрон жойланган).

**Отиш ҳолати:** автомобилнинг олд ва орқа томонидан ҳимояланиб ётган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** 20 сония.


**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва хуштак орқали.

**Баҳолаш:** “аъло” – ҳар бир нишонга учтадан ўқ тегса;

“яхши” – битта нишонга учта, иккинчисига иккита ўқ тегса;

“қониқарли” – битта нишонга иккита, иккинчисига битта ўқ тегса.

#### **Нишонлар жойлашув чизмаси**



#### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи дастлабки маррада автомобилда жойлашган, З дона патрон жойланган биринчи ўқдон пистолет дастасига ўрнатилган, қурол сақлагичга қўйилиб ғилофга солинган. З дона патрон жойланган иккинчи ўқдон ҳам ғилофда. Машғулот раҳбарининг командаси бўйича автомобиль ҳаракатланади ва отиш мэррасида тўхтайди (тўхташи билан вақт бошланади). Отувчи автомобилдан тезлик билан тушиб, қуролни ғилофдан чиқариб,

сақлагицдан ечади ва ўқлайди, сўнгра нишонлар жойлашув чизмасига асосан автомобилнинг орқа қисмида юкхона устига ётган ҳолда биринчи нишонга қарата уч маротаба ўқ узади. Шундан сўнг, ўқдонни алмаштириб, қуролини нишонга йўналтирган ҳолда иккинчи отиш мэррасига автомобилнинг олд қисмига югуриб боради ва капот устига ётган ҳолда иккинчи нишонга уч маротаба ўқ узади. Мазкур машқни бажариш жараёнида ўрганувчиларнинг иккала кўзи ҳам очик ҳолда бўлиши шарт.

Машғулот раҳбари белгиланган вақт тугагач, “Тўхта!” командасини бериб, секундомерни тўхтатади ҳамда “Қурол ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчи пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатади.

### **Автомат ва қўл пулемётларидан отиш машқлари**

Автомат ва қўл пулемётларидан отиш машқлари мутахассислар ва ходимлар томонидан мўлжалланиши ва вазифасидан келиб чиқиб, штатдаги қуролида бажарилади ҳамда бошланғич, ўқув ва назорат машқларидан иборат. Ходимлар томонидан бошланғич, ўқув ва назорат отиш машқларини ўзлаштирилиши ҳамда амалий бажарилишида белгиланган кетма-кетликка амал қилиниши шарт. Бунда, ҳар бир отиш машқини амалий бажаришда ижобий баҳолангандарга кетма-кетлик бўйича кейинги машқни бажаришга рухсат этилади.

#### **Бошланғич отиш машқи** (автомат учун).

#### **Кундузи ҳаракатсиз нишонларга жойдан отиш**

*(таълим муассасаларининг бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган 1-босқич курсант (тингловчи)лари ҳамда хизмат стажи бир йилдан кам бўлган ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги учун).*

**Нишон:** кўкрак баробар шакл (6-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача масофа** – 100 метр (АКС-74У – 50 метр).

**Ўқ-дорилар сони:** 6 дона патрон.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** ётган ҳолда таянчдан.

**Ўқ отиш тури:** якка тарзда (битталаб).

**Баҳолаш:** “Аъло” – нишонга 5-6 та ўқ тегса;

“Яхши” – нишонга 3-4 та ўқ тегса;

“Қониқарли” – нишонга 1-2 та ўқ тегса.

#### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштирадилар. “**Ўқ отиш маррасига ётиб, жангга**” командаси билан отувчилар автоматларни тасмадан ўнг қўлига оладилар, ўқ отиш маррасигача илон изи (зиг-заг) ҳолатида югуриб келиб, ўнг оёқни олдинга қўядилар ва чап қўлга таянган ҳолда чап томонга ёнбошлайдилар, чап қўл билан автомат тутқичини ушлаган ҳолда ўқдонни бириктириб, сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига туширадилар ва затворни тортиб қўйиб юборадилар ҳамда сақлагичга қўядилар.

Сўнгра ерга қорин билан ётиб, мўлжалга олиш планкасини (АКМ, АКМС) “3” ёки “П”, (АК-74, АКС-74) “4” ёки “П” ҳолатига қўйиб, ўт очишига тайёрлиги ҳақида ахборот берадилар. Машғулот раҳбари томонидан “Ўт оч!” командаси берилгандан сўнг, отувчилар сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қаратса олти маротаба мўлжалли ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари, отувчилар отишни тугатганларидан сўнг, “**Тўхта!**” командасини беради. Отувчилар автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутадилар. Машғулот раҳбарининг “**Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!**” командаси билан отувчилар чап томонга ёнбошлаб, чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратадилар, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатадилар. Машғулот раҳбарининг “**Кўрилди!**” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўядилар.

### **1-отиш машқи (назорат).**

**Автомат ва қўл пулемёти учун ётиб, тиззалаб ва тик турган ҳолатларда отиш.**

**Нишон:** Айланали қўкрак баробар шакл (4-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача бўлган масофа:** 100 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 15 дона патрон (учта ўқдонда 5 тадан).

**Отиш ҳолати:** тик туриб, тиззалаб ва ётган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** ҳар бир ҳолатга 1 дақиқадан.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва хуштак орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (*битталаб*).

**Баҳолаш:** “Аъло” – 121-150 балл;

“Яхши” – 101-120 балл;

“Қониқарли” – 80-100 балл.

## **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, учта ўқдоннинг ҳар бирига бештадан патронларни жойлаштирадилар ва отиш мэррасига келиб, жангга тайёргарлик кўрадилар. Машғулот раҳбарининг “Ўқла!” командаси билан отувчилар тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб биринчи ўқдонни бириктирадилар, сақлагични пастки ҳолатига туширадилар ва затворни тортиб қўйиб юбориб, сақлагичга қўядилар. Сўнгра мўлжалга олиш планкасини (*АКМ, АКМС, РПК*) “3” ёки “П”, (*АК-74, АКС-74, РПК-74*) “4” ёки “П” ҳолатига қўйиб, ўқ отишга тайёрлиги ҳақида ахборот берадилар.

Машғулот раҳбари “Ўт оч!” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчилар сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қарата беш маротаба мўлжалли ўқ узадилар. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “Тўхта!” командасини беради. Отувчилар автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутадилар.

Машғулот раҳбарининг “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командаси билан отувчилар чап томонга ёнбошлаб, чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратадилар, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

Машғулот раҳбарининг “Қўрилди!” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўядилар ва кейинги тиззалаб отиш ҳолатига тайёргарлик кўрадилар. Кейинги тиззалаб ҳамда тик туриб бажариладиган амалий ўқ отиш машқлари ҳам худди шу тартиб ва кетма-кетлиқда амалга оширилади.

### **2-отиш машқи (назорат)**

**Автомат ва қўл пулемёти учун чегараланган вақтда яқин масофадаги нишонга тезкор отиш.**

**Нишон:** кўкрак баробар шакл (6-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача масофа:** 50 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 10 дона патрон.

**Отиш ҳолати:** тиззалаб ва тик турган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** жами 40 сония.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва ҳуштак орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (битталаб).

**Баҳолаш:** “Аъло” – нишонга 9-10 та ўқ тегса;

“Яхши” – нишонга 7-8 та ўқ тегса;

“Қониқарли” – нишонга 6 та ўқ тегса.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштиради ва отиш маррасига келиб, жангга тайёргарлик кўради. Машғулот раҳбарининг “Ўқла!” командаси билан отувчи тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни автоматга бириктиради, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни тортиб қўйиб юборади ва қуролни сақлагичга қўяди. Сўнгра ўт очишга тайёрлиги ҳақида ахборот беради.

Машғулот раҳбари “Ўт оч!” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчи сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қаратабе мўлжалли ўқ узади ва тезлик билан тиззалаб отиш ҳолатини эгаллаб, нишонга қаратабе мўлжалли ўқ узади. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “Тўхта!” командасини беради.

Отувчи автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутади. Машғулот раҳбарининг “Курол ўқсизлантирилсин, қўрикка!” командасида отувчи чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратади, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатади. Машғулот раҳбарининг “Кўрилди!” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўяди.

Ички ишлар органларидаги хизмат стажи З йилдан кам бўлмаган худудий Ҳукуқбузарликлар профилактикаси, Пробация, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш хизмати, Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари хамда ИИОлари маъмурий биноларини қўриқлаш отрядларининг саф бўлинмалари, Жиноят қидирав, Тезкор қидирав ҳамкорлиги, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиб бўлинмалари, шунингдек, Навбатчилик қисмларининг шахсий таркиби учун автомат ва қўл пулемётидан отиш бўйича белгиланган маҳсус машқлар бажаради.

Ушбу маҳсус отиш машқларини бажариш учун барчага бирдек мўлжалланган бошланғич, ўқув ва назорат машқларини амалда тўлиқ ўзлаштирган ва ижобий баҳоланган ходимларга рухсат берилади.

## **1-максус отиш машқи (ўкув).**

**Автомат ва қўл пулемёти учун ҳаракатсиз нишонларга тезкор ўқ отиши.**

**Нишон:** З дона махсус бел баробар шакл (2 а-нишон) нишонларнинг оралиқ масофаси бир метрдан ўрнатилган.

**Нишонгача масофа:** 12 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 9 дона патрон.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** “**Нишон!**” командасидан тўлиқ ўқ отишни тўхтатгунгача бўлган вақт – 10 сония.

**Командалар:** овоз орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (битталаб).

**Баҳолаш:**

“Аъло” – учта нишоннинг кўкрак қисмига 2 тадан, бош қисмига 1 тадан ўқ тегса;

“Яхши” – учта нишоннинг кўкрак қисмига 1 тадан, бош қисмига 1 тадан ўқ тегса;

“Қониқарли” – ҳар бир нишонга 2 тадан ўқ тегса.

## **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштиради ва отиш маррасига келиб, жангга тайёргарлик кўради. Машғулот раҳбарининг “**Ўқла!**” командаси билан отувчи тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни автоматга бириклиради, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни тортиб қўйиб юборади ва қуролни сақлагичга қўяди. Сўнгра автомат стволини 45°градус пастга қаратган ҳолда ушлаб, ўт очишга тайёрлиги ҳақида ахборот беради.

Машғулот раҳбари “**Нишон!**” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчи сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, тезкорлик билан кетма-кетлиқда нишонларнинг кўкрак қисмига иккитадан ва бош қисмига биттадан ўқ узади. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “**Тўхта!**” командасини беради. Отувчи автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутади. Машғулот раҳбарининг “**Қурол ўқсизлантирилсин, қўрикка!**” командасида отувчи чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратади, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатади.

Машғулот раҳбарининг “Кўрилди!” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, куролни сақлагич ҳолатига қўяди.

## **2-максус отиш машқи** (назорат).

**Автомат ва қўл пулемёти учун жойдан ҳаракатсиз нишонларга турли ҳолатларда белгиланган вақт ичида ўқ отиш.**

**Нишон:** бош шакли (5-нишон), кўкрак баробар шакл (6-нишон), бел баробар шакл (7-нишон). Нишонлар ерга тақаб ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача масофа:** бош шакли нишонигача – 30 метр (АКС-74У – 20 метр), кўкрак баробар шакл нишонигача – 75 метр (АКС-74У – 35 метр), бел баробар шакл нишонигача 100 метр (АКС-74У – 50 метр).

**Ўқ-дорилар сони:** 6 дона патрон.

**Отиш ҳолати:** тик туриб, тиззалаб ва ётган ҳолда тирсакка таяниб.

**Отишга ажратилган вақт:** қундузи 40 сония, тунда 45 сония.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва хуштак орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (битталаб).

**Бахолаш:** “Аъло” – учта нишон маҳв этилса (зарарсизлантирилса);

“Яхши” – иккита нишон маҳв этилса (зарарсизлантирилса);

“Қониқарли” – битта нишон маҳв этилса (зарарсизлантирилса).

## **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштиради ва отиш мэррасига келиб тайёргарлик кўради. Бунда отувчи тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқицидан ушлаб автоматга ўқдонни бириктиради, Сўнгра автомат стволини 45°градус пастга қаратган ҳолда ушлаб, ўт очишига тайёрлиги ҳақида ахборот беради.

Машғулот раҳбари “Ўт оч!” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчи сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, затворни тортиб қўйиб юборади ва машқ раҳбарининг кузатуви остида тик турган ҳолда бел баробар шакл нишонига иккита ўқ узади, кейин тиззалаб отиш ҳолатида кўкрак баробар шакл нишонига иккита ўқ узади, сўнгра ётган ҳолда тирсакка таяниб отиш ҳолатида бош шакли нишонига иккита ўқ узади. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “Тўхта!” командасини беради.

Отувчи автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутади. Машғулот раҳбарининг “Курол ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасида отувчи чап қўл билан автомат тутқицидан ушлаб ўқдонни ажратади, сақлагични пастки ҳолатига тушириб,

затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатади. Машғулот раҳбарининг “**Кўрилди!**” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўяди.

### **Ўқ отиш тайёргарлигини баҳолаш тартиби**

Ички ишлар органлари ходимларининг ўқ отиш тайёргарлигидан олган билимларини якка тартибда баҳолаш тест синовлари ва амалий ўқ отиш машқларини бажариши билан амалга оширилади.

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича меъёрлар мазкур Отиш курсининг 6-иловасига мувофиқ тартибга солинади.

### **Ходимнинг ўқ отиш тайёргарлигидан олинган билимини якка тартибда баҳолаш меъзони**

<b>Амалий ўқ отиш машқини бажаришда олинган баҳолар (балл)</b>		
<b>Пистолет</b>	<b>Автомат</b>	<b>Умумий балл</b>
5	5	5 балл (аъло)
5	4	5 балл (аъло)
4	5	5 балл (аъло)
4	4	4 балл (яхши)
5	3	4 балл (яхши)
3	5	4 балл (яхши)
4	3	4 балл (яхши)
3	4	4 балл (яхши)
3	3	3 балл (қониқарли)
5	0	3 балл (қониқарли)
0	5	3 балл (қониқарли)
4	0	0 балл (қониқарсиз)
0	4	0 балл (қониқарсиз)
3	0	0 балл (қониқарсиз)
0	3	0 балл (қониқарсиз)
0	0	0 балл (қониқарсиз)

Қуролларни тўлқиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиши тартиби бўйича ходимларнинг умумий баҳоси қуидагича аниқланади:

Қуролларни қисмларга тўлиқсиз ажратиш ва йигишиш бўйича кўйиладиган баҳолар (балл тизимда)				Умумий балл
аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз	
5 балл	4 балл	3 балл	0 балл	

АКМ ва ПМ қуролларининг тўлқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йигишиш меъёрларини умумий йифиндисидан келиб чиқсан ҳолда (тўлиқсиз қисмларга ажратилиб йифилган қуролларни умумий йифиндиси қўшилиб тўртга бўлинади) балл чиқарилади.

Жанговар қуроллардан амалий ўқ отиш бўйича ходимларнинг умумий баҳоси қуидагича аниқланади:

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича кўйиладиган умумий баҳолар (балл тизимда)				Умумий балл
аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз	
9-10 балл	7-8 балл	6 балл	5 ва ундан паст балл	

Амалий ўқ отиш бўйича кўрсатган натижанинг умумий йифиндисидан келиб чиқсан ҳолда ўртача балл чиқарилади.

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича амалий ўқ отиш машқларига сабабсиз қатнашмаган ходимлар “қониқарсиз” баҳоланади.

Ички ишлар органлари бўлинмаларининг (Соҳавий хизмат) амалий ўқ отиш машқлари натижалари қуидагича баҳоланади:

“Аъло” – агар умумий баҳоларнинг 90 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи “аъло” баҳо бўлса;

“Яхши” – агар умумий баҳоларнинг 80 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи “яхши” баҳо бўлса;

“Қониқарли” – агар умумий баҳоларнинг 70 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи камида “қониқарли” баҳо бўлса;

“Қониқарсиз” – агар “қониқарли” баҳо олиш талаблари бажарилмаса.

## Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича МЕЪЁРЛАР

Т/р	Меъёрлар	Шартлар	Натижалар бўйича баҳолаш (сониягача, дақиқагача)		
			Аъло	Яхши	Қониқли
<b>Макаров пистолети</b>					
1	Пистолетни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	7 сония-гача.	8 сония-гача.	9 сония-гача.
2	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган пистолетни йифиши	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет қисмлари стол устида жойлашган	9 сония-гача.	10 сония-гача.	11 сония-гача.
3	Патронларни ўқдонга жойлаштириши	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, 8 та патрон сочилган ҳолда бўлади	16 сония-гача.	18 сония-гача.	20 сония-гача.
4	Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш ва қайта йифиши	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	8 дақиқа-гача.	10 дақиқа-гача.	12 дақиқа-гача.
<b>Калашников автомати</b>					
5	Автоматни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, автоматга ўқдон жойлаштирилган, пенал ажратилмайди	16 сония-гача.	20 сония-гача.	24 сония-гача.
6	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган автоматни йифиши	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, автомат қисмлари стол устида жойлашган	30 сония-гача.	35 сония-гача.	40 сония-гача.
7	Патронларни ўқдонга жойлаштириши	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, 30 та патрон сочилган ҳолда бўлади	35 сония-гача.	40 сония-гача.	45 сония-гача.

### Нишонлар намуналари

Ўлчамлар сантиметрларда кўрсатилган (катталиги 1 метргача бўлган нишонларни  $\pm 1$  см ўзгариш билан, ундан катта ўлчамдаги нишонларни  $\pm 2$  см ўзгариш билан тайёрлашга рухсат берилади)



## Текширув нишони

### Изоҳ:

1. Чизиқлар қуийидагича ифодаланади:

1 – автомат, құл пулемети ва 1943 йил намунасидаги патронларга мүлжасланған карабин учун;

2 – мерганик милтиги учун;

3 – Калашников пулемети ва милтиқ патронига мүлжасланған құл пулемёти учун;

4 – тиргакли пулемётдан 1930 йил намунасидаги патронларда отиши учун;

5 – тиргакли пулемётдан 1980 йил намунасидаги ва 5.45 мм патронларда отиши учун;


6 – пистолет ва револьверлар учун;

7 – 12.7 мм ДШК (НСВ) учун;


8 – 5.45 мм Калашников құл пулемёти учун.

2. Қуролни текшириши ва уни меъёрий жсанговар ҳолатга келтириши вақтида нишонга олиши нүктаси оқ рангли вертикал чизиқ ҳамда рақамлы чизиқлар билан ифодаланған нишон пастки чеккасининг кесишиши жойидан танланади.


3. Меъёрий жсанговар ҳолатдаги ўртача тегиши нүктаси кичик айланадан четга чиқыб кетмаслиги керак.




4-нишон. Айланали күкрак баробар шакл



4-а нишон. Спорт нишони



**6-нишон. Кўкрак баробар шакл**



**8-нишон. Бўй баробар шакл**



**Хавфсизлик қоидалари** – шахсий таркибнинг хавфсизлиги, қурол-аслаҳанинг бутлигини таъминлаш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуудири.

Шахсий таркиб томонидан отиш машғулотининг хавфсизлигига юксак жанговар кўникма, юқори ахлоқий-руҳий ҳолат, ҳарбий интизомга эга бўлиш, отиш асослари

ва қоидаларини билиш ҳамда аниқ кетма-кетлик билан бажариш, ўт очишни маҳорат билан бошқариш, юксак даражадаги профессионал тайёргарлик, бошлиқларнинг юқори бошқарувчанлик қобилияtlари орқали эришилади.

Ходимларнинг қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар, уларнинг мўлжалланиши ва замонавий жангда қўлланилиши бўйича билимлари синовдан ўtkазилганидан сўнг уларга отиш машғулотига қатнашишларига рухсат берилади.

Отиш машғулоти ўтказилаётган ҳар бир объектда унинг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, отиш машғулотига

чиқарилган бўлинмалар шахсий таркиби билиши керак бўлган хавфсизлик қоидалари бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши мумкин.

Хавфсизлик қоидалари, машқ бажариш тартиби ва шартлари, қурол-аслаҳаларнинг тактик-техник тавсифлари, моддий қисмлари, фойдаланиш қоидалари ҳамда улар билан муомала қилишдаги хавфсизлик қоидаларини ўзлаштирган шахсий таркибга отиш машғулотида иштирок этишга ва унга хизмат кўрсатишга руҳсат **берилмайди**.

Ҳар бир ходим томонидан отиш машғулотидаги хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари қўл остидаги шахсий таркиби томонидан хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Отиш майдонининг чегаралари табиий жойда “**Тўхта, отяпти!**”, “**Ўтиш тақиқланади!**” белгилари билан белгиланиб, улар сўқмоқ ва йўлларнинг кесишиш жойларида ҳамда бир-биридан ажralиб турадиган қилиб ўрнатилади. Заруратга кўра, отиш майдонининг чегараларида траншея қазилиши мумкин. Барча йўллар ва пиёда сўқмоқлар шлакбаум ёки зич тўсиқлар билан ёпилади. Бундан ташқари, отиш майдонига яқин жойлашган аҳоли яшаш жойларида отиш майдони бошлигининг руҳсатисиз отиш майдони ҳудудига киришни тақиқловчи эълонлар осилади.

Бўйсунувида отиш майдони бўлган раҳбар (бошлиқ)лар маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўрнатилган огоҳлантирувчи белги ва сигналларнинг нимани англатиши, отиш машғулоти мобайнида ҳудудга кирган, портламай қолган ўқ-дорилар ва имитация жиҳозларига теккан шахслар ўзларини қандай хавфга қўяётганлиги бўйича аҳолига мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб бориши лозим.

Маҳаллий ҳокимият органларига отиш машғулотлари ўтказилиши ҳамда белгиланган вақтда отиш майдони ҳудудига ўтишнинг тақиқланиши ҳақидаги хабарномалар юборилади.

Хабар бериш хабарнома варағига имзо куйиш орқали амалга оширилади.

Отиш машғулотидан олдин нишонлар майдони кўздан кечирилиши ҳамда одам, ҳайвон ва транспорт воситалари унинг ҳудудидан чиқариб юборилиши керак.

Отиш машғулоти обьектида фақат белгиланган йўллар бўйлаб ва полигон бошлиғи томонидан кўрсатилган ҳудудларда ҳаракатланишга руҳсат этилади.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар бўлган участкаларга кириш ман этилади. Ушбу участкалар тегишли огоҳлантирувчи ёзувлари бор кўрсаткич ва белгилар билан белгиланиши керак.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар ҳамда имитация воситаларига тегиши тақиқланади. Ҳар бир портламай қолган снаряд (граната), имитацион заряд ҳақида отиш машғулоти раҳбари ва полигон бошлиғига белгиланган тартибда билдирув берилади.

Отиш машғулоти раҳбари ўртасида радиоалоқа мавжуд бўлмаган тақдирда отишни бошлиш ва олиб бориш тақиқланади, шунингдек, нишонлар майдони ва ўқ кучини сўндирувчи макон чегарасида ёнгин содир бўлганда отиш тўхтатилади. Отишни тўхтатиш сигналлари ва “Тўхта!”, “Отиш тўхтатилсин!” командаларига биноан отувчилар отишни тўхтатади, қурол ўқизлантирилади ва сақлагичга қўйилади.

Жанговар қўл гранаталарини улоқтиришда фақат раҳбарнинг командасига биноан, гранаталарни улоқтиришдан олдин уларга запал қўйишга рухсат берилади.

Жанговар қўл гранаталарини граната сумкаларидан ташқарида олиб юриш тақиқланади. Мудофаада қўлланилувчи ва танкка қарши гранаталар портлаганидан сўнг **10 сония** ўтиб блиндаждан чиқишига рухсат этилади. Агар заряд жойланган граната улоқтирилмаган (сақлаш чекаси суғурилмаган) бўлса, уни ўқизлантириш командага биноан ва отиш машғулоти раҳбарининг бевосита кузатуви остида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатларда отувчилар томонидан мустақил равишда ёки раҳбар командасига биноан отиш зудлик билан тўхтатилади:

нишонлар майдонида одам, машина ва ҳайвонларнинг, отиш машғулоти худуди устидан пастлаб учайтган самолёт ва вертолётларнинг пайдо бўлиши;

гранаталар хавфсиз зона чегарасидан ташқарига ёки одамлар томонидан банд қилинган жойларга тушса ва блиндаж билан алоқа узилиб қолса;

кўмондонлик пункти ёки блиндажда оқ рангли байроқ кўтарилса (оқ рангли фонар ёқилса), шунингдек, блиндаждан отишни тўхтатиш тўғрисидаги бошқа қабул қилинган сигнал (портлатгич пакет, тутунли шашка, ракета ва шу кабилар) берилса;

куршов постидан отиш машғулотини давом эттиришнинг хавфли эканлиги тўғрисидаги билдирув ёки сигнал берилса;

нишонлар майдонида ёнгин чиқса.

Отишни тўхтатиш учун **“Отиш (машқ) тамом!”** сигнали берилади ва қизил рангли байроқ ўрнига оқ рангли байроқ ўрнатилади (оқ рангли фонарь ёқилади) ҳамда **“Тўхта, отиш тўхтатилсин!”** командаси берилади. **“Отиш (машқ) тамом!”** сигналини барча отувчилар дарҳол қабул қилиб олиши ҳамда ўз жойида қолиб, ўз командирларининг сигнал ва командаларини кутмаган ҳолда отишни тўхтатишлари талаб этилади.

**“Отиш (машқ) тамом!”** сигналидан **“Ўт оч!”** сигналигача ким бўлишидан қатъий назар ўт очиш мэррасида (отиш жойида) қолиши ва у ерда қолдирилган қуролга яқинлашиши тақиқланади.

Қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

**“Ўт оч!”** сигнали (раҳбар, бошлиқнинг командаси) берилгунгача қуролни жанговар ва паҳтавон патронлар билан, шунингдек, жанговар ва инерт зарядли гранаталар билан ўқлаш;

қурол ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъий назар уни одамларга, четга ва отиш майдонининг фронт орти қисмига йўналтириш;

носоз қуролдан, носоз ўқ-дорилар билан, отиш хавфли бўлган йўналишларда, қўмондонлик (бошқарув) пункти ва блиндажларда оқ рангли байроқ ўрнатилганда отиш ёки отишни давом эттириш;

ўқланган қуролни ҳар қандай жойда қолдириш ёки уни бошқа шахсларга бериш, раҳбар (бошлиқ)нинг командасизи шахсий қуролни ўт очиш позициясида (отиш жойида) қолдириш;

ташқи қопламаси шикастланган гранаталардан фойдаланиш;

кучли ёмғир ёки қор ёғаётган шароитлардаги отишда жанговар граната портлатгичининг каллак қисмидаги сақлагич қопқоғини олиб ташлаш;

отиш жойининг олд томонида бутазор ёки баланд ўсган ўтлар бўлиши;

отиш майдонининг портламай қолган гранаталар ва бошқа портловчи буюмлар мавжуд бўлган участкаларига кириш, мазкур участкалар тақиқланган зона ҳисобланади ва тўсиб қўйилган, кўрсаткич ҳамда тегишли ёзувлари бор белгилар билан белгиланган бўлиши лозим (масалан, “Хавфли!”, “Портламай қолган граната – тегилмасин!”).

Портламай қолган гранаталар, снарядлар ва бошқа портловчи буюмларга ўзбошимчалик билан тегиши (ҳар бир портламай қолган граната (снаряд)ни, у аниқлангандан сўнг дарҳол огоҳлантирувчи ёзувли кўрсаткич билан белгилаш ва бу хақида отиш майдони бошлиғига хабар бериш лозим);

жанговар гранаталарни қисмларга ажратиш ва улардаги носозликларни бартараф этиш тақиқланади.

Ушбу қоида билан бирга, қўшимча равишида ҳар бир қурол тури бўйича тегишли қўлланма ва йўриқномаларда баён қилинган хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши талаб этилади.

## **2.6-МАВЗУ: МАКАРОВ ПИСТОЛЕТИ ВА КАЛАШНИКОВ АВТОМАТИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ЖАНГОVAR ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚУЛЛАНИЛИШИ. УЛАРНИ ТЎЛИҚСИЗ ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШ ВА ҚАЙТА ЙҒИШ ТАРТИБИ.**

(семинар – 2 соат, амалий – 4 соат.)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув саволи: Пистолетнинг қўлланиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмлари.

2-ўқув саволи: Пистолетдан отиш қоидалари ва усуллари.

3-ўқув саволи: Автоматларнинг қўлланиш мақсади, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмлари.

4-ўқув саволи: Калашников автоматидан отиш қоидалари ва усуллари.

**1-ўқув саволи: Пистолетнинг қўлланиш мақсади ва жанговар хусусиятлари**



Николай Фёдорович Макаров  
(09.05.1914 - 13.05.1983)

9 мм ли Макаров пистолети 1948 йилда Николай Фёдорович Макаров томонидан яратилган бўлиб, 1951 йилда Собиқ Совет Иттифоқининг катта офицерлар таркибини куроллантириш мақсадида куролланишга қабул қилинган.

**9 мм ли Макаров пистолети индивидуал (шахсий) қурол бўлиб, душманни яқин масофада йўқ қилиш учун мўлжалланган.**

Пистолетдан 50 метргача масофада мўлжалга олиб отиш анча юқори самара беради.

9 мм ли Макаров пистолетининг конструктив ва баллистик кўрсаткичлари:

Мўлжалга олиб отиш узоқлиги, м.:	50
Самарали отиш узоқлиги, м.:	25
Жанговар отиш тезлиги, дақиқада ўқ отиш:	30
Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги, м/с.:	315
Ўқнинг жароҳатлаш кучининг сақланиш масофаси:	350
Пистолетнинг ўқланмаган ўқдан билан биргаликдаги оғирлиги, кг.:	7,3
Пистолетнинг ўқланган ўқдан билан биргаликдаги оғирлиги, кг.:	8,1
Ўқдан сифими, патронлар	8
Калибр, мм.:	9
Патроннинг массаси:	10

**9 мм ли Макаров пистолети (ПМ)нинг асосий қисм ва механизмлари:**



#### **Пистолетнинг асосий қисм ва механизмлари:**

1 – Стволли асос туширилувчи ҳалқа билан; 2 – Затвор; 3 – Қайтарувчи пружина; 4 – Зарбдор - тенки механизми; 5 – Дастак бурама мих билан;

6 – Затвор тутқици; 7 – Ўқдон.

**9 мм ли Макаров пистолети (ПМ)нинг асосий қисм ва механизмларининг вазифалари:**

1. Стволли асос туширилувчи ҳалқа билан – стволли асос уч қисмдан иборат бўлиб: ствол, пистолет асоси ва туширилувчи ҳалқадан иборат;

1.1. Ствол – ўқнинг учишига йўналиш бериш учун хизмат қилади.




1.2. Асос – пистолетнинг барча қисмларини бириттириш учун хизмат қилади.



1.3. Туширилувчи ҳалқа – тепки ҳалқасини бехос босилиб кетишдан асрайди.



2. Затвор – патрондонга ўқдондан патронни етказиб бериш, отишда ствол каналини ёпиш, гильзани ушлаб туриш (чиқариб олиш) ва тепкини жанговар ҳолатга келтириш учун хизмат қилади.



2.1. Тұрткіч – пистонни чақиши учун хизмат қилади.

2.2. Улоқтиргич – қайтаргич билан учрашгунча гильзани затвор косачасида ушлаб туриш, улоқтириш учун хизмат қилади.

2.3. Сақлагиچ – пистон билан муюмала қилишда хавфсизликни таъминлайди.

3. Қайтарувчи пружина – отишдан кейин затворни олдинги ҳолатига қайташып учун хизмат қилади.

4. Зарбдор - тепки механизми: тепки ҳалқаси, тепки ҳалқасининг тортқичи взвод дастаги билан тепки, жанговар пружина, жанговар пружина сургичи ва пружинали шептало киради.

4.1. Тепки ҳалқаси – тепки тортқичидан тортиб тепкини ҳаракатта келтириш учун хизмат қилади.



4.2. Тепки ҳалқасининг тортқичи взвод дастаги билан – тепкини жанговар ҳолатдан чиқариш ва тепки ҳалқасига босилганды тепкини жанговар ҳолатта келтириш учун хизмат қилади.



4.3. Тепки – турткичга зарба бериш учун хизмат қилади.



4.4. Пружинали шептало – тепкини жанговар ва сақлагиң ҳолатида ушлаб туриш учун хизмат қилади.



4.5. Жанговар пружина – тепкини ва тепки тортқичини ҳаракатта келтириш учун хизмат қилади.



4.6. Сургич – жанговар пружинани дастак асосига маҳкамлаш учун хизмат қилади.



5. Дастак бурама мих билан – дастак пистолет асосини ёпиш ҳамда қўлда мустаҳкам ушлаб туриш учун хизмат қилади.




6. Затвор тутқичи – ўқдонда ҳамма патронлар ишлатиб бўлинганидан кейин затворни орқа ҳолатида ушлаб туриш учун хизмат қилади.



7. Ўқдон – патронларни сақлаш ва патрондонга етказиб бериш учун хизмат қилади. Ўқдон тўрт қисмдан иборат:



ўқдон асоси – патронларни ўзида сақлаш ва ўқдоннинг бошқа қисмларини ўзида ушлаб туриш учун хизмат қилади;



ўқдон пружинаси – ўқдон ичига жойлаштирилган патронларни юқорига кўтариш учун хизмат қилади;



узатгич – ўқдон ичига жойлаштирилган патронларни навбат билан патрондонга узатиб беради.

ўқдон қопқоғи – ўқдон асосини ёпиш ва ўқдон пружинасини маҳкам ушлаб туриш учун хизмат қилади.



Хар бир пистолетта қўшиб бериладиган қўшимча ашёлар:

- а) филоф (кобура);
- б) захира ўқдон;
- в) шомпол (протирка);
- г) пистолет тасмаси.



## 2-ўқув саволи: Пистолетдан отиш қоидалари ва усуллари.

### Пистолетдан ўқ отиш қоидалари

**Отиш учун жой танлаш.** Пистолет билан қуролланган ҳарбий хизматчи жангда вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мустақил равища үт очади.

Ўқ отиш нишонни қисқа муддатда маҳв этиш имконини берадиган ҳар қандай жойдан ва ҳар қандай ҳолатда амалга оширилади.

Жангда пистолетдан ўқ отиш учун жой мустақил танланади. Танлашда вазият ва худуднинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Танланган жой отиш учун қулай ва душман ўқидан ҳимояланган бўлиши керак.

**Отиш учун нишонни танлаш.** Жангда пистолетдан отиш учун нишон қилиб, очиқликда жойлашган, тўсатдан пайдо бўлувчи ёки ҳаракатланувчи душманнинг аскар ва офицерлари танланади. Нишонни танлашда унинг муҳимлиги, яқинлиги ва қулийлигига эътибор қаратилади.

**Мўлжалга олиш нуқтасини танлаш.** Мўлжални ишончли маҳв этиш учун нишонгача бўлган масофани ва қўйидаги жадвалга асосланиб, траекториянинг кўтарилиш катталигини ҳисобга олиш зарур.

### Пистолетдан ўқ отиш усуллари

Пистолетдан отиш тик туриб, тиззалаған ҳолда, ётиб ва қўлга таянган ҳолда амалга оширилади. Отишни барча усуллардан фойдаланиб, тез ва нишонни кўздан қочирмасдан амалга ошириш зарур.

Пистолетдан ўқ отиш қўйидаги усуллардан иборат:

- отишга тайёрланиш (пистолетни ўқлаш, ўқ отиш ҳолатини эгаллаш);
- ўқ отишни амалга ошириш (мўлжалга олиш, тепкини қўйиб юбориш);
- ўқ отишни тугаллаш (тепки думига босишни тўхтатиш, сақлагични ёпиш, пистолетни ўқсизлантириш).

Жангда пистолетдан мустақил равища үт очилади. Ўқув машғулотларида ҳар хил ҳолатда отишга командалар берилади.

Масалан: «Югуриб ўтувчига қарата, ётган ҳолда (тиззалаб, тик турган

холда) – ўт оч». Бу команда бўйича кўрсатилган ҳолат эгалланади, сақлагич байроқчasi пастга босилади, мўлжалга олиниб, ўзини ўзи жанговарлаш орқали ўқ отилади.

Ўқ отувчи нишонга энг аниқ тегишини ва қулай ҳаракатланишини таъминловчи ўқ отиш усулларини бажариш учун ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўқ отиш учун энг қулай ва барқарор ҳолатни билиб олиши, бунда пистолет дастаси қўлда бир хилда туришига ва гавда, қўл ва оёқлар энг қулай ҳолатда бўлишига эришиш лозим.

**З-ўқув саволи: Автоматларнинг қўлланиш мақсади ва жанговар хусусиятлари.**



**Ўқотар қуроллар бўйича машҳур конструктор, техника фанлари доктори, генерал-лейтенант Михаил Тимофеевич Калашников**

1919 йил 10 ноябрда Олтой ўлкасининг Куръя қишлоғида ўн тўққиз нафар фарзанд кўрган кўп болали дехқон оиласида ўн еттинчи фарзанд бўлиб туғилган.

1945 йил бошларида Калашников 1943 йил намунасидаги патронга мос автомат қурол яратиш устида фаолият бошлаган. Ушбу муаммони тез орада ҳал қила олишига унинг кўзи етмаганди, бироқ 1947 йилда ўтказилган танловда Калашников автомати биринчи синовнинг ўзидаёқ ўзини оқлади.

Михаил Тимофеевич ишлаб чиқсан автоматни синовдан ўтказиш муваффақиятли якунланганидан сўнг ўша ернинг ўзида ушбу автоматни Совет Армияси қуролланишига олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Дунё ўқотар қуроллари тарихида янги давр – автомат қуроллар даври бошланган эди. Михаил Тимофеевич Калашников ушбу даврга биринчилар қаторида асос солди. АК-47 автомати унга қуроллар оламига йўлланма берди ва сайёрамиздаги ҳеч бир конструкторга насиб қилмаган шон-шуҳрат олиб келди.

1948 йилда артиллерия бош қўмонони Н.Н. Вороновнинг кўрсатмасига биноан Михаил Тимофеевич Ижевск машинасозлик заводига хизматга юборилди. Бироз вақт ўтиб айнан шу ердан қўшинларга АК-47 автоматларининг биринчи партияси жўнатилди.

1949 йил 1 сентябрда Михаил Тимофеевич Калашников «Ижмаш» бош конструкторлик бўлимининг штатига ишга қабул қилинди. У энг аввало АК-47ни келгусида такомиллаштириш устида ишлади. 1959 йилда Калашниковнинг бу автоматига 7,62 мм ли такомиллаштирилган АКМ автомати ва такомиллаштирилган йифилувчи қўндоқли АКМС автомати

қўшилди. 5,45 мм ли калибрга ўтилганидан сўнг, Калашников автоматининг катта оиласи – АК-74, АКС-74 ва қисқартирилган стволли АКС-74У – пайдо бўлди.

Михаил Тимофеевич пулемётлар конструктори сифатида ҳам танилган. Унинг конструкциялари орасида 7,62 мм ли РПК ва йиғилувчи қўндоқли РПКС кўл пулемётлари ҳамда 5,45 мм ли РПК-74 ва йиғилувчи қўндоқли РПКС-74 қўл пулемётлари машхур. Калашников конструкторлик бюросида жами юздан ортиқ турдаги жанговар қуроллар ишлаб чиқилган.

Михаил Тимофеевич Калашников кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган. **Буюк конструкторор 2013 йил 23 декабрда оламдан ўтган.**

7,62 мм ли Калашников автомати (АК) рус конструктори Михаил Тимофеевич Калашников томонидан 1947 йил яратилган. Кейинчалик такомиллаштирилган намунаси (АКМ ва АКМС) 1959 йилда яратилган ва қуролланишга қабул қилинган.

### **7,62 мм ли (АКМ)нинг вазифаси ва жанговар хусусиятлари**

7,62 мм ли такомиллаштирилган Калашников автомати шахсий қурол бўлиб, душманнинг жонли кучини маҳв этиш учун мўлжалланган. Душманни кўл жангига маҳв этиш учун автоматга найза-пичноқ ўрнатилади.



Автоматдан отишда 1943 йил намунасида ишлаб чиқарилаётган оддий (пўлат ўзакли), из қолдирувчи (трассирли) ва зирхтешар ёндирувчи патронлар қўлланилади.

### **Калашников автоматларининг жанговар хусусиятлари**

Тактик-техник тавсифи	АКМ, АКМС	АК-74, АКС-74	АКС-74У
Калибр (мм.)	7,62	5,45	5,45
Автоматнинг узунлиги:			
Найза-пичноқсиз (мм.)	880	940	730
Ўрнатилган найза-пичноқ билан (мм.)	1020	–	–
Йиғилган қўндоқ билан (мм.)	640	–	490
Стволнинг узунлиги (мм.)	415	415	–
Мўлжал линиясининг узунлиги (мм.)	378	379	235
Ствол каналидаги ариқчалар сони	4	4	4

Жанговар отиш тезлиги ( $\text{ўқ}/\text{мин.}$ )	40/100	40/100	40/100
Отиш тезлиги ( $\text{ўқ}/\text{мин.}$ )	600	600	760
Ўқнинг бошланғич учиш тезлиги ( $\text{м./сония.}$ )	715	900	735
Мўлжалга олиш масофаси ( $\text{м.}$ )	1000	1000	500
Ўқ етиб борадиган энг узоқ масофа ( $\text{м.}$ )	3000	3150	—
Ўқ талофат етказадиган масофа ( $\text{м.}$ )	1500	1350	1100
Ўқдон сифими ( <i>патронларда</i> )	30	30	30
Найза-пичноқсиз автоматнинг ўқдони билан биргаликдаги оғирлиги ( $\text{кг.}$ )	3,1/3,3	3,3	2,5
Найза-пичноқнинг оғирлиги ( $\text{кг.}$ )	0,45	0,45	—
Ўқдоннинг оғирлиги ( $\text{кг.}$ )	0,17/0,33	0,23	0,23
Патроннинг оғирлиги ( $\text{г.}$ )	16,2	10,2	10,2
Ўқнинг оғирлиги ( $\text{г.}$ )	7,9	3,5	3,5
Порохли заряднинг оғирлиги ( $\text{г.}$ )	1,6	1,45	1,45
Патроннинг узунлиги ( $\text{мм.}$ )	56	—	—

### Автоматларнинг асосий қисм ва механизмлари



1 – ствол, ствол қутиси, зарбдор-тепки механизми, мўлжалга олиш мосламаси, қўндоқ ва пистолет дастаси билан; 2 – ствол қутисининг қопқоги; 3 – найза-пичноқ; 4 – қайтарувчи механизм; 5 – затвор рамаси газ поршени билан; 6 – газ трубкаси ствол қопламаси билан; 7 – затвор; 8 – шомпол; 9 – ствол ости дастаси (тутқич); 10 – ўқдон; 11 – асбоб-ускунали пенал.

## **4-ўқув саволи: Калашников автоматидан отиш қоидалари ва усууллари**

### **Калашников автоматидан отиш қоидалари**

Нишоннинг пайдо бўлиши кутилаётган мұхитнинг ҳар қандай жойидан Калашников автоматидан нишонга қарата ҳар хил ҳолатлардан ўқ отиш мумкин.

Мұхитдаги шароитга ва душман ўт очишига боғлик равища ўқ отиш ҳолатлари эгалланади – тик туриб, тиззалаб, ётган ҳолда ва ҳаракатланаётган ҳолатда тўхтамасдан туриб ёки қисқа тўхташ орқали. Ўт очища қулай ҳолат хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда эгалланади.

Автоматдан ўт очища отувчи душман кузатишидан яшириниши имконини берадиган, ўтидан сақлайдиган, ўт очиш учун яхши кўринишга эга бўлган ва қулай отишнинг усулини берадиган жойни танлаши зарур. Яққол кўзга ташланувчи маҳаллий предметларнинг яқинидан, тепалик устидан жой танлаш маслаҳат берилмайди. Ўқ отиш учун жой танлашга «Нурмуҳамедовга ўқ отиш жойи дараҳт тагида, жангга» командаси берилади. Мұхитнинг хусусиятларига ва вазиятга қараб отувчи жангга югуриб, тезлаштирилган қадам ташлаб, қисқа чопиб ёки эмаклаб ҳаракатланади. Ҳаракатланишдан аввал автомат сақлагичга қўйилади. Ҳар бир отувчи отишнинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда ва ўзининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, отиш учун қулай вазиятни эгаллаши зарур. Автоматдан ўт очиш уч қисмдан иборат бўлиб, улар отишга тайёрланишдан, ўқ отишдан ва ўқ отишни тугатишдан иборатдир.

Ўқув машғулотларида ўт очишига тайёргарлик кўриш учун командалар алоҳида – алоҳида қилиб берилади, масалан: «Ўт очиш чизигига қадам бос», кейин «Ўқла», отишга тайёргарлик кўришига отиш учун ҳолатни эгаллаш ҳам киради.

Ётиб ўқ отиш ҳолатини эгаллаш учун зарур (автомат елкага ҳолатида бўлса): - ўнг қўл билан камар бироз юқорига кўтарилиб автомат елкадан чиқарилади ва чап қўл билан туширилувчи халқа ҳамда ствол қутисидан ушланади, кейин ўнг қўл билан стволни олдинга қаратган ҳолда ствол қобигидан ушланади. Шу вақтнинг ўзида ўнг оёқ бироз ўнгроққа тўлиқ қадам ташланади. Олдинга эгилган ҳолда чап тиззага чўкилади ва чап қўлни олд томонга ерга қўйилади, кейин чап оёқ сонига таянган ҳолда ва чап қўл елка олдига суюнган ҳолда чап ёнга ётилади ва тезда автомат ўқланиб қоринга ётилади, оёқнинг уч қисми ташқарига қилиниб бироз очилган ҳолда ерга қўйилади, бунда автоматнинг ствол ости дастасини чап қўл кафтига қўйилади.

## **2-соат амалий**

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув саволи: Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш тартиби.  
 2-ўқув саволи: Автоматларни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш тартиби.

### **1-ўқув саволи: Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш.**

Пистолетни қисмларга тўлиқсиз ажратиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Даста асосидан магазинни чиқариш.
2. Сақлагич байроқчаси пастга туширилади.
3. Затворни орқага тортиб патрон бор ёки йўқлиги текширилади.
4. Тепки ҳалқаси пастга туширилади.
5. Затвор ажратилади.
6. Қайтарувчи пружина ечилади.
7. Тепки ҳалқаси жойига қуйилади.

### **Пистолетни тўлиқсиз қисмларга ажратиш**

#### **1. Дастакдан ўқдонни чиқариш:**

Пистолет дастагидан ўнг қўл билан ушлаган ҳолда чап қўлнинг бош бармоғи билан ўқдон илгичи орқага итарилади, бир вақтнинг ўзида чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан ўқдон қопқоғининг бўртиқ қисмидан тортилиб, ўқдон дастакдан чиқарилади. Сақлагич пастга босилиб пистолет сақлагичдан ечилади, чап қўл билан затвор орқа ҳолатга тортилиб, патрондонга қаралади ва унда патрон йўқлигига ишонч ҳосил қилингач, затвор қўйиб юборилади ҳамда пистолет хавфсиз томонга қаратилган ҳолда тепки ҳалқаси босиб юборилади.



#### **2. Тушириловчи ҳалқани тушириши:**

Пистолет дастагини ўнг қўл билан ушлаган ҳолда чап қўл билан тушириловчи ҳалқанинг олдинги қисмидан пастга тортиб туширилади, уни ихтиёрий равишда чапга ёки ўнгга оғдириб, асосга тираб қўйилади.



### *3. Затворни асосдан ажратиши:*

Чап қўл билан затвор орқа чекка ҳолатга тортилади ва орқа қисмини бироз кўтарган ҳолда унинг қайтарувчи пружина таъсирида олдинга ҳаракатланишига йўл қўйиб берилади. Затвор асосдан ажратилиб, тушириловчи ҳалқа жойига туширилади.



*4. Стволдан қайтарувчи пружинани ажратиши:* Ўнг қўл билан пистолет дастагидан ушлаган ҳолда чап қўл билан қайтарувчи пружина олдинга сурилган ҳолда стволдан ажратиб олинади.



Пистолетни қисмларга тўлиқсиз ажратишдан кейин йиғиши **тескари тартибда амалга оширилади.**

### **2-ўқув саволи: Автоматни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиши тартиби**

#### *1. Ўқдонни ажратиши:*

Чап қўл билан қўндоқнинг бўйнидан ушланган ҳолда, ўнг қўл билан ўқдон ушланади, бош бармоқ билан ўқдон қисқичини босган ҳолда ўқдоннинг пастки қисми олдинга сурилади ва ўқдон чиқариб олинади. Шундан кейин патрондонда патрон йўқлиги текширилади, бунинг учун ҳолат ўзгартиргич пастга босилиб, затвор асосининг дастаги орқага тортилади, патрондонга қаралади ва затвор асосининг дастаги қўйиб юборилади ва тепки ҳалқаси думига босилади.



#### *2. Шомпол ва пенал анжомларини чиқариши:*

Шомполнинг учи нишон асосидаги таянчдан тортиб чиқарилади ва шомпол суғуриб олинади. Қўндоқдаги уя қопқоғи бармоқ билан босилади ва бармоқ аста орқага чиқарилади. Бунда қўндоқ ичидаги пружинанинг таъсирида пенал уячадан ташқарига чиқади. Йиғиладиган



күндоқли автоматларда пенал ўқдон чўнтағида олиб юрилади.

### *3. Ствол қутиси қопқогини ажратиши:*

Чап қўл билан қўндоқ бўйнидан ушлаган ҳолда шу қўлнинг бош бармоғи билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени бўртиғига босилади, ўнг қўл билан қопқоқ тепага кўтарилади ва ажратиб олинади.



### *4. Қайтарувчи механизмни ажратиши:*

Автомат қўндоғи бўйнидан ушлаган ҳолда ўнг қўл билан қайтарувчи механизмнинг йўналтирувчи стержени товончаси сурилади, йўналтирувчи стерженнинг орқа қисми бироз кўтарилади ва қайтарувчи механизм затвор асоси каналидан суғуриб олинади.



### *5. Затвор асосини ажратиши:*

Автоматни ўнг қўлда ушлашда давом этган ҳолда затвор асоси охиригача орқага тортилади ва бироз орқа қисми юқорига кўтарилиб, ствол кутисидан ажратиб олинади.



### *6. Затворни затвор асосидан ажратиши:*

Чап қўлда затвор асоси юқорига кўтариб ушланади, затворни йўналтирувчи бўртиғи затвор асосининг фигурали қирқимидан чиқадиган ҳолатда буралиб, затвор орқага сурилади, кейин олдинга сурилиб, асосдан чиқариб олинади.



### *7. Газ найчасини ствол қобиги билан ажратиши:*

Автоматни чап қўлда ушлаган ҳолда газ найчаси байроқчаси вертикал ҳолатда тепага кўтарилади ва газ найчаси газ камераси оғзидан чиқариб олинади.



Тўлиқсиз қисмларга ажратилган автоматни йифиш тескари тартибда амалга оширилади.

**Макаров пистолети ва Калашников автоматини қисмларга ажратиш ва йифиш бўйича вақт меъёрлари**

Т/ р	Меъёрлар	Шартлар	Натижалар бўйича баҳолаш (сониягача, дақиқагача)		
			Аъло	Яхши	Қоник-ли
<b>Макаров пистолети</b>					
1.	Пистолетни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	7 сония-гача	8 сония-гача	9 сония-гача
2.	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган пистолетни йиғиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда пистолет қисмлари стол устида жойлашган	9 сония-гача	10 сония-гача	11 сония-гача
3.	Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда 8 та патрон сочилилган ҳолда бўлади	16 сония-гача	18 сония-гача	20 сония-гача
4.	Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш ва қайта йиғиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	8 дақиқа-гача	10 дақиқа-гача	12 дақиқа-гача
<b>Калашников автомати</b>					
5.	Автоматни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда автоматга ўқдон жойлаштирилган, пенал ажратилмайди	16 сония-гача	20 сония-гача	24 сония-гача
6.	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган автоматни йиғиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда автомат қисмлари стол устида жойлашган	30 сония-гача	35 сония-гача	40 сония-гача
7.	Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда 30 та патрон сочилилган ҳолда бўлади	35 сония-гача	40 сония-гача	45 сония-гача

### Мустақил тайёргарлик учун топширик:

- Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 22 сентябдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 383-сонли буйруғининг ўқ отиш курси бўлимини ўрганиш.
- Ўқ отиш курси бўйича меъёрларни ўқиб ўрганиш.
- ИИВнинг 383-сонли буйруғининг отиш машқларини конспектлаштириш.
- Макаров пистолетини тўлиқ қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартибини ўрганиб келиш.

### Назорат саволлари

1. Ички ишлар органлари қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқдорилари турларининг рўйхати ким томонидан тасдиқланади?
2. Макаров пистолетининг асосий қисмларини айтиб беринг?
3. Табель қуроли қайси тартибда олиб юрилади?
4. Ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эҳтиёж бўлмагандা қайси тартибда сақланади?
5. Макаров пистолетининг жанговар хусусиятларини айтиб беринг?
6. Калашников автоматининг асосий қисм ва механизмларини айтиб беринг?
7. 30 дона Калашников автоматининг патронларини ўқдонга жойлаштириш бўйича белгиланган вақт меъёрларини айтиб беринг?
8. Макаров пистолетининг зарбдор тепки механизмига қайси деталлар киришини айтиб беринг?
9. Калашников автоматининг жанговар хусусиятларини айтиб беринг?
10. Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йигиш бўйича вақт меъёрларини айтиб беринг?

## **МАВЗУЛАР БҮЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **2.1-мавзу бүйича назорат саволлари**

1. Бошлиқ билан ҳаракат давомида ҳарбийча саломлашишда неча қадам масофа сақланади?
2. Бошлиқ билан ҳаракат давомида ҳарбийча саломлашишда нечта қадамдан сўнг оддий қадам ташлаб юрса бўлади?
3. Бошлиққа қанча масофада яқинлашганда ҳарбийча салом берилади?
4. Қандай командаларни биласиз?
5. Бўлинмаларнинг юриш сафи қандай ҳолларда қўлланилади?
6. Сафни бошқариш қандай воситалар орқали амалга оширилади?
7. Интервал тушунчасига таъриф беринг?
8. Қатор тушунчасига таъриф беринг?
9. Қанотга тушунча беринг?
10. Саф ортига тушунча беринг?

### **2.2-мавзу бүйича назорат саволлари**

1. “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи қачон ва ким томондан тасдиқланган?
2. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўллаш талабларига риоя этилиши ким томонидан назорат қилинади?
3. Кўл кишани қўлланилган вақтда қанча вақт ичida қулфлар ҳолати текширилиши лозим?
4. Титандан ясалган ”Сфера“ дубулғасининг оғирлиги қанча?
5. Пўлатдан ясалган ҳарбий дубулғанинг оғирлиги қанча?
6. Ўқдан ҳимояловчи куртка ”Мираж“нинг оғирлиги қанча?
7. Зирхли қалқон “Девор”(Зabor)нинг оғирлиги қанча?
8. Махсус карабин КС-23нинг оғирлиги қанча?
9. Махсус резина таёқ ПР-73нинг оғирлиги қанча?
10. Кўл кишанлари (БР, БРС)нинг оғирлиги қанча?
11. СПШ-2 сигнал пистолетнинг оғирлиги қанча?
12. “ЁЖ-М” Автотранспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш мосламасининг узунлиги қанча?

### **2.3-мавзу бүйича назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида электрошок қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги буйругини белгилаб беринг?

2. АИР “М-140” русумли электрошок қурилманинг оғирлигини белгилаб беринг?

3. Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршиисидан келаётган тартибузар ўртасидаги оралик масофа неча метрдан кам бўлмаслиги лозим?

4. Картридж электродлари неча метргача бўлган масофага етиб боради?

5. Электрошок қурилмасини инсон танасига неча сониядан ортиқ қўллаш тақиқланади?

6. "Скорпион" 250-А русумли электрошок оғирлиги қанча?

7. "Скорпион" 350-А русумли электрошок оғирлиги қанча?

8. "Скорпион" 500-А русумли электрошок оғирлиги қанча?

9. "Скорпион" русумли электрошок қалқонининг оғирлиги қанча?

10. Электрошок қурилмани инсонга қўлланилганидан сўнг неча дақиқадан кейин қайта қўллаш мумкин?

## **2.4-мавзу бўйича назорат саволлари**

1. Махсус операция тушунчасига таъриф беринг?

2. Махсус операцияларни олиб бориша қандай шароитлар инобатга олинади ва уларни айтиб беринг?

3. Махсус операция неча босқичдан иборат бўлади?

4. Махсус операциянинг биринчи босқичини айтиб беринг?

5. Махсус операциянинг иккинчи босқичини айтиб беринг?

6. Махсус операциянинг учинчи босқичини айтиб беринг?

7. Қуролланган жиноятчиларни излаш ва қўлга олиш бўйича махсус операцияни олиб бориша усулларнинг кетма-кетлигини айтиб беринг?

8. Қуролланган жиноятчиларни яширган жойини аниқлашда Республикализнинг очиқ худудларида қайси излаш усули қўлланилади?

9. Қуролланган жиноятчиларни яширган жойини аниқлашда Республикализнинг тоғли худудларида қайси излаш усули қўлланилади?

10. Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда қандай усуллардан фойдаланилади?

## **2.5-мавзу бўйича назорат саволлари.**

1. Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик машғулотларини ташкиллаштириш тўғрисида” ги буйруғнинг сони ва ва санаси белгиланг?

2. Отиш курсининг асосий мақсади нима?

3. Нишон деб нимага айтилади?

4. Қанақа холатларда авария командаси берилади?

5. Отиш машғулотига раҳбарлик қилиш ва хизмат қўрсатиш, шунингдек, отиш мобайнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, отиш машғулотларига кимлар масъул бўлади?

6. Отиш машғулотлари бошланиши (ўтказилиши)дан камида неча кун олдин ички ишлар органи бошлиғи раҳбари полигон бошлиғига нишонлар майдонини тегишли машқ шартларига мувофиқ тайёрлаш бўйича талабнома тақдим этади?

7. Кичик калибрли (пневматик) қуролдан отиш учун мўлжалланган алоҳида ўқув жойини (одатда) каерларда тайёрлашга рухсат берилади?

8. Ўт очиш машқининг асосий қисми ўқув жойларида ўтказилиши ва машқ учун ажратилган вақтнинг нечи фоизини эгаллаши шарт?

9. Қайси ҳолларда яксон қилинган нишонлар сонидан қатъий назар, отиш машғулоти “Қоникарсиз” деб баҳоланади?

10. Бошлиғич отиш машқи кимлар томонидан бажарилади?

## **2.6-мавзу бўйича назорат саволлари.**

1. Макаров пистолетининг патронларсиз ва патрони билан оғирлиги қанча?

2. Макаров пистолети ўқининг оғирлиги қанча?

3. Макаров пистолетининг узунлиги ва баландлиги қанча?

4. Макаров пистолети қайси йили қуролланишга киритилган?

5. Макаров пистолетидан мўлжалга олиш ва жароҳат етказиш масофаси қанча?

6. АК-74 автоматининг калибри ва узунлиги қанчага teng?

7. Калашников автоматининг 1 дақиқада жанговар отиш тезлиги (якка ва автоматик тарзда) ҳисоби қанча?

8. АКМ автоматининг отиш тезлиги қанча?

9. АКМ автомати ўқининг бошлиғич тезлиги қанча?

10. Калашников автоматидан мўлжалга олиш масофаси қанча?

## ГЛОССАРИЙ

**Саф** – ҳарбий хизматчилар, бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг пиёда ва машиналарда биргалиқда юриш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда жойлашуви.

**Шеренга** – ҳарбий хизматчилар бир чизиқда, белгиланган интервалга амал қилган ҳолда ёнма-ён турган саф.

**Машиналар чизиги** – машиналар бир чизиқда ёнма-ён жойлашган саф.

**Қанот** – сафнинг ўнг (чап) томони. Саф бурилганда, қанот номи ўзгармайди.

**Фронт** – сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналар олд томони билан қаратилган) томони.

**Саф орти** – сафнинг фронтга қарама-қарши томони.

**Интервал** – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги фронт бўйлаб масофа.

**Дистанция** – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги саф узунлиги бўйича масофа.

**Саф эни** – қанотлар ўртасидаги масофа.

**Саф узунлиги** – биринчи шеренга билан охирги шеренга (олдинда турган ҳарбий хизматчи билан ортда турган ҳарбий хизматчи) ўртасидаги масофа. Ҳаракат машиналар воситасида бажарилаётган бўлса, биринчи машиналар чизиги билан охирги машиналар чизиги (олдинда турган машина билан охирида турган машина) ўртасидаги масофа.

**Икки шеренгали саф** – биринчи ва иккинчи шеренга деб номланадиган иккинчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар биринчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар ортида, бир қадамга teng дистанция қолдирган ҳолда (олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига кафти қўйилиб узатилган қўл масофасида) турган саф. Саф бурилганида шеренга номи ўзгармайди.

**Қатор** – икки шеренгали сафда кетма-кет турган икки нафар ҳарбий хизматчи. Агар биринчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи ортида ҳарбий хизматчи бўлмаса, бундай қатор тўлмаган қатор, деб номланади.

Икки шеренгали саф ортга бурилса, тўлмаган қатордаги ҳарбий хизматчи олдинги шеренгага ўтади.

**Бир ёки икки шеренгали** сафнинг ораси жипс ёхуд очик бўлиши мумкин.

Ораси жипс саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича ёнма-ён, тирсаклар орасида бир кафт энига teng интервал қолдириб жойлашади.

Ораси очик саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича бир-биридан бир қадамга ёки командир томонидан тайинланган масофага teng

интервал қолдирган ҳолда жойлашади.

**Колонна** – ҳарбий хизматчилар ва бўлинмалар (машиналар) бир-бирининг ортида, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Бир, икки, уч, тўрт колоннали ва ундан ортиқ колоннали саф бўлиши мумкин.

Бўлинма ва ҳарбий қисмлар юриш сафида ҳаракатланиши ёки ёнма-ён тизилиши учун колонна қўлланилади.

**Ёнма-ён тизилган саф** – бўлинмалар бир ёки икки шеренгали сафга (машиналар чизигига) фронт бўйлаб бир чизикда тизилган ёхуд колонналар чизигига, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган интервал қолдирган ҳолда тизилган саф.

Ёнма-ён тизилган саф йўқлама, саноқ, кўрик, парад ўтказиш учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

**Юриш сафи** – бўлинма колоннага тизилган ёки колоннага тизилган бўлинмалар кетма-кет, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Юриш сафи бўлинмалар марш давомида ҳаракатланиши, тантанали юриши, саф қўшиғи билан ўтиши учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

**Етакчи** – тайинланган йўналишда бош бўлиб бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина). Колган ҳарбий хизматчилар (бўлинма ёки машиналар) ўз ҳаракатини етакчига қараб мослаштиради.

**Охирда борувчи** – колоннанинг охирида бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина).

**Саф бошқариш** амаллари оғзаки, сигнал воситасида ёки командир томонидан шахсан кўрсатиб бериладиган, шунингдек, техник ва ҳаракатчан воситалар орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

**Шахсий ҳимоя воситалари** – ички ишлар органлари ходимларини бош, кўкрак, бўйин, бел, оёқ ва қўлларини мина, гранаталарнинг кичик заррачаларидан, пистолет, револьвер, ов қуролларнинг ўқларидан, совуқ қуроллардан, шунингдек тош, металл симлар, таёқ зарбаларидан ҳимоялайди.

**Дубулға** (каска)лар – металл, лакланган тери, пластмасса ва бошқа ашёлардан тайёрланган, бошни урилишдан ёки зарбадан сакловчи маҳсус бош кийим.

**Совут** (бронижелет)лар – матодан тайёрланган бўлиб ичи металл билан жиҳозланган инсоннинг ҳаётига зарур органларини ўқлардан, портловчи қурилмаларнинг заррачаларидан, урилишдан ёки зарбадан сакловчи маҳсус кийим.

**Қалқон** (шит)лар – темирли, пласмассали ва шаффоф бўлиб кўтариб юрадиган ҳимоя воситаси ўқлардан, портловчи қурилмаларнинг заррачаларидан, урилишдан ёки зарбадан сақловчи махсус восита.

**Фаол мудофаа воситалари** – қонунбузарларни қайтариш ёки уларни бўйсунмасликларини, жисмоний қаршилик кўрсатишларини олдини олишда тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун мўлжалланган.

**Махсус операцияларни таъминлаш воситалари** – қонунбузарларни чалғитиши ва операцияларни олиб боришида шароитларни яратиш учун мўлжалланган.

**Электрошок қурилмалари** – инсон организмига йўл қўйиладиган шикаст етказувчи таъсир нормаларига эга бўлган, электр импульсларини ҳосил қилиш асосида контактли ва масофа-контактли электр таъсир ўтказиш қурилмалари

**Масофавий электрошок қурилмалари** – масофадан электро импульсларни юборадиган картридждан фойдаланиш.

**Оммавий тартиббузарлик** – фуқароларни тўпланиши, улар томондан амалга ошириладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлари.

**Қуролланган жиноятчи** – қуролланган фуқаронинг қуролли жиноят содир этиши.

**Ўқ** – қуролга мўлжалланган жанговар патроннинг бош қисми. Оддий ва махсус турларга бўлинади.

**Оддий ўқлар** очиқ жойда ёки енгил тўсиқ ортида, шунингдек, зирҳланган техника ичида жойлашиб олган жонли кучни йўқ қилиш учун қўлланилади.

**Махсус ўқлар** ёришадиган из қолдириб учиш, зирҳни тешиб ўтиш, нишонни ёндириш каби вазифалар учун мўлжалланган.

**Ўқдон** – муайян русумга мансуб патронларни жойлаштириш ва қурол патрондонаига юборишдан аввал, патронларни узатиш чизигига кетма-кет силжитиш учун мўлжалланган мослама, ҳажм.

### **Ўқдонлар:**

*қурол билан бирикиш жойига кўра* – ствол ости, қурол ўртаси ва қўндоғидаги;

*шаклига кўра* – қутисимон, дисксимон, барабансимон;

*қурол билан бирикиб туришига кўра* – алмашувчи, алмашмайдиган, мажмуий;

*патронларнинг жойлашишига кўра* – бир қаторли ва кўп қаторли турларга бўлинади.

Ўқдонлар автоматик ва автоматлаштирилмаган ўқотар қурол ҳамда кичик калибрли зенит автоматик тўпларда кенг қўлланилади.

**Ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти** – ўқ-дори ва аслаҳа захирасини

сақлаб туриш ва бўлинмаларни таъминлаш учун мўлжалланган, жанговар ҳаракатлар даврида батальонда ёки взвода ташкил этиладиган пункт. Мазкур пункт таркиби, ташкил этиш вақти, жойи ва кўчиб ўтиш тартиби батальон ёки взвод командири томонидан белгиланади.

Ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти, умумқўшин полигони ва ўт очиш майдонида, жанговар ҳамда ўқув-жанговар ўт очиш машқи ўтказилганда ҳам ташкил этилади.

**Ўқ-дорилар** – қурол-аслаҳанинг таркибий қисми бўлиб, жонли куч ва техникани йўқ қилиш, иншоотларни вайрон этиш ва маҳсус вазифаларни бажариш мобайнида қўллаш учун мўлжалланган.

Ўқ-дорилар туркумiga қўйидагилар мансуб, яъни артиллерия снарядлари, реактив снарядлар, ракеталарнинг жанговар қисмлари, авиация ва чуқурлик бомбалари, ўқотар қуролларнинг патронлари, қўл ва қурол гранаталари, ер усти ва денгиз миналари, фугаслар, ядровий ва бошқа ўқ-дорилар. Улар оддий, ядровий, кимёвий ва бактериологик турларга бўлинади.

**Ўқотар қурол тепиши** – пистолет, милтиқ, автомат, пулемёт, артиллерия қуроли каби ўқотар қурол стволининг тубига ўт очилган фурсатда ҳосил бўлган порох газлари босими кучининг ўтказадиган таъсири.

**Ўқотар қурол тепиши** қурол русумига кўра қўйидагича рўй беради:

яхлит қурол ёки қурол қисмларининг ўт очилган йўналишга қарши томон ғилдираши ёки тисарилиши;

қурол сапчиши;

ўт очган шахс елкаси ёки қўлига туртки бериши.

Тепиш оқибатларини, яъни қуролнинг ғилдираб кетиши, расчётнинг толиқиши, қуролни йўналтирувчи ўрнатмаларнинг ўзгариб кетиши, ўқларнинг нишонга ғуж тушмаслиги ва отиш тезлигининг пасайиши каби оқибатларни турли воситалар: ғилдиратмайдиган пона, тепки сўндиригич, амортизатор, тепишига қарши мосламалар билан нисбатан камайтиришга эришилади. Автоматик қуролда тепки кучидан қуролни қайта ўқлаш учун фойдаланади, бу эса ўз навбатида ўт очиш суратини оширади.

**Автомат** (юн. *автоматос* – ўзи ҳаракатланувчи):

1) автоматик ўқотар шахсий қўл қуроли бўлиб, душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган. Автомат механизмларининг автоматик ҳаракатлари порох газлари энергиясидан фойдаланишга асосланган. Илк бор Россияда В.Г. Фёдоров томонидан 1916 йилда ихтиро қилинган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурол-аслаҳаси таркибига, асосан ўқли қуролларнинг асосий турларидан бири бўлиб қолган М.Т. Калашников тизимига мансуб автомат қабул қилинган;

2) бевосита одам қатнашмай, берилган дастур бўйича энергия, ашёлар ёки

ахборотни олиш, узатиш ва ишлатиш жараёнларидаги барча вазифаларни бажарувчи қурилма.

**Пистолет:**

шахсий ўқотар қурол. Душманнинг 50-70 м.гача масофадаги жонли кучини шикастлантиришга мўлжалланган. Ундан бир қўл билан отиш мумкин. Пистолет билан офицерлар, шунингдек, айрим ихтисосликларга мансуб сержант ва аскарлар қуроллантирилади.

**Затвор** – патронни, артиллерия снарядини патрондонга юбориш, ствол каналини ёпиш, ўт очиш, канални очиш ва каналдаги гильзани ёки патронни стволнинг ортки учи орқали чиқариб улоқтириш учун мўлжалланган қуролдаги мослама. Затворлар тузилишига кўра артиллерияда – поршени, понали; ўқотар қуролларда эса – сирпанувчан, чайқалувчан, кўндаланг ҳаракатланувчан турларга; ишлаш тамойилларига кўра – автоматик, яrim автоматик, автоматлаштирилмаган турларга бўлинади.

**Патрон** (франц. *патрон*) – ўқли қурол ва кичик калибрли, яъни 75 мм. гача замбарак ўқ-дориси. Унда ўқ ва снаряд, порох заряди ва ёндирувчи восита гильза ёрдамида бир бутун мужассамлаштирилган. Бундай патрон – яхлит, яъни унитар патрон деб аталади.

**Жанговар патрон** – душманнинг жонли кучи ва харбий техникасини йўқ қилиш учун мўлжалланган;

**Кўмакчи** – пахтавон, ўқув ва қуролни синаш учун мўлжалланган патронларга бўлинади.

Дастлаб қоғоз гильзали унитар патрон XIX асрнинг 40-йилларида, металл гильзали унитар патрон эса XIX асрнинг 60-йилларида вужудга келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида оралиқ патрон, урушдан сўнгги йилларда эса кичик импульсли унитар патронлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда гильзасиз патронлар яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Патрондон** – ўқотар қурол стволи каналининг отиш учун узатилган патрон гильзаси жойлашадиган қисми. Артиллерия қуролларида ствол каналининг ушбу қисми ўқлаш камораси деб аталади. Револьверларда ва авиаация тўпларининг айримларида айланувчан барабандга жойлашган бир нечта патрондонлар мавжуд.

**Калибр** – ствол ичидағи кесимларнинг орасидаги масофа.

**ЗИП** – қўшимча ускуна ва мосламалари (запасные инструменты и приспособления).

**ПСО** – мерганинг оптик мўлжалга олиш мосламаси нишонни катталаштириб берувчи ва яқинлаштириб берувчи мослама.

**Нишон** – жанговар отиш (очик ёки ёпиқ) тири ва дала ўқув майдонларида машғулот ҳамда мусобақаларда фойдаланиувчи сунъий мўлжал.

**Отиш мэрраси** – отиш машқини бошлиш ва бажариш учун ажратилган шартли жой (қизил рангли чизиқ ёхуд қизил рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса қизил фонардан фойдаланиш мумкин).

**Дастлабки мэрра** – отишга тайёргарлик кўриш ва отиш мэррасига ҳаракатланиш учун белгиланган жой (оқ рангли чизиқ ёхуд оқ рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса оқ фонардан фойдаланиш мумкин);

**Команда** – ўқ отувчига отишни бошлиш, тугатиш ва отиш давомидаги ҳаракатларини бошқариш юзасидан овоз, елкасига уриш ва хуштак орқали бериладиган ишора (буйрук).

**Авария** – патронлар тугаганда, қурол носоз ҳолатга келганда ёки ўқдонни алмаштиришда зарурат юзага келганида бериладиган команда.

**Отиш** – порох зарядини ёниши жараёнида ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси таъсирида ствол каналидан ўқ (граната)ни отилиб чиқиши.

**Отиш вақти** – отиш машқни бажариш учун белгиланган вақт.

**Нишонгача бўлган масофа** – отиш мэррасидан нишонгача бўлган масофа.

**Отиш ҳолати** – ўқ отувчининг отиш вақтидаги эгаллаган ҳолати.

**Отиш майдони** – отиш машқларини ўтказиш ёки қурол-яроғлардан ўт очиш ҳамда қуролларни синовдан ўтказиш учун мўлжалланган ҳудуд.

**Отиш шаҳарчаси** – ходимларнинг ўқ отиш бўйича бошланғич билимларини ўзлаштириши ва шакллантириб бориш учун мўлжалланган моддий-техник базаси.

# **ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

## **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.**

1. 2017 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони.

## **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хукуқий-меъёрий хужжатлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 15 марта даги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли бўйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 22 сентябргаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмонийва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш” тўғрисида 383-сонли бўйруғи.

## **IV. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар.**

1. “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Саф низоми” Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2013 йил 28 октябрдаги 13/34/6/84- сонли қўшма қарори билан тасдиқланган.

2. Умурзаков Б.Б., Батыров У.А. Маҳсус тактика. Ўқув қўлланма. – Т., 2014.

3. Джурабаев Р.Т., Акрамбаев Х.М., Ачилов М.Х. Маҳсус тактик тайёргарлик: Ўқув қўлланма. –Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органларида электрошок қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 29-сонли бўйруғи.

## **V. Интернет сайatlari**

1. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси).
2. <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларнинг маълумотлар миллий базаси).
3. <http://yeduportal.uz> (Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази).
4. <http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи).

**Ш.А. ТАДЖИМЕТОВ; Б.Б. УМУРЗАКОВ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“ПОДПОЛКОВНИК” МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАЛАКА  
ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Мухаррир Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи \_\_\_\_.  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.